

ҲАЙДАРАЛИ УЗОҚОВ, УЛМАС МИРЗАҚАРИМОВА,
РИХСИЕР САИДОВА

ЎЗБЕК ТИЛИ АМАЛИЁТИ

ПРАКТИКА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ
I, II КУРС РУС ГУРУҲЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1993

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

А.Қ.—Абдулла Қаҳҳор
С.Аҳм.—Саид Аҳмад
С.Ан.—С. Анорбоев
М.Исм.—Мирзакалон Исмоилий
«Т. о»—«Тошкент оқшоми» газетаси
О.—Ойбек
А.Қод.—Абдулла Қодирий
П.Қ.—П. Қодиров
Э.Раҳ.—Эгам Раҳим
Ф.И.—Фозил Иулдош

П.Т.—Парда Турсун
Т.Т.—Туроб Тўла
Б.Шт.—Б. М. Штеменко
Ғ.Ғ.—Ғафур Ғулом
Н.—Алишер Навоий
У.—Уйғун
Ҳ.П.—Ҳасан Пўлат
Ҳ.О.—Ҳамид Олимжон
«Ўзб. о»—«Ўзбекистон овози» газетаси

81.2Ўз
У 29

Узоқов Ҳ. ва бошқ.


Ўзбек тили амалиёти: Нофилологик олий ўқув юрт. I, II курс рус гуруҳлари учун дарслик / Ҳ. Узоқов, У. Мирзакаримова, Р. Саидова. — Т.: Ўқитувчи, 1993. — 240 б.

Т. 1.2 Автордеш

Узаков Х. и др. Практика узбекского языка: Для студ. I—II курсов русских групп нефилол. фак. высш. учеб. заведений.

ББК 81.2Ўз—96

№ 230—93
Навоий номли Ўзбекистон Республикаси
давлат кутубхонаси.
Тираж 4000
Карт. тиражи 8000



У 4602020400—119
353 (04)—93 55—93

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1993

ISBN 5—645—01893—1

МУАЛЛИФЛАРДАН

Қўлингиздаги ушбу дарслик нофилологик олий ўқув юртларининг таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлари I—II курс талабалари учун илк бор яратилди.

Дарслик анъанага кўра «Ўзбек тили грамматикаси» ёки «Ўзбек тили» ёхуд «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» деб номланмади. Бунинг қатор сабаблари бор:

1. Ўзбек тили — давлат тили мақомини олгач, у фан сифатида қайта қурилиши шарт бўлиб, унга янгича номлаш негизида янгича таълим жараёнларини қидириб топиш — ўқитиш ва ўргатишнинг энг қулай ва осон усулларини қўллаш зарур эди. Бу нарса қоида ёдлатиш билан эмас, ҳаёт тақозо этган амалий, ҳаётий таҳлил ва мулоқотлар асосига қурилиши лозим эди. Шу принципга амал қилинди.

2. Дарслик «Ўзбек тили» деб олинса, гўё эски услуб бўйича ёзилган дарслик экан, деган тушунча ҳосил бўлади.

3. «Ўзбек тили грамматикаси» деб олинадиган бўлса, тил ўргатиш талаби билан унинг таркибига «Фонетика» ва «Лексика» ҳам киритилади. Бу ҳаётий эмас, тил атамашунослиги талабларига зид иш тутилган бўлади. Грамматика фақат морфология ва синтаксисдан иборат бўлади-ку! Шу туфайли бундай аталиш маъқул кўрилмади.

4. «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» деб номланиши ҳам юқоридаги учинчи моддани такрорлаш руҳида бўлиб қолади. Бунда «амалий» сўзида гўё янгилик бордек бўлса ҳам, аслида рус тилидан андаза олингандек, яъни «Прикладная грамматика русского языка» номи билан такрор-такрор чоп этилган қўлланмаларнинг нусхасидек бўлиб қолади.

5. Таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар талаби ва руҳиятидан келиб чиқиб, дарсликни «Ўзбек тили амалиёти» («Практика узбекского языка») деб аташ таклиф этилди. Бу ном Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг раҳбарлари, жумҳурият нофилологик олий ўқув юртлари ўзбек тили кафедралари мудирлари иштирокидаги йиғилишда кенг муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Шу муносабат билан дарсликни мазкур ном билан аташни маъқул кўрдик ва унда ўзбек тили ўқитиш усуллари ва методларини янгича ифодалашга уриндик.

МУҚАДДИМА

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, бу тилни ўрганишга бошқа миллат вакиллари орасида қизиқиш кучайди; нофилологик олий ўқув юртларининг рус гуруҳлари I—II курсларида ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўқув режасига киритилди.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган бу тадбирлар халқлар орасида бир-бирларини тушуниш ва дўстлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга олиб келади, миллатлараро муносабатларни амалий жиҳатдан яхшилашга кўмаклашади.

Бу айтилганлар муаллифларнинг ўз олдиларига қўйган муҳим вазифа — маҳаллий бўлмаган талабаларга ўзбек тилини ўргатиш соҳасида хизмат қиладиган дарсликнинг вужудга келишида муҳим омил бўлди. Ана шундан келиб чиқиб ушбу дарслик техника билан боғлиқ бўлган (яъни нофилологик) олий ўқув юртлари рус гуруҳлари талабалари учун тузилди.

Ушбу дарслик ўзбек тилшунослигида биринчи бор тузилмоқда. Унда кўпроқ техникага доир сўз ва атамалар, сўз бирикмалари ва гаплар берилди; машқ ва топшириқлар, савол-жавоблардан иборат ёзма нутқ намуналари ҳам кўпроқ нофилологик руҳда танланди. Бу нарса шу кунгача ўзбек тили ва унинг луғати таркибининг бузилиб кетганлиги, унда ажнабий ва русча тушунчалар, уларни ифодаловчи сўз, атама ва сўз бирикмалари моҳият жиҳатдан ўзбекча аталиш, номланиш муаммосини келтириб чиқаради — калькалаш, яъни андозалаш, энг муҳими — туркий тушунча-сўзлар яратиш вазифасини қўяди.

Ана шуларни эътиборга олиб, ўзбек тилини ўргатиш фонетик, лексикологик ва грамматик тарзда қўйилган бўлса ҳам, бу соҳалар матнлари, сўз ва атамалари, топшириқ ва савол-жавобларда кўпроқ оғзаки сўзлашув ва нутқни ўстириш ҳамда

нофилологик сўз, атамалар мантиқини шарҳлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ёритиш кўзда тутилган.

Чунки ҳозирги талаба кўпроқ ана шундай муаммоларни ҳамда оғзаки гап тузиш ва тўғри талаффуз нормаларини ўрганишни ва шу асосда мулоқот ўрнатишни мақсад қилиб қўймоқда.

Дарслик муаллифлар томонидан яратилган дастлабки ишлардан бири бўлганлиги сабабли унда камчиликлар бўлиши табиий. Шу сабабдан уни тuzатишга кўмаклашувчи ўртоқларга муаллифлар ташаккур билдирадilar.

ФОНЕТИКА

1-§. Фонетика (от греческого слова *phone* — звук, звучание) изучает многообразие звуков речи в языках самых различных типов, особенности образования и произношения этих звуков, их классификацию, выявляет особенности ударения и слогообразования.

2-§. В узбекском языке 35 букв, 31 фонема-буква-звук, 4 буквы-звука.

Удли фонемалар — гласные фонемы. В узбекском языке шесть гласных фонем: и, э(е), а, о, ў, у.

Ундош фонемалар — согласные фонемы. В узбекском языке 25 согласных фонем: б, в, г, д, ж, ж (қоришма ж) з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ч, ц, ш, қ, ғ, ҳ.

Графемы — «йо» лашганлар. Четыре буквы я (*й+а*), ё (*й+о*), е (*й+э*), ю (*й+у*) служат для передачи йотированных звуков.

3-§. Фонема тушунчаси — понятие фонемы. Фонема — это звук языка, наделенный смысловозначительной функцией. Фонемы — неразложимые на более мелкие единицы звуки языка, из которых состоят слова и морфемы — значащие части слов данного языка.

Например, говорящие по-узбекски различают слова и словоформы *бор* — есть, имеется, *бўр* — мел, *бур* — поверни, *бер* — дай, *бир* — один; *қўл* — рука, *кўл* — озеро; *хуш* — хороший, веселый, *хуш* — чувство, сознание; *ўн* — десять, *ун* — мука, *он* — момент, мгновение; *ғўр* — незрелый, зеленый, *гўр* — могила; *олдим* — я взял, *олдинг* — ты взял, *олдик* — мы взяли; *қўй* — баран, овца, *қуй* — наливай, *куй* — мелодия, *кўп* — много; *ҳаким* — врач, *ҳоким* — государь; *ҳар* — каждый, всякий, *хар* — ишак.

4-§. Товуш ва ҳарф — звук и буква. Звук мы произносим и слышим, а букву — пишем и видим. Буква — это условный знак, символ для передачи звуков речи на письме.

Например, графема *я* — и буква и звук, но не фонема, потому что в составе этой графемы имеются отдельные фонемы

й и а, т. е. я содержит два звука. Примеры употребления таких графем: *яша* — живи, *яши* — хорошо, *якка* — отдельно, один, *ёв* — враг, противник, неприятель, *ел* — ветер, *елдек* — как ветер, *емоқ* — кушать, *енгил* — легко, легкий, *етук* — зрелый, *юр* — иди.

5-§. Товуш ва фонема — звук и фонема. Не каждый звук является фонемой, хотя фонема, как и любой звук человеческой речи, имеет артикуляционную и акустическую характеристику.

Если мы сопоставим звуковой состав слов *кўр* (смотри) и *гўр* (могила), *қаз* (казы) и *қоз* (судья), то увидим, что каждое слово первой пары состоит из трех звуков, а каждое слово второй пары — из четырех. Слова в первой паре различаются звуками к и қ, а во второй — а и о.

1-машқ. Ушбу мати таркибидан товуш ва ҳарф тушунчаларнинг тенг келиши ва ўзаро фарқларини аниқланг. Бунда нечта товуш бир ҳарф ва нечта ҳарф бир товушни ифода этаётганини тушунтиринг, уларнинг талаффузига этибор бериб ўқинг.

Донолар бисотидан

Ҳар кун и жаҳоннинг энг донишманд кишилари билан мулоқотда бўлишдан кўра қимматлироқ нима бор? (*Л. Толстой*)

Китоб йиғиш — дорилфунуннинг ўзгинаси. (*Т. Карлейль*)

Инсониятнинг бутун ҳаёти пайдарпай китобларда манзил топади, қабилалар, одамлар, давлатлар йўқ бўлиб кетади, китоблар эса қолаверади. (*А. И. Герцен*)

Ўқиш — энг яхши таълим. Буюк алломанинг фикрига эргашиш энг қизилқарли илмдир. (*А. С. Пушкин*)

Китоб ўқимайдиган саводли одам нимага ҳам арзирди? Бундай одам яна такрор саводсизликка маҳкумдир. (*А. В. Луначарский*)

Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар. (*Д. Дидро*)

Ўқинг, қизиқ

Ер куррасидаги энг серёғин жой Ҳинд океанининг Реюньон оролидаги Сайлас деб аталувчи мавзеи ҳисобланади. Унда шундай кучли ёғинлар бўладики, кеча-кундуз давомида икки метрга қадар баландликда сув тўпланган ҳоллар ҳам кузатилган. Бу дунё бўйича ўзига хос энг юқори кўрсаткичдир.

* * *

Капалаклар етиштириладиган энг катта маскан Малакка ярим оролининг ғарбий соҳилида жойлашган. Бу ерда бир гектарга яқин майдон махсус тўр билан ўралган. Бу ғаройиб за-

минда кўркем ва камёб капалакларнинг эллик тури кўпайтирилади.

* * *

Бир киши кўтара олиши мумкин бўлган энг оғир юк 606 килограмми ташкил этади. Англиялик Жерри Уорд бу миқдордаги юкни жойидан қўзғатибгина қолмай, олти метр масофага кўтариб борган.

* * *

Одам тўхтовсиз югура олган энг олис масофа марафон масофасидан беш барабар узоқ бўлиб, 195,1 километри ташкил этади. Бундай кўрсаткичга эришиш учун англиялик Жеймс Бедс 22 соату 27 минут вақт сарфлаган.

6-§. Унли товушлар — гласные фонемы. Гласные фонемы узбекского и русского языков довольно существенно отличаются друг от друга.

Различие между сходными узбекскими и русскими гласными фонемами видно из следующей таблицы.

Ўзбек ва рус унли фонемаларининг қиёсий жадвали

Қатор ва лабланиш— ряд и лабиализация	Олд қатор—передн. ряд		Урта қатор— ср. ряд.		Орқа қатор— задн. ряд	
	Ўзбек тили	рус тили	Ўзбек тили	рус тили	Ўзбек тили	рус тили
Кўтарилиш—подъем	Лаблашмаган— нелабиализованные	Лаблашмаган— нелабиализованные	Лаблашмаган— нелабиализованные	Лаблашмаган— нелабиализованные	Лаблашган— лабиализованные	Лаблашган— лабиализованные
Юқори қисқа— верхние узкие	и	и		ы	у	у
Ўрта—средние	э	э			ў	о
Қуйи (кенг)—ниж- ние (широкие)	а	а			а	

Характеристика гласных фонем

(Унли фонемалар тавсифи)

7-§. Фонема и. В узбекском языке звук и узкий, нелабиализованный, переднего ряда, произносимый с относительно боль-

шим раствором рта, менее энергично и более кратко, чем русский и.

Узбекское и занимает промежуточное положение между русскими и и ы.

Русские, изучающие узбекский язык, обычно приравнивают узбекское и к русскому и во всех позициях, что искажает узбекское произношение, а иногда приводит к семантическим недоразумениям. Особенно часто это наблюдается при произношении узбекского и в близком соседстве с глубокозаднеязычными согласными, отсутствующими в русском языке. Например: *кир* — грязь, грязное белье и *қир* — холмистая степь; *кий* — надень и *қий* — прессованный навоз и др.

Узбекское и переднего уклада произносится:

а) в начале слова перед переднеязычными и губными: *ис* — запах, *ишла* — работай, *ит* — собака; *из* — след, *ижро* — исполнение, *имкон* — возможность;

б) между переднеязычными и среднезаднеязычными к, г: *тикмоқ* — шить, *чигит* — хлопковое семя, *тикан* — колючка, заноза, *тикма* — не шей;

в) после к, г: *сигир* — корова, *гилам* — ковёр, *кирмоқ* — входить.

Наиболее заднего уклада и произносится, как ы-образный вариант. Эта фонема образуется в соседстве с глубокозаднеязычными қ, ғ, х:

а) в соседстве с қ: *қиз* — девочка, *қиш* — зима, *қирғиз* — киргиз, *қирқ* — сорок, *қирқма* — обрез, *қиммат* — дорого;

б) в соседстве с ғ: *ғишт* — кирпич, *ғирром* — нахал, *ғижим* — сжатый, *йиғим* — собрание, сбор, *зиғир* — лён;

в) в соседстве с х: *хирмон* — гумно, хирман, *хина* — хна, *хил* — вид, *хира* — тусклый, *хийла* — немного, *хийнат* — измена, предательство, *хийбон* — проспект.

2- машқ. Ўқинг, қуйидаги сўзлар таркибидаги и фонемасининг тўғри талаффузига эътибор беринг. Байналмилал сўзлардаги и талаффузи билан ўзбекча и ўртасидаги фарқни кўрсатинг. Ўзбекча сўзларни русчага ағдаринг, ўзлашган сўзлар маъноларини изоҳланг.

Ибора, иборат, ижод, ижро, иззат, изоҳ, илдиэ, илк, илм-фан, имо, ирқ, исм, истило, иқтисод, иқлим, ихтиёр, ишғол, ирригация, ирригатор, ипподром, инфратовуш, инфляция, интонация, интернационал, интернат, император, иммунитет, империя, идеалист, идеал, идеализм.

3- машқ. Ушбу матнда қатнашган, таркибида саёз тил орқа г, к ва чуқур тил орқа қ, ғ, х иштирок этган сўзларни топиб, уларнинг талаффузига эътибор беринг ва матнни рус тилига ағдаринг.

Шкафдаги китобларни олиб, тўп-тўп қилиб боғлаш керак, Агар бу китобларни бир тўпга тўрттадан, бештадан ва олти-тадан қилиб боғланса, ҳар гал битта китоб ортиб қолади, агар еттидан қилиб боғланса, китоб ортиб қолмайди. Агар

шкафдаги китоблар 400 дан ортиқ эмаслиги маълум бўлса, китоблар нечта?

4- машқ. Қуйидаги йўл ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган атама ва сўз бирикмалари воситасида ўзбек тилида гап тузинг, ўзбекча сўз ва атамалар таркибидаги и фонемасининг саёз, чуқур ва ўта чуқур вариантларини ёзиб кўрсатинг.

Дорога, улица — йўл, кўча. *Внегородская дорога* — йўлнинг шаҳардан ташқаридаги қисми. *Пешеходная дорожка* — пиёдалар йўлакчаси. *Улица, городская дорога* — кўча, шаҳар йўли. *Транспортная сеть* — транспорт тармоғи. *Протяженность сети* — тармоқлар узунлиги. *Плотность дорожной сети* — йўл тармоғи зичлиги. *Движение по дороге* — йўл бўйлаб қатнов.

5- машқ. Қуйидаги тил олди л, в, н, д, з, т ҳарфларидан сўнг ёки олдин, тил ўрта и товуш билан ёнма-ён, саёз тил орқа г, к, фонемалари билан ёндош ҳамда чуқур тил орқа қ, ғ, х ҳарфларининг олдидан ёки кетидан келган и фонемаси иштирокидаги сўзларни топинг, уларнинг талаффузига эътибор беринг.

На м у н а: *лимон, йирик, гилос, кигиз, гирром, ихтиро, қилич* каби.

6- машқ. Қуйидаги и иштирок этган сўзлардан гап тузинг ва ҳар бир гапни рус тилига ағдаринг.

Хизмат, хизмат қилмоқ, хил, хилма-хил, хиралик, чигит, чизмоқ, чин, чодир, чопиқ, чўқтирмақ, шерик, қиёфа, хотира, хоҳиш, янгилик, ялпиз, ирригация.

8- §. Фонема э (после согласных орфографическое е). Гласный э (е) является полуузким и произносится так: передняя спинка языка поднимается довольно высоко к твердому небу, а кончик языка лежит у нижних зубов. Раствор рта узок. По своей длительности узбекский э приближается к русскому ударному э в словах *мель, день*. В узбекских словах фонема э обычно встречается только в первом слоге, исключение составляют лишь некоторые сложные слова. Например: *ўзбек, темир* (железо).

Фонема э — переднего ряда, нелабиализованная. Часто встречается в начале слова: *эгов, экан, элак, Элбек, элат, эзмок, эҳтимол, эркак*.

7- машқ. Қуйидаги матнни тўғри талаффуз билан ўқинг. Э фонемасининг қайси сўзлар таркибида е графемаси шаклида келганлигини тушунтиринг. Матнни ролларга бўлиб айтиб беринг.

Асалари ва пашша (Масал)

Пашша бир ёқдан учиб келаётган асаларини кўриб:
— Дўстим, қаердан келаяпсан? — деб сўради.

— Гулзордан. Бир оз асал йиғдим, уя солиш учун мум олиб келаётирман,— деди асалари.

— Бир бошинг учун мунча кўп ҳаракат қиласан? Кишилар ҳозирлаган овқатларни сен ҳам менга ўхшаб маза қилиб еб юрсанг бўлмайдини?— деди пашша.

Асалари пашшага зарда билан жавоб берди:

— Тирикчилигинг ўз бошингдан бери келмасин. Меҳнат қилмай еган овқатда маза бўладими? Одамлар сени қувлайдилар. Улдирадидлар. Сен текинхўрсан. Уғри каби яшайсан. Мен ҳалоллик билан кун кўраман. Менинг тайёрлаган асалимни ҳамма севиб ейди. Шунинг учун кишилар бизни яхши кўрадидлар, мақтайдилар, буни билиб қўй! Менинг сен каби бекорчи билан гаплашадиган вақтим йўқ. Шу сўзларни айтгач, асалари учиб кетди.

8- машқ. Уқинг. Қуйидаги сўзлар таркибидаги э (е) товушлари талаффузига эътибор беринг. Таржима қилинг.

Элчи, эллик, эмас, эски, этик, экин, эш, эргаш, эҳсон, эҳтиёт, эҳтимол, эсон, эт, этак, эсмоқ, этмоқ, тетик, текин, терим, тепа, керак, челақ, демақ, шерик, секин, зеҳн, телба, терма.

9- машқ. Қуйидаги матн таркибидан э қатнашган сўзларни топинг. Бу фонема қайси сўзлар ва атамалар таркибида сўз ўртасида е графемаси шаклида келганлигини аниқлаб, матн мазмунини сўзлаб бериңг.

Эйнштейн ва Чаплин

Номини бутун жаҳон биладиган улуғ физик олим Альберт Эйнштейн билан машҳур кино артисти Чарли Чаплин суҳбатлашиб қолишди. Эйнштейн: «Маҳоратингизнинг айниқса бир фазилатига тан бермаслик мумкин эмас. Ролларни шундай ижро этасизки, унга ҳамма халқлар тушунади ва қойил қолади», деди.

Чаплин эса унга: «Сизнинг шуҳратингиз эса меникидан ҳам ажойиб,— деди.— Сиз асос солган нисбият назариясини ҳеч ким тушунмайди, аммо унга ҳамма тан беради.

9- §. Фонема а. Гласный а — звук широкий нелабиализованный. Узбекский звук а похож на русскую фонему а, является гласным переднего или, вернее, переднесреднего ряда. Но он может произноситься после твердых согласных: *бар* (пола), *нам* (влага).

После глубокозаднеязычных согласных қ, ғ, х фонема а в узбекском языке произносится так же, как и русская фонема а. Например: *қанд* — сахар, *рафинад*, *ғарб* — запад, *қарға* — ворона, *хазина* — богатство, *халқ* — народ.

Фонема а встречается в любом слоге слова: *адаб* — приличие, *агар* — если, *амаки* — дядя (со стороны отца), *асар* — произведение, *калта* — короткий, *лола* — тюльпан, *дала* — поле, *саҳар* — рассвет, *ана* — вот, *Асқар* и др.

В словах, заимствованных из русского языка и через русский, фонема а подчиняется тем же орфоэпическим нормам, которые действуют в современном русском литературном языке, а именно: ударное русское а — низкой ступени переднего ряда (например в словах *парта, карта, касса, кафе*).

10-машқ. Қуйидаги сўз ва атамалар таркибидаги а фонемалари талаффузига эътибор бериб ўқинг; а товушининг қайси сўзлар таркибида юмшоқ ёки қаттиқ ўқилиши, унинг сабабларини тушунтиринг.

Ака, ука, калла, галла, бола, она, ота, ҳамма, ўра, гулла, амма, арра, салла, асал, асаб, атом, қашшоқ, қафас, қарор, ҳамиша, ҳаттот, альбом, артиллерия, аслаҳа, анжом, ажриқ, азамат, карра.

11-машқ. Қуйидаги шеър таркибидан шундай сўзлар топингки, уларда қисқа ва чуқур а келсин; уларнинг талаффузига диққат қилиб ўқинг, сўнгра шу сўзларни русчага аударинг.

Тулки билан қарға

Масал

— Сенга келдим, қарғавой,
Сен қўшиқ, куйларга бой.
Булбул сендай сайрамас,
Ёнгинамга туш бирпас!
Шу чоғ қарға «кар-р-р» деди,
Зарур ишим бор, деди.
Тулки бўлиб шарманда,
Қолди роса армонда.
Кетаркан йўл-йўлакай,
Оқар эди сўлакай...

(Илём Муслим)

12-машқ. Йўл ҳаракатини ташкил этишга довр қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини ўзбек тилига аудариб, ўзбекча сўзлар таркибидаги а фонемаси иштирок этган сўзлар талаффузига эътибор бериб ўқинг. Ушбу сўзлар иштирокида гап тузинг.

Внутреннее сообщение —
Убыль движения —
Транзитное движение —
Безостановочное транзитное движение —
Прерываемое транзитное движение —

13-машқ. Суҳбат учун берилган саволларга жавоб қайтариб, дафтарингизга ёзинг. Рус тилига аударинг.

1. Сиз нечта тилда яхши гаплаша оласиз? 2. Мактабда қайси тилларни ўқигансиз? 3. Ўзбек тилини қачондан ўрганишни бошлагансиз? 4. Нима мақсадда ўзбек тилини ўрганяпсиз? 5. Уйда ўзбекча гаплаша оласизми? 6. Ота-онангиз ўз-

бек тилида гаплаша оладиларми? 7. Ўзбек ёзувчиларидан қайси бирининг асарини ўзбек тилида ўқигансиз?

14- машқ. Переведите текст с русского языка на узбекский. Обратите внимание на орфоэпические нормы узбекского языка.

Абу Али ибн Сина

(980—1037)

Рядом с бессмертными именами великих мыслителей стоит имя Ибн Сины — крупнейшего представителя передовых общественно-политических идей народов Средней Азии. Философ и медик, естествоиспытатель и математик, поэт и литературовед, он был подлинным энциклопедистом своего времени. Его богатейшее наследие занимает почетное место в истории развития мировой цивилизации.

Абу Али ибн Сина родился в 980 году в селе Афшона, близ Бухары. Известен месяц его рождения по мусульманскому лентончислению — сафар, что соответствует второй половине августа и первой половине сентября.

Мальчику дали имя Хусейн.

Пятилетнего Хусейна и младшего брата Махмуда отец Абдуллах переезжает в Бухару, где решил дать детям хорошее образование.

Хусейн изучал арабский язык и в десять лет знал наизусть коран. Мальчик учился также арифметике, мусульманскому законоведению — фикху.

Ибн Сина рассказывает в автобиографии о приезде в Бухару ученого Абу Абдуллаха Натили, который давал ему уроки логики и философии.

Позже Хусейн изучает геометрию, астрономию и другие науки, затем обращается к медицине.

Он овладел наукой врачевания так глубоко и основательно, что известные врачи обращались к нему за советами.

Из автобиографии мы узнаем, с какой одержимостью Ибн Сина ночами, иногда отгоняя усталость чашкой вина, изучал геометрию, музыку, астрономию. Ибн Сина хорошо знал труды своих предшественников Платона, Аристотеля и других ученых.

10- §. Фонема у. Узбекский у — лабиализованная гласная фонема верхнего подъема. Узбекский гласный у очень похож на русский у в тех случаях, когда находится в конце слова перед согласным в и удлиняется в произношении за счет этого согласного, например: *ўқув* — учеба, *кўрув* — смотр.

Факультативные варианты, то есть более переднее и относительно заднее у, имеются в большинстве узбекских говоров преимущественно в соседстве с более передними к, г и более задними қ, ғ, х. Например: *гул* — цветок, *кул* — зола, *булбул* —

соловей, *гуноҳкор* — виновник, *кумуш* — серебро, *қуёш* — солнце, *қудуқ* — колодец, *қуруқ* — сухой, *ғурбат* — печаль, скорбь, *ғурур* — задор, гордость, *хурмача* — глиняный кувшин, *хушнуд* — довольный, веселый, *хушчақчақ* — жизнерадостный.

15- машқ. Қуйидаги русча ва ўзбекча сўзлар таркибидаги у фонемасини қиёсий йўл билан ўқинг ва ўзаро фарқини айтиб беринг.

Ўзбекча: туш — сон, тут — тутовник, гул — роза, сут — молоко, бук — заверни, бута — куст, кустарник, буғдой — пше-ница.

Русча: суп — шўрва, тут — шу ерда, гул — ғовур-ғувур, суд — суд, бук (дерево) — қора қайин, ухо — қулоқ, суть — моҳият каби.

16- машқ. Ушбу матн таркибида у иштирок этган сўзларни топиб, унинг юмшоқ ва қаттиқ айтилиш сабабларини кўрсатинг ва ўша сўзларни рус тилига таржима қилинг.

Бир отаси, бир онаси,
Неча юз минг боласи.

Пўлат қушим учди-кетди,
Бир зум ўтмай Ойга етди.

Оппоққина дастурхон
Ер юзини қоплаган.

Тег десам, тегмайди.
Тегма десам, тегади.

Ҳамма вақт оғизда-ю,
Ҳеч ютиб бўлмайди.

(Топишмоқлар.)

17- машқ. Қуйидаги матнни эътибор билан ўқинг. О фонемаси қатнашган сўзларни ажратинг ва таржима қилинг.

«Шоҳнома»нинг шуҳрати

Кўп олий қасрлар бўлурлар хароб,
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.
Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.

Ушбу сатрлар жаҳон эпосининг гултожи бўлмиш «Шоҳнома»нинг хотимасидир. Унда жаҳон адабиётининг буюк сиймоси Абулқосим Фирдавсийнинг ўз умри, шеърӣ даҳосининг боқийлиги ҳақида фахр билан айтган башорати акс этган. Не-не замонлар ўтмади, бироқ шоирнинг сўзи ўз амалини топди: улуғ шеърӣ қаср — «Шоҳнома» минг йилдан буён яшаб ке-

лаётир. Бу асар ҳақида ёзилган китобларнинг саноғига етиш ҳам жуда мушкул.

18-машқ. Шеърни ўқинг. У товушининг талаффузига эътибор беринг. Шеърни ёд олинг ва таржима қилинг.

Мустақиллик аҳилликдан

Мустақиллик деганин
Билиб қўй не эканин.
Энг аввал мустақиллик
Бўлмоқ пухта, ақллиқ.
Бу хил сифат нисонда
Фазилатдир ҳар онда.
Таниб ол ҳақ-ҳуқуқинг,
Сақлагил одоб-хулқинг.
Севгил она юртингни
Кетказма лабз-бурдингни,
Мағрур тутгил бошингни,

Олдирмагил ошингни,
Ҳар жабҳада чиниққил,
Баҳсларда энгиб чиққил!
Гар бўлсанг уддабурон,
Ишларинг кўчар осон.
Мустақиллик — дадиллик,
Тенглик ила аҳиллик.
Очиқ гап кўпдир шарти:
Энг аввал бўл эл марди!

(Пўлат Мўмин)

19-машқ. Матнни ўқинг. Шу асосда тузилган саволларни рус тилига ағдаринг. Матн таркибида у иштирок этган сўзларнинг тағига чизиб, уларнинг орқа қатор ва олд қаторлик хусусиятларини ёзинг.

Файзулла Хўжаев

Файзулла Хўжаев 1896 йилда Бухорода туғилди. 1907 йилдан 1912 йилгача Москвада ўқиди. 1913—14 йилларда Бухородаги илғор зиёлилар ҳаракатига қўшилди. Халқни озодликка чиқариш учун амирликка қарши курашди.

1920 йил сентябрда амирлик ағдарилиб ташланди. Бу курашда Файзулла Хўжаев фаол иштирок этди.

У раҳбарлик ишида катта тажриба орттирди, чиниқди. Тезда халқ муҳаббатига сазовор бўлди. 1924 йилдан 1937 йилгача Ўзбекистон Республикасининг Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси бўлиб ишлади. У қатағон йиллари қурбонларидан бири бўлди.

Ф. Хўжаев давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, республикамизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган бир қанча асарлар яратди. Унинг уч томлик «Танланган асарлар»и нашр этилган.

Меҳнат Қаҳрамони, таниқли адиб ва драматург Комил Яшин Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб «Инқилоб тонги» («Бухоро») драмасини ёзди.

Атоқли давлат арбоби Ф. Хўжаев 1938 йилда ҳалок бўлган.

Саволлар

1. Файзулла Хўжаев қачон ва қаерда туғилган?
2. У қаерда ўқиган?
3. Ф. Хўжаев қандай ҳаракатга қўшилган?

4. У нима учун амирикка қарши курашди?
5. 1924—37 йилларда у қаерда ва ким бўлиб ишлаган?
6. Ф. Хўжаев ҳақида ким ва қандай драматик асар ёзган?
7. Файзулла Хўжаев нечанчи йилда ҳалок бўлган?

20- машқ. Переведите предложения и запишите их вместе с переводом.

1. Я знаю Юнуса хорошо. 2. После второго урока будет урок узбекского языка. 3. Мир победит войну. 4. Мы сейчас работаем во дворе нашей фабрики. 5. Студенты заочного института изучают узбекский язык. 6. Мы сегодня не сможем пойти к вам. 7. Завтра я буду разговаривать с директором. 8. Это задание мы должны выполнить сегодня. 9. Раньше наша столовая открывалась в 10 часов утра. 10. Если ты пойдешь в город, то купи сегодняшнюю газету.

11- §. Фонема *ў*. Фонема *ў* более закрыта, чем русский звук *о*. Она более лабиализованна; задняя часть спинки языка поднимается выше, чем при произнесении русского *о*. Поэтому узбекский *ў* стоит как бы между русскими *о* и *у*. Этот гласный в узбекском языке встречается только в первом слоге слов. По своей длительности он близок к русскому *о*.

Сравните: русское *он* (личное местоимение) и *ўн* — десять, *бор* (сосновый лес) и *бўр* — мел, *шор* (род. пад. мн. ч. от *шоры*) и *шўр* — соленый.

21- машқ. Ушбу матидан *ў* иштирок этган сўзларни топиб, уларнинг талаффузига эътибор бериб ўқинг ва бу сўзларни рус тилига ағдаринг.

Автобус йўл ўртасида тўхтаб, сув олиши керак. Бу ерларда ҳеч ким яшамайди. Йўловчи машиналар сув олиши учун махсус қудуқ қилинган. Қудуқдан икки метрча нарида бир туп атиргул очилиб турибди. Унинг ёнидаги тахтачада шундай ёзув бор: «Йўловчи, қудуқдан сув олиб ичганингда, шу гул тагига бир пиёла сув қуй!»

Бу йўлдан ўтадиган автобуслар, юк машиналари, енгил машиналар ва йўловчилар шу қудуқ ёнида тўхтайдилар.

Шофёрлар ўз машиналарига сув қуядилар, йўловчилар сув ичадилар, дам оладилар. У ёқ-бу ёқни томоша қиладилар ва, албатта, гулни кўрадилар. Шунда тахтачадаги ёзувни ҳам ўқийдилар. Сув олиб бориб гул тагига қуя бошлайдилар. Чуқурча сувга тўлади.

Машиналар яна йўлга чиқади. Чўл ўртасида биргина гул қолади. Яна автобус кўринади, кечга бориб яна...

Чўлнинг офтоби бу гулни қурита олмайди, чунки бу ердан кунига уч марта одам ўтади, уч марта шу гулга сув бериб турадилар. Бу — сўлмас гул.

22- машқ. Матидаги ўзбекча ва байналмилал сўзлар фонемалари иштирок этган сўзларни алоҳида-алоҳида устуларга ёзиб, талаффуздаги ўхшашлик ва ноўхшашликларни айтиб бериинг.

XVII асрда математикада юз берган инқилоб тавсифини Қарл Маркс билан Фридрих Энгельс беришди. Энгельс бундай ёзди: «Декартнинг ўзгарувчи миқдори математикада бурилиш нуқтаси бўлди. Шу туфайли математикага ҳаракат ва диалектика кирди». Аммо математиканинг функциялари, чексиз кичик миқдорлар, лимитлар ва ҳосилалар тушунчалари билан боғлиқ бўлган янги тармоғи ривожланишининг бошланғич даври Маркс томонидан «мистик» деб таърифланган эди.

XVIII аср математикларидан кўпчилигининг шиори бундай бўлган эди: «Олға юраверинг, натижаларнинг тўғрилигига ишонч сизга ўзи келади».

XIX аср давомида математик анализ асослари мантиқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бунинг учун, жумладан, ҳақиқий сонларнинг жиддий назарияси зарур эди. Бу назария эса XIX асрнинг иккинчи ярмидагина Вейерштрасс, Дедекинд ва Кантор томонидан ривожлантирилди.

23- машқ. Қуйидаги байналмилал сўзлар таркибидаги о товуши талаффузи билан ўзбекча шундай товуш вазифасини бажарувчи ў фонемасини қиёслаб ўқинг ва улар иштирокида ўзбекча гаплар тузинг.

Почта, портрет, поэзия, поэма, портфель, феодал.

24- машқ. Переведите текст на узбекский язык, перескажите кратко его содержание. Обратите внимание на произношение слов с фонемой ў.

Ибн Сина хотел, чтобы наука врачевания широко популяризировалась среди народа.


Урджуза (Ал-урджуза фи-т-тибб) — поэма о медицине, одна рукопись которой хранится в фондах Института востоковедения Академии наук Узбекистана в Ташкенте, самая крупная как по содержанию, так и по охвату материала, стоит на втором месте после «Канона врачебной науки». Поэма была переведена на латинский язык еще в XII веке Герардом Кремонским (1114—1187), с XV по XVII вв. она печаталась на латыни. Позже эта книга переводилась и издавалась на других европейских языках. Поэма состоит из 2652 строк.

Другие поэмы освещают темы о четырех сезонах года, о гигиене, об анатомии и т. д.

Поэмы созданы на арабском языке, они сохранились до наших дней и свидетельствуют об огромном поэтическом даровании Ибн Сины.

Ибн Сина писал и прозаические литературно-философские произведения. Многие из них известны нам: «Трактат о птице», «Живой, сын Бодрствующего», «Саламан и Ибсал», «Повесть о Юсуфе», а также труд по литературоведению «Об искусстве поэзии».

В своих поэмах Ибн Сина большое внимание обращает на сохранение здоровья человека, дает советы, которые не утра-



тили своего значения и в наше время. Он пишет о гигиене, еде, об обращении с больными и т. д.

Ибн Сина больше уделяет внимания предотвращению болезни, чем ее лечению. Это очень важно и сейчас. Поэтому его произведения о медицине можно назвать гимном здравоохранению.

25- машқ. Қуйидаги маттни ўқинг. Матндан ў фонемаси иштирок этган сўзларни топиб, уларнинг талаффузига эътибор беринг. Рус тилига таржима қилинг.

Темур ва йўлбарс

Чўпонлардан бири қамишзорда йўлбарс оралаб қолганини, атрофни безовта қилаётганини айтди. Бу гап Темурбекда ёшлик шижоатини кўзгади.

— Уша йўлбарсни ўзим овлайман.

Саркардалар етмишдан ошган соҳибқироннинг бу аҳдидан завқланиб кетишди. Юзлаб баҳодирлар қамишзорга ёпирилишди.

Темурбек қўлида оғир найзаси билан рақибини кута бошлади. Йўлбарс бўкириб қамишзорда кўрингач, соҳибқироннинг кўзлари билан тўқнашди.

— Аллоху акбар!

Найза сапчишга ҳозирланган йўлбарсни бир онда ерга михлаб қўйди.

— Офарин, Соҳибқирон!

Темурбек уни кўриқлагани яширинча келиб, ёнгинасида турган баҳодирга ўқрайиб қаради:

— Қандай журъат этдинг?!

Баҳодир ундан кўзларини узмай дадил жавоб қилди:

— Қалбим амри билан, соҳибқирон!

Чиндан ҳам унга ҳеч ким буйруқ бермаган эди.

Темурбекнинг қалби товланиб кетди.

— Исминг!— сўради бир оз юмшаб.

— Темур!— ғурур ва фаҳр ила жавоб қилди баҳодир.

Темурбек ҳаяжонини яширолмай, қўлини йигитнинг елкасига қўйди.

— Унбошига айт, сени хос навкарларим қаторига юборсин.

— Бош устига, соҳибқирон!

— Энди бўлса, йўлбарснинг терисини шил, ўғлим.

Бутун карвон ҳукмдор ўлдирган йўлбарснинг терисини томоша қилди. Саркардалар табриги ёғилиб кетди. Қўлининг зарби йигитларникидан қолишмайдиган соҳибқиронга зобиту мингбошилар таҳсинлар айтдилар.

12- §. Фонема о. Узбекский гласный о совершенно не похож на русский гласный о. Похожи буквы, а не звуки. Узбекская фонема о — заднего ряда, открытая, нижнего подъема, лабиализованная, это очень широкий гласный звук, типа русского а, но заднего ряда.

Сравните: *том* (книга, например 6-ой том), *там* (наречие места), *том* (крыша); *бор* (сосновый лег), *бар* (закусочная), *бор* (есть; иди).

Фонема *о* в узбекском языке употребляется в различных словах, независимо от их этимологии и звукового состава.

Звук *о* может быть в любом слогое слова: *оби ҳаёт* — целебная вода, *обрў* — авторитет, уважение, *овоз бермоқ* — подавать голос, *ов* — охота, *озиқ* — пища, *очкўз* — обжора, жадный, *савдо* — торг, *садоқат* — преданность, *сазовор* — достойный, *сароб* — мираж, *худо* — бог, *фуқаро* — пражданин, народ.

26- машқ. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини тўғри талаффуз этинг, улар иштирокида гаплар тузинг, рус тилига таржима қилиб, дафтарингизга кўчиринг.

Оддий, одобли, одат, овчи, овул, онгсиз, озуқа, олам, аро, бермоқ, орқалаб келмоқ, пайдо бўлмоқ, рўмол, таом, талаффуз, улов, фидокорона, ошиқ, мақтов.

27- машқ. Матни ўқинг, мазмунини айтиб беринг. Матнидаги *о* қатнашган сўзларни ажратиб кўчиринг, уларнинг талаффузига эътибор қилинг. Саволларга жавоб беринг.

Фурқат

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Унинг отаси Холмуҳаммад илм, санъат ва адабиётни севар эди. У Зокиржонни 6 ёшида мактабга берди. Зокиржон жуда қобилиятли бола эди. У 9—10 ёшларида шеър ёза бошлади.

Зокиржон 1872 йилда Қўқондаги мадрасада ўқиди. У Навоий, Жомий, Фузулий, Махмур, Гулханий каби ўзбек ва тожик ёзувчиларининг асарларини ўрганди. Зокиржон 1878 йилдан бошлаб Фурқат тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. У Муқимий, Завқий каби шоирлар билан дўстлашди. Фурқат тез кунда талантли шоир сифатида танилди.

У 1889 йилда Тошкентга келди. Тошкентнинг тарихий ва маданий жойлари билан танишди. У Тошкентда «Илм хосияти», «Гимназия», «Суворов», «Виставка» каби шеърларини ёзди. 1891 йилнинг 14 майида Фурқат Тошкентдан жўнаб кетди. Сўнгра Болгария, Юнонистон, Туркия, Арабистон, Ҳиндистон, Миср мамлакатларида бўлди. 1896 йилда у Ёркентга кетди.

Фурқат чет элларда яшаганида ҳам, ватани ва ватандошларини унутмади. «Туркистон вилоятининг газети»га шеърлар, дўстларига мактублар ёзиб турди. У ўзининг «Илм хосияти» шеърида кишиларни илм олишга чақирди ва илмнинг амалий аҳамиятига юксак баҳо берди.

Фурқат 1909 йилда Ёркентда вафот этди.

Саволлар

1. Зокиржон Холмуҳаммад ўгли Фурқат қачон ва қерда туғилган? 2. Фурқатнинг отаси нимани севар эди? 3. Зокиржонни неча ёшида мактабга бердилар ва у қандай ўқиди? 4. Зокиржон Қўқондаги мадрасада ўқиганида қайси шоирларнинг асарларини севиб ўқиди? 5. Фурқат қайси мамлакатларда бўлди? 6. Тошкентда яшаган даврида қандай шеърлар ёзди? 7. Фурқат яна қайси шаҳарларда бўлди? 8. Фурқат қачон ва қерда вафот этди?

28- машқ. Берилган матни ўқиб, таркибида о товуши қатнашган сўзлар талаффузига эътибор беринг. Матни рус тилига ағдаринг.

Педагогик эътиқоднинг асосларидан бири — китобнинг тарбиявий кучига чексиз ишонишимиздир. Мактаб — энг аввало китоб демақдир. Тарбия — энг аввало яхши сўз, китоб, жонли инсоний мулоқотлардан иборат. Китоб — қудратли қурол. Дано, кўтаринки руҳ билан ёзилган китоб кўпинча инсон тақдирини ҳал этади.

(В. А. Сухомлинский)

29- машқ. Қуйидаги матни ўқинг. Сўзлаб беринг. О фонемаси бор сўзларнинг талаффузига алоҳида эътибор беринг.

Агроном — сартарош

Сартарош йингит Афандининг сочини оламан деб, бошини тез-тез кесиб, кесилган жойларига пахта ёпиштириб қўяверибди.

Шунда у кулиб, сартарошдан:

— Жиян ўзлари агроном бўлсалар керак-а?— деб сўрабди.

— Каромат қилдингиз, агрономия факультетини битирганман-а!— деб бирдан таажжуб билдирибди.— Кечирасиз, мулла ака, сиз буни қандай билдингиз?

— Бошимдаги «карта»нинг ҳаммасига пахта экиб қўйганингиздан билдим,— деб жавоб берибди афанди.

(Афанди латифалари)

30- машқ. Қуйидаги берилган саволларга жавоб ёзинг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Ҳаётда ўзингиз йўл қўйган бирор хато сизга сабоқ бўлганми? Шу ҳақда сўзлаб бера оласизми? 2. Ўзингизни кечиролмаган дақиқалар бўлганми? 3. Бировлар Сизни алдаганда хаёлингизда нималар кечади? 4. Ҳақиқат ҳақида тасаввурингиз? 5. 2000 йилда дунёни қандай тасаввур этасиз?

(Газетадан)

31- машқ. Переведите предложения на узбекский язык. Запишите их вместе с переводом.

1. Я сам напишу эти лозунги. 2. Вчера я читал твоё письмо. 3. Ученики идут в школу. 4. Председатель сел на лошадь

и поехал в поле. 5. На уроки опаздывать нельзя. 6. Эти ученики учатся (и продолжают учиться) в 25-ой школе. 7. Мы завтра сможем прийти в десять часов утра. 8. Я вчера разговаривал с нашим директором. 9. Если вы сегодня не уедете, то приходите к нам. 10. Учебник узбекского языка я купил вчера. 11. Нужно встретить делегатов, которые приедут сегодня. 12. Вчера я записался в литературный кружок.

13-§. Графемы я, е, ё, ю. В алфавитах русского и узбекского языков, помимо шести букв для передачи гласных фонем, имеются еще четыре графемы (я, е, ё, ю) для передачи йотированных звуков, а в русском языке они служат еще и для обозначения палатализации.

В узбекском алфавите не было отдельных символов для передачи русских букв я, е, ё, ю: они передавались фонемосочетаниями: *йа* — я, *йу* — ю, *йо* — ё, *йэ* — е.

В русской орфографии функции графем я, ё, ю, е не ограничиваются только передачей йотированных а, о, у, э; они служат также для обозначения смягчения предшествующего им согласного звука: я — мясо (м'асо), ё — лёд (л'от), ю — люди (л'уди), е — ледник (л'эдник), где исходный твердый согласный в произношении смягчается, чего мы, как правило, не находим в исконно узбекских словах, а встречаем лишь в русских и интернациональных заимствованиях, произношение которых устанавливается в соответствии с действующими орфографическими нормами русского литературного языка.

Примеры: *яша* — живи, *яхши* — хорошо, *яраш* — помирись, *якка* — один, *ягона* — единый, единственный, *яксон қилмоқ* — уничтожать, *ярадор* — раненый, *юз бермоқ* — случаться, произойти, *юксак* — высокий, великий, *ютмоқ* — проглатывать; *елка* — плечо, *етук* — зрелый, *ечмоқ* — решать, разрешать, *енгмоқ* — побеждать, *ёввойи* — дикий, *ёвуз* — враждебный, *ёлғиз* — одинокий, *ёмонлик* — зло, *ён-бери* — вокруг, кругом, *ёнгин* — пожар, *ёр* — милый, возлюбленный, *ёрқин* — светлый.

32-машқ. Я графемаси иштирок этган 5 та сўз топиб, уларнинг талаффузига диққат қилинг, маъноларини шарҳлаб, рус тилига таржима қилинг.

На м у н а: *яшил* — зелёный, *яшил рўмол* — зелёный платок.

33-машқ. Сўз охирида ё графемаси келган 10 та сўз топинг. Топган сўзларингизни рус тилига ағдаринг ва улар иштирокида гап тузинг.

На м у н а: *дарё* — река. *Биз дарё қирғоғида дам олдик.* — Мы отдохнули на берегу реки.

34-машқ. Ю ва ё графемалари қатнашган сўзлардан 10 тадан топиб, талаффузига эътибор беринг. Топган сўзларингиз иштирокида гап тузинг, гапларни рус тилига ағдаринг.

35-машқ. Ушбу сўзлар таркибидаги уч нуқталар ўрнига я, ё, е, ю графемаларидан мосини топиб қўйинг. Улар иштирокида гап тузинг.

фракци ..., ...нварь, ...хши, ...кка, ...кун, ...ра, ...мор, ...моқ,
...лғиз..., ...гурдак, ...мғир, дун..., ...р, тўти..., ...лкан, ...лка, ...л,
...пинмоқ, ...тук, ...чмоқ.

36- машқ. Ушбу матн таркибидаги графемали сўзларни топиб, тагига чизинг, талаффузига эътибор беринг. Матнни рус тилига ағдаринг.

Меҳмонда

Баъзи пайтларда биз меҳмон кутнш ва стол атрофида ўтиришда унчалик аҳамияти йўқдек туюладиган нарсаларга эътибор берамиз.

Столга ўтиргач, энг аввало гавдани тутишга аҳамият беринг. Тирсагингизни столга қўя олмаслик учун стулни ундан сал орқароққа қўйиб, гавдани тик ва ўзингизни эркин тутган ҳолда стулнинг суянчигига енгилгина суяниб ўтиринг.

Меҳмонга борганда, овқат ейшни бошлашдан олдин маълум қондаларга роя қилиш керак. Қадим замонларда қишлоқларда шу қондаларни билмаганларни пешонасига қошиқ билан уриб жазолашган.

Овқат тортилгач, катталар биринчи бўлиб бошлайди ва бу билан ҳаммани овқат ейишга таклиф этади.

Дастурхон тепасида чекилмайди, чекиш стол атрофида ўтирганларга нисбатан ҳурматсизликни билдиради.

Энди дастурхон тузаш ҳақида. Тарелканинг чап томонига биринчи тамадди учун, ундан кейин, тарелкага сал яқинроқ балиқли таомлар учун ва тарелканинг ёнига гўшт учун санчқилар қўйилади. Шўрва учун қошиқ тарелканинг ўнг томонига қўйилади. Қошиқнинг чап томонига тамадди учун, балиқ учун ва гўшт учун пичоқлар қўйилади. Пичоқларнинг тиги тарелка томонига қаратилган бўлиши лозим.

Маълум ҳаётий тажрибаларимизга қарамай, кўпинча кундалик турмушимизда ҳар хил кутилмаган ҳодисалар билан тўқнашишга ва ноқулай аҳволга тушиб қолишга тўғри келади. Шунақанги вазиятларда топқирлик, ҳозиржавоблик ва ҳазилмутойнба кўпроқ қўл келади.

37- машқ. Ушбу матнни ўқиб, мазмунини сўзлаб беринг. Рус тилига ағдаринг. нотаниш сўзларни ёд олинг. Саволларга жавоб беринг.

Улуғбек

Муҳаммад Тарагай Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартада Султония (ҳозирги Эрон)да туғилган.

Улуғбек ёшлик вақтларида бобоси Амир Темур билан кўп юришларда қатнашган. Кўп мамлакат ва шаҳарларни кўрган. Темур вафотидан кейин ҳокимият Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ қўлига ўтади. Шоҳруҳ Хуросонда ҳукмронлик қилади. Моваруннаҳрни ўғли Улуғбекка топширади. У вақтда Улуғбек 15 ёш-

да эди. Улуғбек «Бибиҳоним» масжиди, «Гўри Амир» мақбараси, «Шоҳизинда» биноларининг қурилишини тамомлади. У кўп ерларда боғлар яратди. 1417—1420 йилларда ажойиб мадраса қурдирди. Бу мадраса тарихда Улуғбек мадрасаси деб аталади. Улуғбек кейинчалик Самарқандда расадхона қурдирди.

Расадхонани ўша вақтдаги энг яхши ва мукаммал асбоблар билан таъминлади.

Улуғбек юлдузлар йилининг узунлигини 365 кун 6 соат 10 дақиқа, сония деб белгилаган. Йилнинг ҳақиқий ўлчами эса 365 кун 6 соат 9 дақиқа 9,6 сонияга тенгдир.

Улуғбек ўз даврининг буюк олими, астрономи, шоири ва файласуфи эди. У расм, мусиқа билан ҳам шуғулланарди.

Улуғбек даврида Самарқанд илм марказига айланган эди.

Улуғбек яратган илмий ишларнинг энг каттаси «Астрономия жадвали» асаридир. У ўрта аср Шарқ астрономиясининг энг сўнгги асари ҳисобланади. Улуғбекнинг бу асари 1665 йили Оксфордда (Англия), 1853 йили Парижда, 1917 йилда Америкада, 1943 йили Лондонда таржима қилинган ва босиб чиқарилган.

Буюк олим Улуғбек ўз ўғли Абдуллатифнинг фармони билан 1449 йилда қатл қилинган.

Саволлар

1. Улуғбек қачон ва қаерда туғилган?
2. Бобоси билан қаерларда бўлган?
3. У неча ёшда давлатни бошқара бошлаган?
4. Улуғбек даврида Самарқандда қандай ишлар қилинган?
5. Улуғбекнинг энг катта асари қайси?
6. Улуғбек қачон ва ким томонидан қатл қилинган?

38-машқ. Матини ўқинг. Ўзбек тилига хос товушларни ифодаловчи ҳарфларни аниқланг. Мазмунини сўзлаб беринг. Нотаниш сўзларни ёдланг.

Айб мендами?

Бир амаким бор, ўзи ёзувчи. Анча-мунча китоблари чиққан. Йўлларда ҳам «илҳом париси» билан гаплашиб, ижод қилиб юрадилар. Гоҳида мухлислари дастхат ёздиравериб безор қилишаётганидан нолиб қўядилар.

Бир куни меҳмон келадиган бўлиб қолди-ю, биргалашиб вокзалга чиқдик. Поезд келишига ҳали бир соатча вақт бор экан, бўш жой топиб бир чеккага ўтирдик. Бир вақт оқ халат кийган, лабларию кўзлари, қошларию киприкларини эринмай бўяган аёл аравачасини гилдиратиб келиб олдимизда тўхтади, сомса сота бошлади. Мен ҳам тўртта сомса олиб, амакимга узатдим. У ништаҳа билан чайнар экан, сомса ўралган қоғозга қаради-ю, бирдан гезарди. Сомса ўралган қоғоз унинг китобидан йиртилган саҳифа экан.

Тутунлай иштаҳаси бўғилган амаким «Ҳе, ўша топган сом-
ангдан ўргилдим», дея менга ўқрайиб боқди. (Р. Убайдул-
лаев)

14-§. Согласные фонемы — ундош фонемалар. В узбекском языке 25 согласных фонем. Многие узбекские и русские согласные произносятся почти одинаково (м, н, р, с, з и др.), но некоторые существенно отличаются друг от друга, например: русский х и узбекский х.

В узбекском языке нет мягких согласных фонем п', б', м', ф', в', т', д', с', ш', з', н', л', р', которые бы противопоставлялись соответствующим твердым согласным фонемам. Узбекские согласные п, б, м, ф, в, т, д, с, ш, з, н, л, р произносятся твердо, хотя перед гласными э и и они могут иногда незначительно смягчаться.

Краткая характеристика согласных фонем узбекского литературного языка — ўзбек адабий тили ундош фонемаларининг қисқача тафсифи

Согласные звуки современного узбекского литературного языка классифицируются по наличию голоса, по способу артикуляции и месту артикуляции.

В узбекском литературном языке 25 согласных фонем: б, в, г, д, ж, ж (қоришиқ ж), з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, нг, қ, ғ, ҳ. Из них звонкие согласные: б, в, г, д, ж, й, қ, ғ, нг; глухие согласные: п, с, т, ф, ш, к, ц, ч, х, қ, ҳ. Узбекские согласные не имеют соотносительных пар по мягкости и твердости.

Согласные звуки в, ж, к, л, ч по артикуляции отличаются от подобных согласных в русском языке.

39- машқ. Жарангли ундош билан бошланган сўзларни биринчи устунга, жарангсиз ундош билан бошланган сўзларни иккинчи устунга ажратинг, рус тилига аударинг.

Н а м у н а: *бола* *парвоз*
 вақт *фабрика*

Фабрика, водий, пухта, телпак, дўппи, дастрўмол, тут, сомса, зирак, шафтоли, челак, шоли, чумоли, копток, гулзор, ғўзапоя, хирмон, ғунча, цех, зийрак, совун, чумчуқ, каптар, хурсанд, ғалтак, дераза.

40- машқ. Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Государство, дерево, читатель, черешня, цветок, ответ, словарь, предприятие, кандидат, список, благодарность.

41- машқ. Қуйидаги сўзларни рус тилига таржима қилинг. Улар иштирокида гап тузинг.

Пок, от, том, мой, сон, дон.

42- машқ. Қуйидаги сўзлар таркибидаги унлиларнинг ҳар икки тилдаги талаффузига алоҳида эътибор бериб ўқинг. Улар иштирокида гап тузинг.

Он — ўн, моль — мўл, торт — тўрт, сом — сўм, сок — сўк.

43- машқ. Қуйидаги мақолларнинг ўзбекча вариантыда қатнашган сўзлардаги в, ф, х ва к фонемалари тагига чизинг. Уларни рус тилига қиёслаб ўқинг. Мақолларни ёд олинг.

1. Вора помиловать — доброго погубить. Уғрини афв қилиш — яхши одамнинг шўрини қуритиш. 2. Любовь — кольцо, а у кольца нет конца. Севги — узук, узукнинг охири йўқлиги тузук. 3. Не за то волка бьют, что сер, а за то, что овцу съел. Бўрини афти учун эмас, суқ бўлганлиги учун урадилар. 4. При сытости помни голод, при богатстве — убожество. Тўқликда очликни эсла, бойганинга — муҳтожликни.

15- §. Узбекские согласные фонемы, отличающиеся от русских согласных — рус тили ундошларидан фарқланувчи ундош фонемалар:

а) русский звук в сильно отличается от узбекского, так как в русском языке в произносится при прикосновении верхних зубов к нижней губе, а в узбекском языке — одними губами. Например: *давление* и *давлат* (государство), *творчество* и *водий* (долина);

б) в узбекском языке нет фонем ж, ц, х. Эти согласные представляют для учащихся-узбеков некоторые трудности. Узбекский звук ж' — это мягкая звонкая аффриката (слитные согласные (дж), соответствующая узбекской глухой аффрикате ч;

г) узбекские согласные к и г мягче русских к и г. Они произносятся почти так же, как русские к и г перед э и и (руки, руке, ноги, ноге);

д) узбекский согласный х сильно отличается от русского х, так как произносится при сближении самой задней части спинки языка с концом мягкого нёба, а русский х произносится при сближении начала задней части спинки языка с передней частью мягкого нёба;

е) узбекские согласные қ, ғ, ҳ не имеют аналогов в русском языке. Их артикуляции настолько специфичны, что студенты-узбеки никогда не произносят эти согласные в русских словах. Что же касается узбекского нг, то узбекские студенты могут вместо сочетания русских согласных н и г произносить этот глубокозаднеязычный носовой сонорный согласный звук в конце таких, например, слов, как *ранг*, *онг*, *тонг* и т. п., в то время как русские произносят *ранк*, *онк*, *тонк* и т. д.

44- машқ. Ушбу матн таркибида қ, ғ, х ва ҳ фонемалари қатнашган сўзларни топинг ва талаффузига эътибор беринг. Матнни рус тилига ағдариб, унинг мазмунини ўзбекча ҳикоя қилиб беринг, саволларга ўзбекча жавоб қайтаринг.

Юнус Ражабий

Ўзбек халқи дунёга фан ва маданиятнинг бой ёдгорликларини берди. Шарқ олимлари қолдирган асарлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Булар фан ва маданиятнинг ривожланишига катта таъсир этмоқда.

Бошқа илмлар қаторида мусиқа ҳам фаннинг йирик тармоғи — халқ меросидир.

Халқ яратган куй ва қўшиқлар авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозирги кунгача етиб келди.

Ўзбек мусиқасининг билимдонларидан бири бастакор ва олим Юнус Ражабий бу соҳада фаол иш олиб борди. У ўзбек мусиқасини ўрганди, тўплади.

1960 йилда Юнус Ражабийнинг «Ўзбек халқ мусиқаси» номли беш томлик китоби нашр этилди. Бу беш томлик ўзбек мусиқа маданиятида катта воқеа бўлди.

Халқ маданий меросини ҳурмат билан сақлаб келган, ўзбек мусиқасини янада ривожлантирган академик Юнус Ражабий ҳақиқий олим эди.

Саволлар

1. Ўзбек халқи дунёга нималар берди?
2. Нималар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ?
3. Маданий ёдгорликлар ниманинг ривожланишига ёрдам бермоқда?
4. Фаннинг йирик тармоғи нима?
5. Халқ яратган нималар ҳозирги кунгача етиб келди?
6. Юнус Ражабий ким эди?
7. Юнус Ражабий маданий меросни нима қилди?
8. Юнус Ражабийнинг қандай китоби нашр этилди?
9. Нима учун Ю. Ражабийни ҳақиқий олим деймиз?

45- машқ. Қуйидаги масални ўқинг, нг ва ҳ қатнашган сўзларнинг маъносини тушунтиринг. Бу товушлар рус тилида учрамаслиги сабабини айтинг.

Янтоқ

Янтоқ атрофидаги иссиққа бардош беролмай қовжираб қолган ўт-ўланларга қараб мақтанибди:

— Сизларни қаранглар-у, салгина иссиққа чидолмай қуриб қолдиларинг. Мендан ибрат олсаларинг бўлмайдими, ҳар қандай жаримани ҳам назар-писанд қилмайман.

Шунда сарғайиб кетган ўтлардан бири хафа бўлиб:

— Эй, нималар деяпсан, янтоқжон, бизларнинг ҳам томиримиз сеникига ўхшаб сувга етган бўлганида ўзимиз билардик, — дебди гинали оҳангда. (*Газетадан*)

46- машқ. Матни ўқинг. Ўзбек тилига таржима қилинг. Қ, ғ, х ҳарфлари нишироқ этган сўзларни аниқлаб, тўғри талаффуз этинг.

Медицинизмы

1. Держись, коль дожил до седин;
Болезней много, ты — один.
2. И что б ни думали, элита
Страдает тоже от гастрита.
3. От недержания речей
Нет ни лекарства, ни врачей.
4. Когда давление упало,
От экстрасенсов толку мало.
5. Лечение плоскостопия — чистейшая утопия.

(Газетадан)

47- машқ. Матни ўқинг. Ўзбек тилига хос товушларни ифодаловчи ҳарфларни аниқланг. Матн мазмунини сўзлаб беринг. Рус тилига ағдаринг.

Аброр Ҳидоятлов

Таниқли халқ артисти Аброр Ҳидоятлов 1900 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди.

1918 йилда Маннон Ўйғур раҳбарлигида Карл Маркс номи миллий театр ташкил этилди. Бу театр кейинчалик Ҳамза номи ўзбек давлат драма театри деб аталди. Аброр Ҳидоятлов мана шу театрда ишлади.

1924 йилгача ёш театр халққа бир қанча спектакллар кўрсатди. Аброр Ҳидоятлов бу спектаклларда бош ролларни ўйнади.

1924 йили Москвада ўзбек студияси ташкил қилинди. Студияда ўқиш учун бир неча таланти артистлар юборилди. Улар орасида А. Ҳидоятлов ҳам бор эди. Студияда атоқли санъаткорлар лекция ва машғулотлар олиб бордилар. Бу Аброр Ҳидоятловнинг билимини ва артистлик маҳоратини оширди.

Талабалар 1927 йили ўқишни тугатиб, Ўзбекистонга қайтиб келишди. Бу истеъдодли ёш артистлар театрнинг кундан-кунга ўсишида ва ривожланишида катта роль ўйнайдилар.

1935 йили Ҳамза номи театр жамоаси «Хамлет» спектаклини саҳнага қўйди. Аброр Ҳидоятлов Хамлет образини яратди. Бу спектакль халқ орасида катта муваффақият қозонди.

Ўзбекистонда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий вафотининг 10 йиллиги кунинда театр «Бой ила хизматчи» драмасини қўйди. Аброр Ҳидоятлов бу спектаклда Гофир родини маҳорат билан ўйнади.

1941 йилда истеъдодли актёр Аброр Ҳидоятлов «Отелло» спектаклида Отелло родини ўйнади. Бу спектакль орқали Аброр Ҳидоятловнинг номи бутун дунёга маълум бўлди.

1946 йилда Аброр Ҳидоятловга халқ артисти унвони берилди. А. Ҳидоятлов 1948 йилда «Алишер Навоий» спектаклида Навоий родини ўйнади.

Аброр Ҳидоятовнинг меҳнати ҳукуратимиз томонидан юқори баҳоланди. У 1949 йилда Давлат мукофотини олишга сазовор бўлди.

Аброр Ҳидоятов бир қанча орден ва медаллар билан мукофотланган.

Халқимизнинг севимли фарзанди Аброр Ҳидоятов 1957 йилда бевақт вафот этди. Унинг ўлмас хотираси қалбимизда абадий сақланади.

С а в о л л а р

1. Аброр Ҳидоятов қачон ва қаерда туғилди?
2. У қайси театрда ишлади?
3. Москвада ўзбек студияси нечанчи йили ташкил қилинди?
4. Бу студияда ўқиш учун кимлар юборилди?
5. Ўзбек студиясида лекция ва машғулотларни кимлар олиб борди?
6. Москвадан қайтиб келгач, А. Ҳидоятов Ҳамза номли театрда қандай образларни яратди?
7. Қайси ролни бажариб дунёга машҳур бўлди?
8. А. Ҳидоятовнинг хизматлари қандай баҳоланди?
9. Халқимизнинг севимли фарзанди Аброр Ҳидоятов қачон вафот этди?

48- машқ. Йўл ҳаракатини ташкил этиш ва техникага доир ушбу атама ва сўз бирикмаларини русча-ўзбекча кўринишда дафтарингизга кўчиринг. Ҳар икки тилга хос бўлган ҳ, к, г ва ц ундошлари иштирок этган сўзлар тагига чизинг, уларнинг маъноларини алоҳида-алоҳида шарҳланг, атамалар ва сўз бирикмаларини ёд олинг.

Выигрыш в затратах — харажатларни тежаш, фойдаланиш чиқимларини камайтириш.

Грузооборот — юк обороти. Маълум вақт ичида ташилган юк миқдори.

Автомобилекилометры — автомобиль километрлар. Транспорт воситаси сонининг вақт бирлигида босиб ўтилган йўлга нисбатн.

Пассажирокилометры — йўловчи километрлар. Транспорт воситаларида ташилган йўловчилар сонининг вақт бирлигида босиб ўтилган масофага нисбати.

Интенсивность движения — қатнов жадаллиги. Транспорт воситаларининг вақт бирлиги ичида йўлнинг маълум қисмини ўтиш миқдори.

Часовая интенсивность движения — қатновнинг бир соат ичидаги жадаллиги. Ҳаракатнинг бир соатдаги жадаллигини белгиловчи ва йўл унсурулари ҳажмини белгилашда асос қилиб олинган катталик.

Среднесуточная интенсивность движения — қатновнинг ўртача суткалик жадаллиги. Йўл бўйлаб ҳар икки томонга бир кеча-кундузда ўтувчи автомобиль, мотоцикл, тракторларнинг ўртача сони.

Перспективная интенсивность движения — қатновнинг истиқболдаги жадаллиги. Қатновнинг бир соатлик жадаллиги,

бу қатновнинг келаси ойда қандайлиги ҳақида илмий асосланган хулосага мос бўлади.

Пик интенсивности движения — қатновнинг энг тифиз пайти. Маълум вақт оралигидаги қатновнинг энг тифиз пайти.

Час пик — тифиз жадаллик соати. Қатновнинг энг юқори даражада тифиз бўлиши кузатиладиган маълум вақт оралигидаги соатлар.

Поток движения — қатнов оқими. Бир ёки бир неча қатор бўлиб, бир йўналишда ҳаракатланувчи қатнов иштирокчилари ва транспорт воситалари.

Неравномерность движения по направлениям — йўналишлар бўйича қатнов нотекислиги. Икки томонлама ҳаракатландиган йўлда бир томондаги қатнов жадаллиги иккинчи томондаги қатновга қараганда анча юқори даражада бўладиган ҳолат.

Состав движения — қатнов таркиби. Оқимдаги турли транспорт воситаларининг миқдорий нисбати.

49- машқ. Матни ўқинг, саволлар тузинг. Саволларга ёзма жавоб беринг ва матн мазмунини сўзлаб беринг.

Акмал Икромов

Атоқли давлат арбоби Акмал Икромов 1898 йилда Тошкентда туғилган. У жонажон республикамиз истиқболи учун кураш олиб борди.

Унинг ер ислоҳотига, Ўзбекистонда жамоа хўжаликлари ташкил этиш ва индустрлаштиришга оид асарлари катта аҳамиятга эга.

А. Икромов бутун ҳаёти давомида ўқиб-ўрганди, кенг фикрли раҳбар бўлиб етишди. У камтар, меҳрибон инсон эди. Айниқса ёшларни тарбиялашга, халқ маорифига катта эътибор берар эди.

Акмал Икромов Ўзбекистон Республикаси ташкил этилган вақтдан то 1937 йилгача республика фирқа ташкилотига бошчилик қилди. У қатагон йиллари қурбонларидан бири бўлди.

Атоқли давлат арбоби Акмал Икромов 1938 йилда қатл этилган.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Акмал Икромовнинг хотираси республикамиз фуқаролари қалбида абадий сақланади.

50- машқ. Қуйидаги матнда иштирок этган чуқур тил орқа товушлари бўлган сўзлар тагига чизинг, ўша сўзлар мазмунини русчага ағдаринг.

Хандалар

Етиш олдидан эр хотинидан сўради:

— Дарвозани қулфладингми?

— Вой, бўлмасам-чи!

- Эшиқни қулфлаш эсингдан чиқмадими?
- Қулфладим.
- Занжирни ҳам ўтказдингми?
- Ўтказдим.
- Естиқ тагига болтани қўйиб қўйдингми?
- Вой, эсимдан чиқиб қолибди.
- Эси йўқ хотин. Бозор иқтисоди пайти шундай бефарқ бўласанми?

* * *

Урмонда қуёнлар иқтисодий мажаллани ўқишяпти:

— Мен энди тушундим,— деди бир қуён ёнидагисига,— бўриллар орасида порахўрликнинг авж олишига сабаб, биз қуёнлар орасида бефарқлик кучайиб кетганлигидадир.

51-машқ. Техникага оид ушбу сўзлар иштирокида ўзбек тилида гаплар тузинг. Тузган гапларингизни рус тилига ағдаринг.

Руль, фуда, регулятор, транспорт, велосипед, трансляция, траншея, бульдозер, экскаватор, двигатель, карбюратор, мотор, трактор.

16-§. Ургу — ударение. Произношение одного из слогов в слове сильнее другого называется ударением.

Каждое слово имеет свое ударение. Чем дальше гласный расположен от ударения, тем сильнее его качественное и количественное изменение. В отношении ударения самыми важными различиями между узбекским и русским языками являются следующие:

1. В узбекском языке ударение сравнительно слабое, и потому безударные гласные почти не изменяются ни качественно, ни количественно. В русском языке ударение сильное, поэтому безударные гласные фонемы подвергаются значительной редукции, изменяясь не только по своей длительности, но часто даже и качественно.

2. В узбекском языке подавляющее большинство слов имеет определенное место ударения: ударным почти всегда является последний слог слова. В русском языке ударение свободное, т. е. имеются слова с ударением на первом, втором, третьем и т. д. слогах.

3. В узбекском языке, как правило, изменение ударения в слове не влечет за собою искажения смысла слова и не делает его непонятным для собеседника. Иногда оно может выражать лишь эмоциональные оттенки высказывания, но не изменять лексических или грамматических значений слов. В русском языке изменение ударения в слове искажает его смысл, делает его непонятным, изменяет всю звуковую оболочку слова: *дóма — дома́, учítся — учи́ться, замóк — за́мок.*

Ударение может быть словесным и логическим.

В узбекском языке словесное ударение падает на последний слог: *тинчлік* — мир, покой, *ёзув* — писание, *ёзувчй* — писатель, *ўқитувчй* — учитель, *яхшй* — хорошо.

Если к корню-основе слова прибавляется аффикс, ударение соответственно переносится: *пахта* — хлопок, *пахтакёр* — хлопкороб, *мамлакát* — страна, *мамлакatlár* — страны.

В узбекском языке на частицы *-ку*, *-у*, *-ю*, *-да*, *-ми*, *-чи* ударение не падает: *мён-ку*, *бёрди-ми*, *у-чи*, *келдй-ю*, *кетди-ку*.

Слово, на которое падает логическое ударение, ставится перед сказуемым. Например: *Улар бугун далада ишлашадди. Улар далада бугун ишлашадди. Бугун далада улар ишлашадди.*

52-машқ. Ушбу матн таркибидаги мустақил сўзларни сўз ургуси билан талаффуз этиш орқали янги-янги маъно нозикликларини яратинг. Матн мазмунидан келиб чиқиб, саволларга ёзма жавоб беринг.

Кўчада ҳаво совуқ ва нам эди. Юнус мактабга энгил кийимда борди. У шамоллаб қолиб, тумов билан касалланди. Мурод уни кўргани келди. У беморнинг тўшаги яқинидаги стулга ўтирди. Болалар бирга китоб ўқий бошладилар. Юнус тинмай аксирар ва йўталарди. Бир кун ўтгач, Мурод ҳам аксира бошлади. Кўп ўтмай у ҳам касал бўлиб қолди. Муродга касаллик Юнусдан юқди.

Тумов — юқумли касаллик!

Саволлар

1. Юнус нима учун тумов бўлиб қолди?
2. Мурод касалнинг олдида нима билан шуғулланди?
3. Шу вақтда Юнус ўзини қандай ҳис қиларди?
4. Юқумли касаллик билан оғриган ўртоқни кўргани бориш мумкинми?
5. Тумов юқмаслиги учун қандай эҳтиёт чораларини кўриш керак?

53-машқ. Ушбу атама ва сўзларнинг ҳам русча, ҳам ўзбекча вариантларидаги мустақил сўзларга сўз ургуси — фонетик ургу қўйиб талаффуз этинг, уларнинг маъно нозикликларини оғзаки тушунтиринг.

Техника движения — қатнов техникаси. Қатнов жараёнининг йўл қурилиши ва сунъий иншоотлар барпо этишга таъсир кўрсатиш қонуниятлари ҳақидаги фан.

Процесс движения — қатнов жараёни. Қатнов учун ажратилган ҳудудга турли хил қатновларнинг вақт мобайнида кечиши.

Колонное движение — сафланган қатнов. Қатнов оқими тигиз бўлганда транспорт воситалари бир-бирининг кетидан ҳаракатланишидаги қатнов жараёнининг шакли.

Предельная скорость движения — қатновнинг чекланган тез-

лиги. Қатнов оқими тифизлиги шаронтида колонна қатнови тезлиги.

Отвод потока движения — қатнов оқимининг бўлиниши. Қатновнинг сўлга ёки ўннга бурилиб кетадиган қисми.

Формирование потока движения — қатнов оқимининг шаклланиши. Йўл кесишган жойга кириб келаверишда автомобилларнинг қатнов йўналиши бўйича тақсимланиши.

Затор (пробка) — тирбандлик. Тўғаноқликка дуч келганда қатнов иштирокчилари ёки транспорт воситаларининг тўпланиб қолиши.

Конфликтная точка — тўқнашиш нуқтаси. Геометрик жиҳатдан белгиланадиган жой, унда қатнов минтақаси (оқими) кесишади ёки туташади.

Слияние потоков движения — қатнов оқимининг қўшилиши. Қатнов оқимига тадрижий тарзда кириш, бунда муайян оқимдаги автомобиллар кетидан ҳаракатланувчилар учун жиддий хавф сезилмайди.

Разделение потоков движения — қатнов оқимининг ажралиши. Кетинда ҳаракатланаётган автомобиллар учун бирон-бир жиддий халақитсиз қатнов оқимидан тадрижий суратда чиқиш.

Левый срез угла поворота — бурилиш бурчагининг сўл қисми. Чорраҳалардаги (кесишишлардаги) сўлга томон бурилиш турлари. Бунда сўлга бурилаётган автомобиллар чорраҳанинг белгиланган марказини ўнг томонда қолдиради.

Сплетение потоков движения — қатнов оқимининг айқашиб кетиши. Қатнов жараёни, бунда транспорт воситаларининг икки ёки бир неча оқими қатнов минтақасини алмаштириш вақтида бир йўналишда маълум бурчак ҳосил қилиб кесишади.

Скрещивание транспортных потоков — транспорт оқимларининг қўшилиши. Қатнов жараёни, бунда икки автомобиль оқими бир сатҳда кесишади, лекин шунга қарамай айқашиб кетиши содир бўлмайди.

Пропускная способность — ўтказиш қобилияти. Йўлнинг бирлик ҳисобида энг кўп транспорт ўтказиш қобилияти.

54- машқ. Матни кўчиринг. Узак ва негизларга тушган урғули бўғинларнинг тагига чизинг. Ясовчи қўшимчалар олган сўзларда урғунинг кўчиш ҳолларини ёзиб изоҳланг.

Ишчилар шаҳарчаси билан метронинг Пахтакор бекати орасида автобус қатнайди, бу йўл орасида автобуснинг тўрт бекати бор: Завод, Лабзак, Санъат саройи, Фабрика (бекатлар автобуснинг юриш йўли бўйича жойлашган тартибда айтилган эмас). Ишчилар шаҳарчасига Завод Санъат саройига қараганда яқин, Фабрика Лабзакка қараганда яқин, Лабзак Заводга қараганда яқин экани маълум. Автобуснинг Ишчилар шаҳарчаси билан Пахтакор бекати оралиғида юриш йўлини схематик тасвирланг ва унда бекатларни белгиланг.

55- машқ. Матндаги ҳар бир гапни мантиқий, яъни логик урғуга кўра бўлакларга бўлиб таҳлил этинг. Гаплар таркибидаги ҳар бир мустақил сўзни алоҳида ажратиб — логик урғу қўйиб талаффуз этинг, маъноларини шарҳланг.

1) XVII аср математика тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Декарт текисликда жойлашган эгри чизиқларни ўрганиш учун координаталар методини киритди. Табиатшуносликнинг ривожланиши функцияларнинг ўзгаришини, айниқса ҳаракатланувчи жисмларнинг координаталари билан вақтга боғлиқ бўлган бошқа физик миқдорлар орасидаги боғланишларни ифодаловчи функцияларнинг ўзгаришларини текшириш заруратига олиб келди. У ҳосила функцияларнинг экстремумларини топишга, ҳар хил чизиқларга уринмаларни топишга татбиқ этилди ва ҳ. к.

Ҳозирги вақтда математиканинг дифференциал ва интеграл ҳисобини ўрганадиган қисми математик анализ деб аталади.

2) «Функция» терминини Лейбниц киритган, аммо кўп вақтгача функция дейилганда бирор аналитик усул билан берилган функциялар тушуниб келинган. Эйлер замонасида интегралнинг турли қисмларида турлича тенгламалар билан берилган функциялар «ҳақиқий» функция ҳисобланмасди. Аммо 1822 йилга келиб француз математиги Фурье ўз тадқиқотларида, функция тушунчасининг аниқ таърифини ошкор ҳолда бермаси ҳам, асосан энг умумий функция тушунчасидан фойдаланди.

56- машқ. Ушбу матни ўзбек тилига ағдаринг. Ҳар бир гап таркибидаги кикитадан сўзга логик урғу қўйиб, маъноларини ёзма изоҳланг.

Зарчава палов (плов с зарчавой)

Рис промыть три-четыре раза в холодной воде. Небольшое количество зарчавы развести в подсоленной горячей воде и добавить в рис, перемешать, при этом рис приобретает золотистый цвет. Этот рис замочить на 1 час в горячей воде.

В котле перекалить жир, обжарить в нем мясо, нарезанное большими кусками. Положить лук, пережарить его, затем морковь нарезанную крупной соломкой, полить сверху водой, добавить черный перец-горошек и продолжать варить.

Когда из моркови выйдет весь сок, все помешать один раз, положить замоченный рис, разровнять.

Через несколько минут рис начнет вариться на пару морковного сока и зирвака. Время от времени его надо помешивать и разравнивать, пока не сварится полностью. После этого плов надо проткнуть палочкой, выпустить пар и закрыть котел крышкой. Готовый плов перемешать, вынуть мясо, нарезать маленькими кусочками. Плов выложить на блюдо, сверху разложить мясо и подать к столу.

Зарчава палов готовят главным образом на свадьбах, в праздники.

На 1 кг риса—1 кг мяса, 1,2 кг моркови, 2 головки лука, 500 г жира, зарчавы на кончике ножа, 25 горошинок черного перца.

57-машқ. Матн таркибидан байналмилал сўзларни топинг. Улар талаффузида фонетик урғу қайси бўғинларга тушганлигини айтиб беринг. Ҳақиқий ўзбекча сўзларда урғунинг кўчиб юришини тушунтиринг.

1. Самолёт, кема, ракета, автомобиль ва бошқа транспорт воситалари кўпинча ўзгармас тезлик билан ҳаракат қилади.

2. Техникада кўпинча ваттдан 1000 марта катта бўлган бирлик қўлланилади. Бу бирлик киловатт деб аталади.

3. Экваторда тинч турган ҳар қандай жисмлар Ернинг айланиши туфайли қавариқ кўприкдан ўтаётган автомобилдаги йўловчилар каби ҳолатда бўлади.

4. Қавариқ кўприк устида ҳаракатланаётган автомобиль ўша кўприкда тинч турганидагидан енгил бўлади.

58-машқ. Ушбу гаплардан фонетик, лексик урғулар тушган сўзларни топиб, тагига чизинг, уларни алоҳида-алоҳида устунларга бўлиб ёзинг ва ўзаро фарқларини кўрсатинг.

1. Эластиклик кучи эластик равишда деформацияланган ҳар қандай жисмда, яъни ўлчамлари ва шакли ўзгаргандан кейин ўз ҳолига қўйилганда дастлабки ҳолатига қайтиб келадиган жисмда пайдо бўлади.

2. Маълумки, эркин тушаётган ёки юқорига отилган ҳамма жисмлар тезланиш билан ҳаракат қилади. Бу тезланишнинг пайдо бўлиш сабаби Ернинг таъсири эканлиги равшан. Жисмга битта эмас, икки ёки бир қанча куч таъсир қилиши мумкин, чунки жисм битта эмас, балки бир қанча жисмлар билан ўзаро таъсирга киришиши мумкин.

3. Агар икки куч айти бир жисмга абсолют қиймати ва йўналиши жиҳатидан бир хил бўлган тезланишлар берса, бу икки куч бир-бирига тенг деб ҳисобланади.

59-машқ. Ўзингиз фонетик ва логик урғуга 10 тадан мисол топинг. Мисолларингиз ўзингиз тузган содда ва қўшма гаплар таркибида келсин.

На м у н а: Каттани ҳурмат қилсанг—иззат топасан. Бу гапда логик урғу «катта»га тушса «кичик ёшдагиларни эмас» маъносини, агар «ҳурмат»га тушса, у тақдирда тингловчи диққати иззат маъносига тортилади ёки «топасан» сўзи таркибини олиб кўрайлик: «топ» бир бўғинли бўлгани учун унда фонетик урғу йўқ; «топасан»да фонетик урғу охириги бўғин —«сан»га тушади.

60-машқ. Қуйидаги саволларда фонетик урғуга амал қилган ҳолда ёзма жавоб қилинг.

1. Ўзбек халқининг қайси урф-одатларини биласиз ва ҳурмат қиласиз?

2. Ўзбек таомларидан қайси бирини ёқтирасиз? Ўзингиз ҳам уни тайёрлай оласизми?
3. Ўзбекистонда қачондан бери яшайсиз?
4. Ўзбекистонда дўстларингиз ва ўртоқларингиз борми?
5. Ўзбек тилида сўзлаша оласизми?

17-§. Тўғри ёзув — орфография (правописание). Орфография учит правильному написанию корня, основы слова и аффиксов, отдельному или слитному написанию составных частей сложных слов, переносу слогов, употреблению заглавных букв. Основными принципами узбекской орфографии являются фонетический и морфологический.

По фонетическому принципу слова́ и аффиксы пишутся так же, как произносятся в устной речи. Например, слово, образованное от основы *онг* (разум, ум) с помощью аффикса *-ла*, произносится и пишется *англа*, а не *онгла*, т.е. вместо буквы *о* в корне слова произносится и пишется *а*.

По морфологическому принципу слова́ и аффиксы пишутся не так, как произносятся. Этот принцип обеспечивает единообразное написание значащих частей слова (приставки, корня, суффикса и окончания).

18-§. Баъзи ундошлар талаффузи — произношение некоторых согласных звуков и передача их на письме.

1. В конце слова звонкие **б** и **д** произносятся глухо, но пишутся всегда **б** и **д**. Например: *ғолиб* (ғолип) — победитель, *кабоб* (кабоп, кавоп) — шашлык, *боб* (боп) — глава, *косиб* (косип) — профессия, *китоб* (китоп) — книга, *арбоб* (арбоп) — деятель, *даромад* (даромат) — прибыль, *хушомад* (хушомат) — подхалимство, *дard* (*дарт*) — болезнь, *мақсад* (мақсат) — цель, *озод* (озот) — свободный.

2. Иногда среди двух гласных звуков произносится **в**, но пишется **б**. Например: *қобоқ* (қовоқ) — тыква, *чибин* (чивин) — комар, *Турбат* (Турват) и др.

3. В большинстве случаев пишется **ф**, но произносится **п**. Например: *фарқ* (парқ) — разница, *ҳарф* (ҳарп) — буква, *сафар* (сапар) — путешествие, *дафтар* (даптар) — тетрадь, *Фотима* (Потима) — Фатима и др.

4. В конце слова пишется **з**, произносится **с**. Например: *сиз* (*сис*) — вы, *келасиз* (келасис) — придете, *кўрфаз* (кўрпас) — залив, *денгиз* (*денгис*) — море, *ёлгиз* (*ёлгис*) — один, одинокий, единственный и др.

5. Фонема **р** является звуком переднеязычным, произносится несколько мягче русского **р**. Например: *равиш* — вид, наречие, *равшан* — светлый, ясный, *ранг* — цвет, *раҳм* — милость, *ривож* — развитие, *рўйхат* — список.

6. Фонема **ж** встречается в речи редко, употребляется в заимствованных словах: *журнал*, *журналист*, *жетон*, *жюри*.

7. Аффриката **ж** произносится, как слитные **д** и **ж** (**дж**):

джанджал — скандал, *джануб* — юг, *маджлис* — собрание, *джиндак* — немножко.

8. Фонема *нг* является заднеязычным носовым звуком: *кенг* — широкий, *энг* — самый, *жарангли* — звонкий, *чанг* — пыль, *келинг* — приходите.

9. Фонема *к* является глубокозаднеязычным смычным звуком, произносимым самым корнем языка, в отличие от русского *к*, в образовании которого принимает участие средняя часть языка: *қадам* — шаг, *қадоқ* — мозоль, *қайиқ* — лодка, *қоп* — мешок.

В конце многосложных слов *к* переходит в *ғ*: *ўртоқ* — *ўртоғим* (мой товарищ), *байроқ* — *байроғимиз* (наше знамя).

10. Фонема *х* является вариантом для глубокозаднеязычного *к*, произносится глубже русского *х* при соприкосновении маленького язычка с корнем языка: *хабар* — весть, *хирмон* — гумно, *хотира* — воспоминание, *хулқ* — поведение, *хумча* — крынка.

11. Фонема *ғ* — глубокозаднеязычный спирант. Этот звук не смычный аффрикативный: *ғазаб* — гнев, *ғов* — изгородь, *ғоз* — гусь, *ғунча* — бутон.

В конце слова *ғ* переходит в *қ*, однако в орфографии это не отражается, если не считать дательного-направительного падежа, где находим *қ* и в основе, и в аффиксе падежа: *тоғ* (тоқ) — гора, но пишется *тоққа* — в горы, *боғ* (боқ) — сад, но пишется *боққа* — в сад.

61- машқ. Ушбу гаплар таркибидә иштирок этган б ва д фонемаларининг жарангсизлашиши сабабларини кўрсатинг: б-п, д-т талаффуз этилиши ва б ва д ёзилиш сабабларини изоҳланг.

1. Дўст билан обод уйинг, гар бўлса ул вайрона ҳам.

2. Бола китоб жовонини зўр бериб итаряпти, лекин жойдан қўзғатолмаяпти. Ньютоннинг иккинчи қонунида куч таъсир этаётган жисм тезланиш олади дейилади, бу ерда бу қонун бузилмаяптими?

3. Туб ўзакли сўзлар ўзбек луғати асосини ташкил этади.

4. Қишлоқ атрофида ўсаётган баланд тераклар учи шамолда тебраняпти.

62- машқ. «Хайрулла Бекмирзаев» матнини рус тилига ағдаринг. Матн таркибидә в қатнашган сўзлар талаффузига эътибор беринг; в фонемаси б талаффуз этиладиган сўзлар тагига чизинг; ўша сўзлар иштирокида ўзингиз гаплар тузинг; б фонемаси иштирок этган сўзлар маъноларини дафтарингизга ёзинг.

Хайрулла Бекмирзаев

Хайрулла Фарғонанинг Водил қишлоғида туғилган. Унинг отаси Шаҳоб ака йирик кооператор бўлиб, халқ орасида катта обрў орттирган. Топганини халққа берган: тўй қилиб қозон-қозон ошлар, хасталар учун қовоқ сомсаларгача инъом этган.

Хайрулла Бекмирзаев ёшликдан тарбиячилик — муаллимликка қизиқди; ўрта мактабни битиргач, Фарғона педагогика институтига ўқишга кирди — тарих факультетини тугатди.

У ҳозир 35 йиллик педагогик стажга эга: ўн беш йил Ҳ. Турсунқулов номидаги жамоа хўжалигига раислик қилиб, иқтисодий жиҳатдан ўртача бўлган хўжаликни бадавлат хўжаликка айлантирди. У туну кун меҳнат қилди. Ун йилга яқин район ижроқўмида раис ўринбосари ва раис лавозимларида ишлади; ўн йилдан ортиқроқ муддат мактаб муаллими, директор бўлиб ишлаб, сон-саноқсиз шогирдлар етиштирди. У соф виждонли раҳбар, халқнинг обрўли ва ардоқли фарзанди. Давлатимиз унинг ҳалол меҳнатларини қадрлади — бир неча орден ва медаллар билан мукофотлади. Ҳозирда Фарғона районининг нуфузли мактабларидан бирида директор.

63- машқ. Ушбу луғат таркибидаги ф ва п иштирок этган сўзлар тагига чизинг. Уларнинг тўғри талаффузига эътибор беринг. Русча ва ўзбекча сўзлардаги ф ҳарфи талаффузидаги фарқни изоҳланг.

Колея — из оралиғи. Бир йўналишли қатновда рельслар оралиғидаги ёки икки (ва ундан кўп трамвай қатновида) йўналишли қатновда чекка рельслар оралиғидаги масофа.

Путевая полоса, трамвайная — трамвай йўли минтақаси. Қатнов қисмидаги рельсли зона, из ва унинг икки ён томонидаги хавфсизлик минтақаси ҳам шунга киради.

Боковой проезд, переулоч (подъездная, служебная дорога) — ёндош ўтиш йўли (калта кўча, киравериш йўлаги, махсус йўл). Шаҳар шароитида марказий транзит йўлдан ажратилган ва маҳаллий қатнов учун мўлжалланган қатнов қисми, бурилишлар, ён кўчалар, бекатлар.

Полоса замедления при подъеме — секин ҳаракатланувчи транспорт воситалари учун мўлжалланган йўл қисмларидаги анча тик қия қўшимча минтақалар.

Укрепленная часть обочины — йўл чеккасининг мустаҳкамланган қисми. Йўл ёқасининг чекка минтақаси туташган ва мустаҳкамланган қисми. Ундан мопедлар, велосипедлар ва пиёдалар қатнаши мумкин, шунингдек унда транспорт воситалари тўхтайти ва туради.

Насыпь — йўл кўтармаси. Тупроқ тўкиб ишланган иншоот; унинг ичидаги тупроқли минтақанинг тўлиқ юзаси ер сатҳидан баландроқ жойлашган бўлади.

64- машқ. Ф ҳарфи иштирок этган сўзларнинг маъноларини изоҳланг, уларни рус тилига ағдаринг. Ўзбек тилида ф билан ёзиладиган сўзлар борми? Агар бўлса изоҳланг.

Мардлиги ва жасорати учун

Улар ҳақида баъзан яхши, баъзан ранжиброқ гапирамиз. Хизматларини гоҳида тан оламиз, гоҳида тан олмаймиз. Бироқ улар орасида ҳар куни, ҳар соатда ўз ҳаётларини хавф ости-

га қўйиб бўлса-да, элу-юрт осойишталиги учун курашаётганлар оз эмас. Тунлари мижжа қоқмай, дам олиш кунлари нималигини билмай ўз бурчларини шараф билан ўтаётганлар ҳақида ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз.

Яқинда жумҳуриятимиз Президентининг Фармони билан ана шундай ҳалол ва довурак ички ишлар бўлими ходимларидан бир гуруҳи ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Қуролланган хавfli жиноятчиларни қўлга олишда кўрсатган мардлиги, жасурлиги ва фидойилиги учун Хоразм вилояти Дўстлик шаҳри ҳокимияти ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция капитани Баҳром Ражабов, Хива шаҳар ҳокимияти ички ишлар бўлими жамоат тартибини муҳофаза қилиш катта инспектори, милиция лейтенанти Рўзим Худойберганов, шу бўлимнинг балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг участка инспектори Ражаббой Хўжаниёзовлар «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медаллари билан мукофотландилар.

66- машқ. Матн таркибида з ва с иштирок этган ўзбекча ва русча сўзларни топиб, тагига чизинг. З фонемасининг жарангсизланиши (с) сабабларини ёзиб изоҳланг. Матнни рус тилига ағдаринг.

Онам

Онам Машраббону эскича ёзув ва билимга пеш, намоз ва қадим одатларимизни ўта яхши билардилар. У киши тўққиз фарзанд кўрдилар: Муҳаббат, Турсунали, Умарали, Асқарали, Аҳмадали ва Муқимжонлар шу файзли аёлнинг фарзандлари эди.

Машраббону 82 ёшда вафот этдилар. У киши бизларга араб ёзувлари битигини, ўқишни, ахлоқ-одоб, ўзгаларни ҳурмат қилишни, хасис бўлмасликни, ҳокисорликни ўргатганлар. Золимнинг зулмидан асрасин, деб дуо қилардилар.

Онамиз жамоа хўжалигида ишлаб, бизни тарбияладилар. Отамиз ҳам эскича билимнинг етук мутахассиси бўлиб, катта нуфузга эга эдилар. (Ҳ. Узоқов.)

66- машқ. Ушбу матн таркибида келган з ҳарфи иштирок этган сўзлар тагига чизинг. Уларни русчага ағдаринг. Нима учун сўз охирида келаётган з товуши с тарзида талаффуз этилаётгани ва з ёзилаётганлигини тушутиринг.

1. Сиз эртага соат саккизда келинг. 2. Ўлмас билан муроса қилиш — бурчимиз экан-да. 3. Олимиз, мутафаккиримиз, энг муҳими одамимиз, деб кўкрак керувчиларнинг кўпчилиги саводсиз чиқиб қоляпти. 4. Писмиқ одам ўз қўли билан эмас, ўзгалар қўли билан газ ўлчайди. 5. Қўрқоқ одам ўзидан ҳам хавфсирайди, оқибат унинг жойи тубсиз денгиз бўлади. 6. Саводсиз одам раҳбар бўлса, атрофига саводсиз кишиларни тўплайди.

67- машқ. Матндаги охирида р ундоши келган сўзлар тагига чизинг, улар талаффузига эътибор беринг. Сўз ўртасида келган р билан сўз охирида келган р ҳарфининг талаффузини аниқланг ва матнни рус тилига ағдаринг.

Гепатит

Гепатит — жигарнинг оғир юқумли касаллиги. Касаллик манбаи вирус ҳисобланади. Бу вируслар овқатга, сувга, китобларга, меваларга, сабзавотларга ифлос қўл ва пашшалар орқали тушади.

Гепатит билан оғриб қолмаслик учун ифлос анҳор, ариқларда чўмилмаслик керак. Ювилмаган мева ва сабзавотларни емаслик, қайнатилмаган сувни ичмаслик, овқатдан олдин қўлни совунлаб ювиш керак. Касаллик ташувчи пашшаларни албатта йўқотиш лозим.

68- машқ. Ушбу гапларни ўқинг. Саволлар таркибида иштирок этган р ҳарфли сўзларни топиб, уларнинг тўғри талаффузига эътибор қилинг. Р ҳарфининг сўз боши, ўртаси ва охирида келиши жараёнидаги талаффузига эътибор қилиб ўқинг, ўзаро фарқларини ёзинг.

1. Эгри чизиқли ҳаракатда оний тезлик қандай йўналади?
2. Эгри чизиқли ва тўғри чизиқли ҳаракатда тезликнинг ўзгаришлари нима билан фарқ қилади?
3. Эгри чизиқли ҳаракатда тезлик билан тезланиш йўналиши бир хил бўлиши мумкинми?
4. Эгри чизиқли траекторияда жисм тезланишсиз ҳаракат қила оладими?
5. Жисм синиқ чизиқдан иборат бўлган траектория бўйлаб абсолют қиймати ўзгармайдиган тезлик билан ҳаракат қилиши мумкинми?
6. Эгри чизиқли ҳаракат билан айлана бўйлаб қилинадиган ҳаракат орасида қандай боғланиш бор?

69- машқ. Ушбу матн таркибидан ўзбекча ж ва русча дж иштирок этган сўзларни топиб, тагига чизинг; улар талаффузига эътибор беринг, ўзаро фарқларини кўрсатиб, дафтарингизга кўчиринг.

1. Жисмоний тарбия ва спорт соғлиқни мустаҳкамлайди, бақувват қилади, чаққонлик, эпчиллик, чидамлик, мўлжалга ола билиш каби қимматли хислатларни тарбиялайди.
2. Синф журналлари ҳам куйиб кетибди-да?
3. Виждон билан айтганда, Уткир Хайриддиновда эркак кишига хос мардлик, инсонийлик йўқ.
4. Жарима ўз вақтида тўланиши шарт.
5. Жюри аъзоларининг бир бўлиб чиқарган фикр ва хулосалари ана шу.
6. Божхоналарнинг ташкил бўлиши ҳам замон талабидир.

70- машқ. Ушбу матнни ўзбек тилига ағдаринг. Матн таркибидаги жа-рангли товушлар тагига чизинг. Сўзларни ёд олинг.

1. Мой товарищ пошел в библиотеку.
2. Мы пришли из института.
3. Улицы города Ташкента очень красивые.
4. Этот студент учится на первом курсе.
5. Я буду дома в три часа.
6. Они эту книгу будут читать после лекции.
7. Вчера наш учитель вернулся из командировки.
8. Турсун, дай мне тетрадь.
9. В этом году наше хозяйство купило еще три грузовые машины.

10. Бригада собрала очень много хлопка. 11. Содержание этого рассказа очень интересное. 12. Я выучил новые слова из этого рассказа.

71- машқ. Ушбу луғатнинг ўзбекчасини ёд олиб, мазмунни кўчиринг. Луғат таркибидаги русча ва ўзбекча ж ҳарфи иштирок этган сўзларнинг тагига чизиб, ўша сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Участок остановки (зона распределения потока движения) — чорраҳадаги тўхтаб туриладиган жой (қатнов оқими тақсимланадиган жой). Йўл тармоғи бошланишидаги йўл (кўча)нинг қисми бўлиб, унда ҳаракат тўсиб қўйилган вақтда қайта сарфланган транспорт воситалари тўпланади.

Полоса отвода движения — қатнов ажратиладиган минтақа. У автомобиль йўллари тармоғидаги қатнов минтақаси асосий йўналишида ажратиладиган қатнов оқимига мўлжалланган ва тегишли тарзда белгиланган бўлади.

Съезд с узла дорог — йўл туташмасидан чиқиш. Тармоқнинг бир қисми, оқим орқали кесишишдан йўлнинг тўғри қисмига ўтади.

Полоса разгона (ускорения) — тезлатиш минтақаси. Асосий йўлнинг қўшимча минтақаси; у автомобилларнинг асосий оқимга киришини ва ундаги қатнов тезлигига тенглашишини осонлаштиради.

Полоса слияния потоков — оқимларнинг қўшилиш минтақаси. Йўлнинг қатнов қисмига ёндош қўшимча минтақа. У қондага биноан тезлик олиш минтақасига туташади, автомобилнинг асосий оқимга киришига имкон беради.

Полоса торможения (замедления) — тормоз бериш (секинлашиш) минтақаси. Асосий йўлдаги қўшимча қатнов минтақаси. У асосий оқимдан чиқаётган автомобилга асосий оқимга халақит бермаган ҳолда тезликни пасайтириш имконини беради.

Центральное сооружение — марказий иншоот. Чорраҳа (кесишиш) марказида жойлашган қурилиш иншооти. Унинг атрофидаги жойлардан транспорт воситасининг қатнаши учун фойдаланилади.

Островок — оролча (дахлсиз) жой). Қатнов қисми ичидаги ва қатновдан ҳоли қилинган жой. Транспорт воситаларининг унга кириши тақиқланади.

Разделительный островок — қатновни бўлувчи дахлсиз жой. Кесишаётган йўллар тармоқларидан бирида жойлашган йўналтирувчи дахлсиз жой тури, қатнов оқимини турли йўналишлар бўйича тақсимлайди.

Островок кругового движения — ҳалқасимон чорраҳадаги дахлсиз жой. Давра тархли жой марказидаги иншоот, транспорт воситаси унинг атрофидан айланиб ўтади.

72- машқ. Ушбу матнда -нг иштирок этган сўзлар тагига чизинг. Матнни рус тилига ағдаринг; -нг фонемаси нима учун рус тилида икки ҳарф сифатида алоҳида талаффуз этилишини изоҳланг.

1. Менинг китобим кўп бўлганлиги учун улардан синглим ва унинг ўртоқлари фойдаланишади. 2. Биз ўлкамизнинг бепоян ерларини, буғдойзор ва пахтазорларини севамиз. 3. Хорижий шериклар билан тузилган шартномалар асосида энгил саноат корхоналарини қайта тиклашни амалга ошириш мўлжалланмоқда. 4. Бизнинг ўлкамиз электр энергиясига бой. 5. Вилоят иқтисодиётини тангликдан чиқариб олиш масаласи муҳокама этилди. 6. Ҳар бир ишни онгли равишда бажариш керак.

73- машқ. -нг фонемаси нега сўз бошида эмас, донмо сўз ўртасида, охирида келиши сабабларини тушунтиринг. Ўзингиз сўз ўртаси ва охирида келган -нг ҳарфли сўзлар иштирокида гап тузинг, уни рус тилига таржима қилинг.

На м у н а: *синглим* — моя сестренка; *ғинг демоқ* — без слов; *тонг* — заря.

74- машқ. Сўз бошида, ўртасида ва охирида к фонемаси иштирок этган сўзлардан 10 тадан топиб, дафтарингизга ёзинг, талаффузига эътибор беринг, улар иштирокида гаплар тузинг. Гапларни рус тилига таржима қилинг.

На м у н а: *қалам* — Менинг қора қаламим бор. — У меня есть черный карандаш.

75- машқ. Ушбу матн таркибидан чуқур тил орқа қ иштирок этган сўзларни топиб, рус тилига ағдаринг. Шеърнинг ўзбекча ва русчасини ёд олинг.

Илм хосияти

Фурқат

(Қисқартириб олинди)

Дейин сўз илмни(нг) хосиятидин,

Баён айлаб, анинг моҳиятидин.

Бу сўзни гўши бор одам эшитсун,

Ўзида ҳуши бор одам эшитсун!

Искандарким жаҳонга шоҳ эрди,

Сипеҳр анжум фалак хиргоҳ эрди.

Ани(нг) лашкари оламга тўлди,

Низоми забт ҳикмат бирла тўлди.

Зиҳи даврони фархунда нишони,

Замон ўлди Урусия замони.

Неча иш илм ила бунёд қилди,

Хусусан телегром ижод қилди.

Кўнгулларни(нг) сурури илмдандур,

Кўрар кўзларни(нг) нури илмдандур.

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,

Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,

Ўзимни жаҳл зиндонига солдим.

О науке

(Отрывок)

О юные друзья! Я обращаюсь к вам,
Внемлите вы моим отеческим словам.
Науке посвящаю сей рассказ.
Она — бессмертие и бытия алмаз.
Великий шах земли, державный Искандер
Вселенную делил на семь обширных сфер,
Заполнили весь мир ряды его полков,
Со всех краев земли собрал он мудрецов.
Россия принесла земле счастливый век,
Наукою теперь владеет человек.
Премудрые умы, мечтам народа вняв,
Построили в стране великой телеграф.
Достигнешь цели ты, наукой овладев,
Осуществишь мечты, наукой овладев.

76- машқ. Ушбу матнлар таркибида келган қайси бир сўздаги к ассимиляцияга учраганини талаффуз этиш ва ёзиш орқали кўрсатинг.

1. Бешариқ билан Олтиариқ ораси юз километрдан ортиқ.
Бир киши Самарқанддан Бешариқдаги қариндошиникига поездда келаётган экан. Ухлаб қолиб Олтиариққа ўтиб кетибди. Проводник: «Сиз қаерга борардингиз, ака?» деб сўраса, «Бешариққа бораман», дебди.

— Э, Бешариқдан ўтиб кетибсиз, тез тушинг, мана Олтиариққа келиб қолдик. Энди автобусда қайтиб кетасиз,— дея уни шошилтира бошлабди.

Шунда самарқандлик киши бепарво қўл силтаб:

— Ҳай, зарари йўқ, бир ариққа пиёда қайтаверамиз,— дебди.

2. Қадам ташлаб келиб, таққа-тақ тўхтади. Йўлидан пешвоз чиққан Қутлуққа қараб деди: «Қуруққа мушук офтобга чиқмайди, ҳа, уч кундан бери алдайсан. Ишламаган кунларимгача ҳақ тўлайсан, сўнг ишингни қиламан».

3. У кўл бўйида яшаган бўлса ҳам қайиққа биринчи бор ўтириб, кўлнинг у юзидаги боққа ўтиши — холасидан хабар олиши эди. (Ҳ. Узоқов)

77- машқ. Қуйидаги шеърин матн мазмунини ўзбек тилига таржима қилинг. Нотаниш сўзларни ёд олинг.

О лечении болезней крови

Болезней крови мной описан ход.
Замечу, что таких недугов род
Как длительную лечат лихорадку.
Я расскажу об этом по порядку.

Кровопусканье проводи сначала,
Стремись к тому, чтоб желчь светлее стала.
Горячее в питании избегай,
Чтоб кровь не забурлила через край.
В питание холодное назначь.
Знай: поступает так разумный врач.

78- машқ. Ушбу матн таркибидаги бир ва икки бўғинли сўзлар охирида келган қ қандай қўшимча олгач, ғ бўлиб талаффуз қилинади ва ёзувда қандай кўринишда ифодаланади?

1. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, ҳеч ким йўқ. 2. Шу чоқ барча тингловчилар ўринларидан туришди. 3. Қорин тўқ бўлгач, иш ҳам унумли бўлади. 4. Ярим тунда ҳам кишилар уйғоқ эдилар. 5. Сўқмоққа томон йўл юриб, бир тоғ бағридан чиқдик.

79- машқ. Сўз боши, сўз ўртаси ва охирида х фонемаси келган сўзлардан 10 тадан 30 та топинг. Улар иштирокида гаплар тузинг. Гапларни рус тилига таржима қилинг. Х ҳарфи иштирок этган сўзлар қандай талаффуз этилишини эслаб қолинг.

80- машқ. Матнни ўқиб, таржима қилинг. Х қатнашган сўзларни ёд олинг.

Электр «Қунгабоқарлар»

Токиодаги уйлардан бирининг томида яқинда пайдо бўлган экспериментал қурилмани шундай аташ мумкин. У офтоб нурларини йиғиб олишга мўлжалланган. Йиғилган шуъла махсус нур йўналтиргичлар орқали бинонинг ичига юборилади. Хўш, бундан бирор фойда чиқармикан?

Ҳа, деб жавоб беришмоқда мутахассислар, бу ёруғликдан кўп жойда фойдаланса бўлар экан. Масалан, бугунги кунда Японияда йил давомида маҳсулот етиштирадиган гидропоник сабзавот фирмалар кўпаймоқда. Одатда уларга кўп электр қуввати сарфланади.

«Қунгабоқарлар» эса электр қувватини тежашда қўл келади. Янги ёритиш услубидан ерости савдо марказларида, гаражларда, метро бекатларида фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Абу Райҳон Беруний

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний 973 йили Хоразмда туғилди. У бошланғич маълумотни шу ерда олди. Уша вақтда Хоразмда фаннинг турли соҳаларида шуҳрат қозонган кўплаб олимлар яшаган. Абу Райҳон Беруний улардан таълим олган. У шарқнинг бой фан ва маданиятини яхши ўрганган, қадимги юнон классик илми билан танишиб, йирик олим бўлиб етишган. У Хоразмдан кетгандан кейин, Ҳиндистондаги Нандна қалъасида яшайди. Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади. Бу унинг ҳинд маданияти, адабиётини ўрганишига ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан таниши-

шига, бу мамлакат ҳақида ўлмас асарлар яратишига имкон беради. Олимнинг «Ҳиндистон» асарида ҳинд адабиёти, фалсафаси, геометрия, этнография, дин, ҳинд ёзувларининг турлари каби масалалар ёритилган.

Буюк олим 1035—36 йилларда ўз илмий ишларининг рўйхатини тузади. Бунда ўша вақтгача ёзган асари 113 тага етганини кўрсатади. Кейинги асарларини ҳам қўшсак, у қолдирган мерос 152 китобдан иборат бўлади.

Абу Райҳон Берунийнинг номини абадийлаштириш мақсадида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган.

Буюк олим 1048 йилда вафот этган.

81- машқ. Ушбу матн таркибида х фонемаси қатнашган сўзларни топиб, рус тилига ағдаринг. Х фонемасини рус тилидаги х фонемаси талаффузига чоғиштириб, дафтарингизга ёзинг.

Суд шикоятни кўриб чиқиб қарор чиқаради. Давлат автомобиль назорати бўлимининг, ички ишлар бўлимининг хатти-ҳаракати қонуний бўлса, суд шикоятни қондиришдан бош тартади. Агар суд шикоятни асосли деб топса, Давлат автомобиль назорати бўлимининг, ички ишлар бўлимининг шахсий транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги қарорини бекор қилади ёки шу ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини камайтиради.

Суд қоида бузувчининг шахсини ва қоида бузиш характери-ни ҳисобга олиб, Давлат автомобиль назорати бўлимининг, ички ишлар бўлимининг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айбдорни огоҳлантиришга ёки жамоатчилик йўли билан таъсир кўрсатиш учун материалларни айбдорнинг ишлаш, ўқиш ва яшаш жойидаги жамоат ташкилотларига ёки ўртоқлик судига топширишга ҳақлидир.

Суднинг қарори узил-кесил бўлиб, кассация йўли билан шикоят қилиниши ёки норозилик билдирилиши мумкин эмас.

82- машқ. Х фонемаси билан ҳ фонемасини фарқлаш учун ушбу матнда иштирок этган х ва ҳ ҳарфли сўзларни топинг, тагига чизинг. Уларни рус тилига таржима қилинг.

Болаларга хат

Қимматли болалар! Кўпроқ ўқинг, яхшилаб ўрганинг, чунки сиз кўп нарса билишингиз керак. Ўртоқларча, дўстона яшашни, ишда, ўқишда бир-бирингизга ёрдам беришни ўрганингиз. Сизнинг орангизда — ҳар турли миллат болалари орасида, ўғил ва қиз болалар орасида, катта болалар ва кичиклар орасида ҳақиқий ўртоқлик қарор топсин.

Кўпроқ билувчилар камроқ билувчиларга ёрдам беришлари керак.

Халқ мулки ҳақида ғамхўрлик қилиб туришингиз керак. Кўрдингизки, бирор жойнинг девори бузилган, уни тузатмоқ керак, чироқ бекорга ёниб турибди — уни ўчирмоқ керак, кўрдингизки, кимдир кичик болани хафа қилмоқда — уни ҳимоя қилиш ва ёқлаш керак, кўрдингизки, киши саводсиз — унга савод ўргатиш керак. Катталарга ёрдам бериш керак, ўқиш, турмушга яхшироқ қараш, турмуш устида ўйлаш керак. Дўст ким ва душман ким эканлигини англай билиш керак. Кучли ирода эгаси бўлмоқ лозим, ўз-ўзини тута оладиган, меҳнатга ва мудофаага доим тайёр турган саботли, матонатли ботир кишилар бўлмоқ даркор.

83- машқ. Прочитайте предложения, заменяя точки нужными аффиксами. Переведите их на русский язык. Запишите предложения вместе с переводом.

1. Мактабимиз... яхши битир... ўқувчилар институт... ҳам яхши ўқийди(лар). 2. Мен ҳар доим ўзбекча гапир...га ҳаракат қила... . 3. Экскурсияга кет... талабалар бугун қайтиб келиш... . 4. Ўзбек тили грамматикаси қоидалари... яхши бил... керак. . 5. Саволларга жавоб бер... учун матн... яхши бил... керак. . 6. Бу мақола... ўқишга ҳозир вақтим йўқ. 7. Керакли қоидалар... ёд олма... ўқувчилар грамматика... чала билади(лар). 8. Уртоқ Пўлатов от... мин... дала томонга кет... . 9. Мен тинчлик учун кураш ҳақида мақола ёз... муҳаррир... бердим. 10. Янги сўзлар... яхшилаб ўрган... керак. 11. Кеча сен кутубхона... ол... китобни мен бултур ўқи... . 12. Назира мендан китоб... ол... кутубхона... топширишга кетди.

84- машқ. Ушбу матни ўзбек тилига ағдаринг. X фонемаси иштирок этган сўзларни топиб, талаффузига эътибор беринг.

Ўзбекистан

Горячее солнце, плодородные поля, зеленые сады, реки — это Узбекистан. В Узбекистане много солнечных дней. В республике много рек. Самые большие — Амударья и Сырдарья.

В Узбекистане много фабрик и заводов. На полях республики работают тысячи тракторов, комбайнов, хлопкоуборочных машин.

Основное богатство Узбекистана — хлопок. В республике добывают газ, уголь, нефть, золото.

Народ Узбекистана посылает хлопок, фрукты и овощи во многие республики содружества.

85-машқ. Қуйидаги матни ўқинг. X ва ҳ иштирок этган сўзларни аниқланг. Талаффуздаги фарқларга аҳамият беринг. Таржима қилинг.

Очкўзлик оқибати

Бир кишининг бир мушуги бор эди. У киши ҳар куни мушукка бир бурда гўшт берар эди. Лекин мушук ваҳший бўлгани

сабабли бу гўштга қаноат қилмайди. Мушук кунларнинг бирида кабутархона атрофидан ўтиб кетаётганда, кабутарларнинг овозини эшитиб қолди. Мушукнинг иштаҳаси карнай бўлди ва ўзини кабутархонага урди. Шу вақт кабутарларнинг эгаси мушукни ушлаб олди ва сўйиб, терисига сомон тиқиб, кабутархона эшигига осиб қўйди. Иттифоқо, мушукнинг эгаси шу ердан ўтиб қолди. У ўз мушугининг аҳволини кўриб:

— Эй очкўз мушук, ҳар куни берган гўштимга қаноат қилганингда, терингга сомон тиқмас эдилар,— деди. («Қалила ва Димна»дан)

86- машқ. Қуйидаги ҳикматли сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ёд олинг. Айрим сўзлар талаффузига эътибор беринг.

Чин сўзни ёлғонга чулғама,
Чин айта олур тилни ёлғонга булғама.

Қи ҳар ишники қилди одамзод,
Тафаккур бирла билди одамзод.

Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

Бефойда сўзни кўп айтма,
Фойдали сўзни кўп эшитурдин қайтма.

(А. Навоий)

87- машқ. Матнини ўқинг. Х ва ҳ ларнинг талаффузидаги фарқини тушунтиринг. Матнини рус тилига таржима қилинг. Нотаниш сўзларни ёд олинг.

Бердоснинг сеҳрли чироғи

Францияда шундай чироқ яратилди. Уни ёқиш учун қўлингизни яқинлаштирсангиз шунинг ўзи кифоя. Агар қўлингизни чироқ қаршисида сал кўпроқ вақт ушлаб турсангиз, у ёрқинроқ нур тарата бошлайди. Сеҳрли чироқнинг сири ёритгичнинг колбасига жойлаштирилган инсон ҳароратига нисбатан ўта сезгир элементдадир.

Бундай чироқ, деб ҳисоблайди унинг ихтирочиси М. Бердос, интенсив фойдаланиш қулай бўлгани учун одатдагисидан тежамлироқдир, сиз хонани тарк этсангиз, нур ўз-ўзидан сўнади.

88- машқ. Ушбу гаплардаги уч нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйинг. Ҳар бир гап таркибида х фонемаси иштирок этган сўзларни рус тилига таржима қилиб, уларнинг талаффузига эътибор беринг.

1. Бу матн... рус тили... таржима қил... учун, бир соат вақт керак. 2. Эргаш дўкон... сотиб олган китобини мен... кўрсат... . 3. Биз деворий газета... тез-тез мақолалар ёзиб тура... . 4. Тошкент — Ўрта Осиё... энг қадимги шаҳарларидан биридир. 5. Лекцияга кеч қол... мумкин эмас. 6. Ўзбек тилидан контрол ишни бажар... қондаларини яхши бил... керак.

89- машқ. Қуйидаги матнни рус тилига ағдаринг. Саволларга жавоб ёзинг; х фонемаси қатнашган сўзлар иштирокида ўзингиз гап тузинг.

Шахсий гигиена қондалари

Соғлом, тетик ва ишчан бўлиш учун шахсий ва умумий гигиена қондаларига риоя қилиш керак. Аввало ҳафтасига бир марта совун, мочалка билан чўмилиш керак. Соғлом ва тоза бадан териси организмни унга айрим касаллик қўзғатувчи бактериялар тушишидан ҳимоя қилади. Тоза тери бактерияларни эритадиган махсус ҳимоя моддаларни ажратади.

Ич кийим ва чойшабларни тез-тез алмаштириб туриш, мактабдан қайтгандан сўнг мактаб кийимини ечиш ва тозалаш керак.

Ҳар куни эрталаб ва кечқурун тишларни шахсий чўтка билан тозалаш зарур.

Айниқса қўлларнинг тоза бўлишига аҳамият бериш керак, чунки улар орқали микроблар тарқалади. Овқатдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларга қарагандан сўнг қўлларни ювиш лозим. Тирноқларни олиш ва уларни асло кемирмаслик керак.

Сабзавот, меваларни овқатга ишлатишдан олдин қайнаган сув билан яхшилаб ювиш керак.

Юқумли касалликлар билан касалланган ўртоқларингизни шифокордан рухсат олмай кўргани борманг.

С а в о л л а р

1. Нима учун шахсий ва умумий гигиена қондаларига риоя қилиш керак?
2. Нима учун тери ва баданни озода тутиш муҳим?
3. Ич кийим ва чойшабларни тез-тез алмаштириш, тиш ва кийимларни тозалаш нима учун зарур?
4. Қандай қилиб микроблар тарқалиши ва юқумли касалликлар юқишининг олдини олиш мумкин?

90- машқ. Қуйидаги «Сухбат» матни мулоқот тарзида ўтсин. Сўзларни ёд олинг. Таржима қилинг.

Сухбат

- Кечирасиз, 18-автобус қаерга олиб боради?
- Юнусобод районига.
- Раҳмат. Лекин менга «Шодлик» бекати керак эди.

— Бунинг учун «Универсам» бекатида қайтадан 60- автобусга ўтирасиз.

— Миннатдорман.

— Уғлим, автобуснинг олдинги ўриндиқлари ногиронлар, қариялар ва ёш болали аёлларга мўлжалланган. Агар иложи бўлса жойингизни мана бу қарияга бўшатиб берсангиз.

— Кечирасиз, мен хаёл билан бўлиб унутибман.

— Хаёл суриш ўрнига ёшлар зийрак бўлишлари керак.

— Тўғри айтасиз, яна узр.

Бозордаги суҳбат

— Ассалому-алайкум, отахон!

— Ваалайкум ассалом.

— Бозор иқтисодиётига муносабатингиз қандай?

— Бозор иқтисодиёти юртга келган тўй. Унинг қийинчиликларига бироз чидасак, ўтиб кетади.

— Хўш, сиз анор, анжир, узум сотаяпсиз. Буларни етиштиришнинг ўз сир-асрорлари борми ёки улар ўз-ўзидан ўсаберадими?

— Албатта, ҳар бир мева дарахтининг ўз инжиқликлари бўлади. Бунинг учун уларнинг, сиз айтгандек, сирини билиш керак.

— Улар қандай сир, тушунтириб бера оласизми?

— Яхшиси, сиз бизнинг қишлоққа келинг. Боғда қандай иш қилиш кераклигини ўзингиз кўринг. Мен ўшанда сизга яхшилаб тушунтириб бераман.

— Раҳмат, албатта, боришга ҳаракат қиламан.

— Қаерда яшайсиз?

— Андижон вилоятининг Хўжаобод қишлоғида. Уша ерга бориб, Мақсуд боғбон қаерда турадилар?— десангиз, ҳамма билади, кўрсатиб қўйишади.

— Раҳмат, хайр, соғ бўлинг!

— Хайр.

91- машқ. Переведите диалог на узбекский язык. Запомните слова, называющие виды бумаги.

Работа с бумагой

— Можно ли представить себе жизнь без бумаги?

— Конечно, нет.

— Мухаббат, ты можешь рассказать мне, что изготавливают из бумаги?

— Бумага идет на изготовление учебников, тетрадей, разных книг, альбомов.

— Я думаю, бумага еще необходима для изготовления фотографий, упаковки товаров и для других нужд, не правда ли?

— Конечно.

— Насиба, а ты знаешь из чего делают бумагу?

— Мне кажется, бумагу делают из еловой древесины, соломы, хлопчатобумажного тряпья.

— А из макулатуры?

— Да, из макулатуры тоже, то есть из старой, использованной бумаги.

— Мухаббат, когда мы были на экскурсии на фабрике, там нам рассказали очень интересные вещи.

— О чем?

— Рассказали, что на фабрике по производству бумаги выпускают более 600 ее видов и сортов.

— А какие ты можешь назвать?

— Писчая, печатная, газетная, рисовальная, оберточная, обойная.

92- машқ. Қуйидаги матида учраган ҳикматли сўзларни ёд олинг. Мазмунини шарҳланг.

— Азиза, сен донолар бисотидан ҳикматли сўзларни айтиб бера оласанми?

— Албатта.

— Қани, эшитайлик.

— Биринчиси: *Донолар сўзига қулоқ илмасанг,
Энг нодон сендирсан, билгил, билмасанг.*

Қани топ-чи, бу кимнинг гапи?

— Абулқосим Фирдавсийники, шекилли.

— Худди шундай.

— Иккинчиси: *Тингела, аччиқ ўғит берса дўст кишинг,
Охири ширинлик бўлади ишинг.*

— Бу кимга тегишли гап?

— Бунинг муаллифини билолмадим.

— Назира, нега билмайсан, ахир! Буни Носир Хусрав айтган-ку!

— Ҳа, унутибман. Эсимга тушди, Носир Хусрав тожик адабиёти тарихида ҳақиқат изловчи шоир сифатида машҳур бўлган.

— Тўғри.

— Энди учинчисини эшит:

*Ишқдир абадийлик авжида офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб.
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,
Ишқ — нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.*

— Жуда ажойиб мисралар. Умар Хайёмни ким билмайди, дейсан?

ЛЕКСИКА

1-§. Лексика — словарный состав языка (от греческого *lexis* — слово — сўз).

Лексика узбекского языка изучает:

1) всю совокупность слов, входящих в состав языка;

2) совокупность слов, характерных для данного варианта речи или для данной сферы ее применения. Например: Уй-рўзгорга оид сўзлар — лексика бытовая, техника сўзлари — лексика техническая, табобат сўзлари — лексика медицины, ҳарбий сўзлар — лексика военная, илм-фан сўзлари — лексика научная, атама сўзлар — лексика терминологическая и т. д.;

3) один из стилистических пластов в словарном составе языка. Например: Мавҳум сўзлар — лексика абстрактная, аниқ сўзлар — лексика аффективная, тенг сўзлар — лексика нейтральная, бадий сўзлар — лексика поэтическая, оғзаки муоала сўзлари — лексика разговорная и т. д.;

4) совокупность слов, употребленных каким-либо автором, словарный состав его произведений. Например: Навоий тили — лексика Навои, А. Қодирий тили — язык А. Кадири, Пушкин тили — язык или лексика Пушкина.

93- машқ. Ушбу уй-рўзгор буюмлари номи иштирок этган сўзларни қўлаб гаплар тузинг ва уларни рус тилига ағдаринг.

Коса, тақсимча, қозон, пичоқ, қайчи, товоқ, лаган, шокоса, човли, кўза, қошиқ, чўмич, капгир.

Топшириқ. Ушбу гаплар таркибидаги уч нуқталар ўрнига қуйидаги уй-рўзгорга доир сўзлардан мосини қўйинг ва гапларни рус тилига ағдаринг.

1. Меҳмон келди, ... келтирилди. 2. Гўшти ... қиймалай бер. 3. Олдинлари чойни ... га дамланар эди. 4. Бир ... сув бўлса етади. 5. Икки ... сомса бир уй одамга етади. 6. Пичоқ ... ўчоқ бошида турибди.

Қўйиш учун сўзлар: *хонтахта, ошпичоқ, чойнак, чой-идиш, челақ, тандир, ўчоқ.*

94- машқ. Қуйидаги техникага доир сўз бирикмалари, атамалар иштирок этган гаплар тузинг, уларни рус тилига ағдаринг.

1. Турбовод, турбогенератор, универсал, учиш аппарати, электрон, электроника, электр сими, электр сизими, қаттиқлик, қисиб ишлов бериш, термит, тормоз, темир-бетон, сув омбори, сув ости кемаси, пресс, шатун, механизм, механик вакуум насос, метрополитен.

95- машқ. Ушбу матндан тиббиётга доир сўзларни топинг, маъноларини айтиб беринг.

Ич терлама ва дизентерия

Ич терлама ва дизентерия — ҳаёт учун хавфли, оғир юқумли касалликлардир. Бу касалликлардан ҳар бирини махсус микроб қўзғатади. Бунда одамнинг ичаклари, айниқса кўп зарар кўради.

Ич терлама ва дизентерия ифлос қўллар, ифлос тушган овқат ва қайнатилмаган сув орқали юқади.

Овқатни ифлос тушишидан сақлаш учун овқатланишдан олдин қўлни совунлаб ювиш, тоза идишдан тоза қошиқ ва санчқида ейиш керак. Овқатга ишлатиладиган сабзавотлар ва меваларни оқиб турган водопровод сувида ёки қайнаган сувда қунт билан ювиш лозим. Сув, лимонад ва бошқа ичимликларни яхши ювилган, тоза стаканларда ичиш керак.

96- машқ. Ушбу матннинг мазмунини сўзлаб беринг, ҳарбийга онд атамаларнинг тагига чизинг.

Собир Раҳимов

Собир Раҳимов 1902 йилда Тошкентнинг Тахтапул кўчасида туғилди. Унинг болалиги қийинчилик билан ўтди. У ёшлик вақтидаёқ отасидан етим қолди. Ҳар кимларнинг қўлида ишлашга мажбур бўлди.

Собир ўспиринлик йилларида тўқимачилик фабрикасида ишлади. Шу билан бир вақтда ўзбек билим юртининг тайёрлов бўлимида ўқиди. 1922 йилда Боқудаги отлич аскарлар мактабига кирди, орзуси — командир бўлиш эди. Уч йилдан сўнг Раҳимов Тошкентга қайтиб келди ва 14-отлич аскар дивизияси таркибида хизмат қилди. Собир Раҳимов 1936 йилда «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Собир Раҳимов Ватан урушининг биринчи кунларидаёқ фронтга жўнади. 1941 йилнинг сентябрида Ростов яқинида бўлган жангларда қатнашди. Кавказ тоғлари этагида бўлган жангларда иштирок этиб Кубань, Донбасс, Белоруссия орқали урушининг оғир йўлларини босиб ўтди.

1943 йилда Собир Раҳимов 37-гвардиячи ўқчи дивизияга қўмондон қилиб тайинланди. У Москвада Ҳарбий академияни тугатгандан кейин генерал унвонини олди. Гвардиячи генерал

Раҳимов шиддатли жанглар қилиб, Барановичи, Белосток, Граудец шаҳарларини фашистлардан озод қилди.

У қўмондонлик қилган шонли дивизия икки марта «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди. Собир Раҳимовнинг ўзи эса иккинчи даражали Суворов ордени, тўрт марта «Қизил Байроқ» ордени, «Қизил Юлдуз» ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланди.

Генерал Собир Раҳимов 1945 йилнинг 15 мартда Гданьск (Польша) учун бўлган жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан генерал-майор Собир Раҳимовга 1965 йил 6 майда Қаҳрамон унвони берилди.

Топшириқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Собир Раҳимов нечанчи йилда ва қаерда туғилган?
2. Унинг болалиги қандай ўтди?
3. У қаерда ишлади ва қаерларда ўқиди?
4. Отлиқ аскар дивизиясида қандай курашди?
5. У қачон фронтга кетди ва қандай жангларда иштирок этди?
6. Собир Раҳимов командирлик қилган дивизия қандай орденлар билан мукофотланди?
7. Собир Раҳимов қандай орден ва медаллар билан мукофотланди?
8. У нечанчи йилда ва қаерда ҳалок бўлган?
9. Собир Раҳимовга қачон Қаҳрамон унвони берилди?

2-§. Лексикология (греч. Lexis — сўз, logos — таълимот — учение о слове) — раздел языкознания, занимающийся изучением словарного состава языка.

Лексикология изучает одинаково звучащие, но разные по смыслу слова (омонимы), близкие по смыслу слова (синонимы), семантически противоположные слова (антонимы), перенос значения (метафору, метонимию, синекдоху) и многие другие явления языка.

Кроме того, лексикология как наука включает в себя этимологию (раздел, изучающий происхождение и историю отдельных слов), этнонимику (раздел, изучающий названия народов), топонимику (раздел, изучающий географические названия), а также изучение других лексических элементов языка.

3-§. Дублетлар — дублеты. Дублетами являются два или несколько слов, более или менее близких по значению и звучанию, связанных общностью происхождения и нередко возникающих в языке вследствие одновременного заимствования. Например, в русском языке *волесть* — *власть*, *сторона* — *страна*; в узбекском языке *арава* — *ароба* (арба), *баобрў* — *бобрў* (авторитетный); *беккик* — *берк* (закрыто), *масжид* — *мачит* (мечеть), *маъни* — *маъно* (смысл, значения), *набира* — *невара* (внук), *обрў* — *обрўй* (авторитет).

97- машқ. Ушбу дублет сўзлар иштирок этган гаплар тузинг; уларни рус тилига ағдаринг.

Баравар — баробар, батартиб — ботартиб, бойўғли — бойқуш, бунақа — бундоғ — бундай, бутунлай — бутунлайин — буткул, гадо — гадой, газлама — газмол, дирам — дирҳам, юма-лоқ — думалоқ, етказмоқ — еткизмоқ, ўтқазмоқ — ўтқизмоқ, каптар — кабутар, подшо — подшоҳ — шоҳ, рўбарў — рўпара, устод — устоз, чу — чуҳ, шойи — шоҳи.

На м у н а: *подшоҳ даври эди — шоҳ даври эди* — это было при царе.

Топшириқ. Ўзингиз саволлар тузинг. Саволларингиз таркибида *ўлтириш — ўтириш, ҳийлагар — ҳийлакор, тойганоқ — тойганчиқ — сирпанчиқ, санабар — санобар — санубар* дублетлари иштирок этсин. Сўнг саволларингизга ўзбекча жавоб қайтаринг.

На м у н а: *Ким ҳийлагар? Ҳийлакор ким?* — Кто плут?

— *Ҳийлагар бўлиб туғилган, шундайлигича қолади* — Родился плутом, останется таким.

98- машқ. Ушбу русча матни ўзбек тилига ағдаринг ва гап таркибидаги атамалар маъносини тушунтиринг, талаффузига диққат қилинг.

Письмо подруге

Здравствуй, Хилола!

Я часто вспоминаю о лагере. Как там было хорошо!

Я скоро перейду в четвертый класс. Учусь я на «4» и «5».

Завтра у нас в школе будет сбор. Вожатая Зоя расскажет нам о дне космонавтики. Потом мы посмотрим кинофильм о космонавтах.

Напиши, как твое здоровье, как ты учишься. Передай большой привет маме, папе и сестре.

До свидания! Твоя подруга Камола. (У.Т.)

4- §. Дублетларнинг турлари — типы дублетов. Существуют следующие разновидности дублетов: вариантная (двойная), фонетическая, морфологическая, синтаксическая, стилистическая.

1. Фонетик дублетлар — фонетические дублеты. Это фонетические варианты слов, различающиеся местом ударения и прибавляющимися или заменяющимися звуками. Например, в русском языке: *иначе — иначе, одновременно — одновременно*; в узбекском языке: *андоза — андаза* (копия, калька), *арзонгаров — арзонгиров* (дешево), *куй — куй* (мелодия).

2. Морфологик дублетлар — морфологические дублеты. Варианты слова, различающиеся словообразовательными и словоизменительными аффиксами при тождестве корня. Например, в русском языке: *зал — зала, волчиха — волчица, петуший — петушинный*; в узбекском языке: *сутдай — сутдек* (как молоко), *қиттай — қиттак* (немножко), *атайин — атайлаб — атайинлаб*

(специально), *кабобпаз* — *кабобчи* (шашлычник), *сўзчан* — *сўзамол* (оратор), *таржимон* — *тилмоч* (переводчик).

99- машқ. Ушбу фонетик дублетлар иштирок этган гаплар тузиб, уларни рус тилига ағдаринг.

Арасат — аросат, атлас — атлос, карта — қарта, говран — гаврон, гавжум — говжум, карсилламоқ — курсилламоқ, норози — норизо, арғумоқ — арғимоқ, мунчоқ — мўнчоқ — минчоқ атри — атр, дарча — дарича.

100- машқ. Ундош товушлар талаффузи ва уларнинг товуш алмашилиши ҳодисаси билан вужудга келган фонетик дублетлар иштирокида гаплар тузинг ва уларнинг талаффузига эътибор қилинг.

Жабр — жавр, работ — равот, салобат — саловат, совун — сабун, чивиқ — чибиқ, чивин — чибин, чипор — чувор, асп — асб, лақаб — лақам, қистов — қистоқ, бинафша — гунафша, севмоқ — суймоқ, ништар — наштар, дала — тала, дўппи — тўппи, қанд — қант, сақич — чақич, соч — чоч.

101- машқ. Ушбу дублетларни рус тилига ағдаринг.

Супурги — шипирги, смирмоқ — шимирмоқ, сувамоқ — шувамоқ, шувоқ — сувоқ, сочмоқ — чочмоқ, шиппак — чиппак, ечинмоқ — ешинмоқ, йилга — жилга, юган — жуган, юр — жур, угра — увра, бирга — билла, сарқит — салқит, соғин — соғим, сунбул — сумбул.

Топшириқ. Ушбу матнин ўзбек тилига ағдаринг. Таржима таркибда унли товушли дублетлар бўлса, тагига чизинг, маъноларини тушунтиринг.

Мой дядя

Мой дядя — Герой Труда. Он работает в колхозе. Он механизатор, собирает хлопок. За хорошую работу его наградили орденом.

В субботу дядя с тетей пришли к нам в гости.

— Дядя, расскажите о своей работе,— попросил мой брат.

Дядя рассказал о своем колхозе, о товарищах, о хлопке, о машинах.

Когда я вырасту, я тоже стану механизатором и буду собирать хлопок машиной.

Топшириқ. Ушбу гапларни ўзбек тилига ағдаринг. Таржима таркибда ундош товушли дублетлар бўлса тагига чизинг.

1. В начале учебного года. 2. Мощная техника. 3. Боевое знамя. 4. Он стал известным поэтом. 5. Как ты учишься? 6. Мы уничтожали вредных насекомых. 7. Мы выполнили свой долг. 8. Колхоз нам объявил благодарность. 9. Будь скромным, вежливым и трудолюбивым. 10. Воспитанный человек должен быть выдержанным. 11. Скромный человек одевается просто. 12. Фа-

тима с подругой обменялись мнением об этой книге. 13. Воспитанный человек никогда не грубит.

102- машқ. Ушбу матни ўзбекчага ағдариб, савол-жавоб қилинг. Таржимада дублет бўла оладиган сўзлар бўлса, тагига чизинг.

Отанинг ўз боласи билан суҳбати

— Сколько у вас сегодня было уроков?— Бугун сизда нечта (нешта) дарс бўлди?

— Пять.

— А какой урок был первый?

— Урок литературы.

— Что вы делали на этом уроке?

— Мы читали стихотворения.

— Какие стихотворения вы читали?

— Стихотворения о героях, о летчиках.

— А куда ты ходил после уроков?

— После уроков я с Эргашем ходил в библиотеку. Мы взяли книгу о космонавте Германе Титове.

— Молодцы! Вы должны много читать.

103- машқ. Ушбу морфологик дублетларнинг ўзак ва қўшимчаларини топиб, уларни сўз ҳолида рус тилига ағдаринг.

Зигирдай — зигирдек, игна — нина (дай, дек) — нинадек, мумдай — мумдек, арзийдиган — арзирли — арзигулик, келишим — келишув, битим — битишув, кўкимтир — кўкимтил, кўкиш — кўкчил, бандалик — бандачилик.

104- машқ. Ушбу дублет жуфтликларнинг қайси бир таркиби адабий тилда, қайси бири оғзаки сўзлашувда учрашини айтинг. Ушбу морфологик дублетларни рус тилига ағдаринг.

Поя — поча, зинапоя — зинапоча, ўйчан — ўйчанг, кўйлак — кўйнак, тунукасоз — туникачи, каштачи — каштадўз, мусиқачи — музикант — созанда, қайтадан — бошқатдан.

105- машқ. Ўзингиз дублетлар топиб, улар иштирокида 10 та гап тузинг. Гаплар асосида саволлар тузиб, уларни рус тилига таржима қилинг.

5- §. Кўп маънолилиқ — полисемия. Многозначностью, или полисемией (греч. poly — много, soma — знак), называется свойство слов, которые употребляются в разных значениях. Так, например, слово *кўз* (глаз) в современном узбекском языке имеет несколько значений:

а) *кўз* (глаз) — орган человека: *Бургут кўзи инсон кўзидан кўра узоқни кўради.* — Глаза орла видит дальше, чем человеческие. *Унинг кўзи соғ, яхши кўради.* — Его глаза здоровые, хорошо видят;

б) камень перстня: *Узукнинг кўзи қимматбаҳо тошдан эди.* —

Камень перстня был драгоценным. *Узукнинг кўзи тушиб кетган эди.*— Камень перстня выпал;

в) «деревянный» глазок: *Деразанинг бир кўзи ойнасиз эди.*— Оконная рама была без одного стекла. *Қурилишдаги ҳамма деразаларнинг кўзи стандарт бўлади.*— На стройке проёмы оконных рам стандартные; *Чиройли кўз тахталар мебель саноатида шифонерларнинг сиртқи гўзаллиги учун хом ашё вази фасини бажаради.*— Красивый срез дерева используется в мебельной промышленности для лицевой части шифоньера;

г) глазок родника: *Эски булоқнинг кўзлари очилди.*— Открылся глазок старого родника. *Булоқдан отилиб чиқаятган сув кўз ҳосил қиларди.*— Родниковая вода, вытекающая, образовала глазок озера.

Слово *труба*, например, в словосочетании *водопровод труба*си (водопроводная труба) имеет значение «длинный, пустотелый, обычно круглого сечения предмет». Трубой называется и духовой медный музыкальный инструмент с сильным звонким тембром: *Менинг ижодкорим! Трубани жаранглатиб чалганигда қулоқларни қоматга келтирдинг* (Творец мой! Оглушил, звонче всяких труб). Это слово употребляют и в таком специальном значении, как «канал в организме для сообщения между органами», например, *евстахиева труба*.

Таким образом, слово в процессе своего исторического развития, кроме исходного значения, может приобретать новое, производное значение.

Предметы могут обладать отдельными сходными признаками, качествами. В таких случаях название одного из них может служить наименованием другого. Так возникают новые значения слов. Например: *ер* — планета, *ер* — земля: *деҳқон ери* — дехканская земля, *ер* — *дунё* — мир; *ер*: *ерга* (пастга) *қаради* — посмотрел вниз; *ер-жой* (в значении «тело»); *ҳамма ерим* (жойим) *оғрияпти* — все тело болит.

Новые значения могут возникать:

а) на основе сходства (метафора). Например: по сходству внешних признаков: *бурун* (нос человека) — *бурун* (нос корабля); по форме предметов: *олма* (яблоко антоновское) — *олма* (яблоко глазное); по сходству ощущений, оценок: *иссиқ* (теплое течение) — *иссиқ* (теплое участие) и т. д.;

б) в результате сходства выполняемых функций (функциональные переносы наименований). Например: *қанот* (крыло): *қушнинг қаноти* — крыло птицы, *самолётнинг қаноти* — крыло самолета;

г) в результате ассоциаций по смежности (так называемые метонимические переносы (греч. *metonymia* — перенаименование). Например: *самовар* — самовар, *самовар* — чайхана; *қўл* — рука: *менинг қўлим* — моя рука, *қўл* — бармоқ (палец): *беш қўл баравар эмас* — пять пальцев не все одинаковы.

Таким образом, одно слово может иметь несколько значе-

ний, которые опираются на какие-то общие ассоциации (по сходству, по смежности, по функции).

106- машқ. Гапларни кўчиринг. Полисемантик сўзларни топиб, таржима қилинг ва маъносини тушунтиринг.

1. Оқ олтиндан тоғ-тоғ хирмонлар яратдик. 2. Дўстнинг юраги тоза, мусаффо бўлмоғи лозим. 3. Ўрик гуллади. 4. Тоғ чўққилари оппоқ қор билан қопланган. 5. Фан чўққиларини эгаллаймиз. 6. Навоий асарларини севиб ўқийман. Навоийни олдим қўлимга ... 7. Тирноққа зор. 8. Самоварда одам гавжум. 9. Дарахт шохларини бутадик.

107- машқ. Қуйидаги гапларни рус тилига ўгиринг, тил сўзининг маъноларини контекстга қараб аниқланг ва тушунтириб беринг.

1. Шифокор касалнинг тилини кўрди. 2. Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқдир. 3. Ўзбек тили ўзбек халқининг миллий тилидир. 4. Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. (Н.) 5. Болам, тилларингдан асал томади. (Я.) 6. А. Қаҳҳор ҳикояларининг тили равон, ихчам. 7. Агар қайтишда бир «тил»ни, яъни штаб офицерини ёки артиллерия офицерини қўлга олиб келсалар, бу ҳам чакки бўлмас эди.

108- машқ. Қуйидаги гапларнинг маъно тузилишини аниқланг. Полисемантизмнинг хусусиятларини тушунтиринг.

1. Унинг мардона очиқ, қуюқ, эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди. (О.) 2. Ўйларимда чақирар мени ўз ёнига қуёш, ой, юлдуз. (Ҳ. Пўлат) 3. Туядай бўй берибди-ку, тугмадай ўй бермабди сенга. (А. Мухтор) 4. Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни, Айтгин болам, борадиган жойингни. 5. Кўп ўйла, оз сўйла. (Мақол) 6. Душманим деб ўйлади, хонасига қўймади. (Эртақдан) 7. Адашиб қолмаслик учун эса қадамни ўйлаб бошиш керак. (Ф. Мусаёнов) 8. Ортиқ сал кўнглини юмшатганда ... Суюма билан ярашиб олишни ўйлади. (П. Қ.) 9. Юрагини ҳовучлаган қуёндек ўйламади уйни, жойни, болани. (А. Умарий) 10. Сиз мендан кўра қўйларингизни кўпроқ ўйланг, чўпон ака. (П. Қ.)

109- машқ. Переведите предложения на узбекский язык. Укажите полисемантические слова и их значения.

1. А орешки не простые, все скорлупки золотые, ядра — чистый изумруд. (П.) 2. На Волге было уничтожено ядро немецкой армии. 3. Катятся ядра, свищут пули, нависли хладные штыки. (П.) 4. В комнате висит люстра из бронзы. 5. В антикварном магазине продавалась старинная бронза. 6. Земля кружится вокруг своей оси и вокруг солнца. 7. Да здравствует мир во всем мире! 8. Девушка смотрела вниз (на землю) долго и не могла оторвать глаз от земли.

110- машқ. Бош сўзининг маъноларини изоҳланг, сўнг рус тилига ўғиринг. Кўп маънолик қандай йўл билан ҳосил бўлганлигини тушунтиринг.

1. Шоир бошини бирдан кўтарди. (О.) 2. Ақл ёшда эмас, бошда. (Мақол) 3. Кўчанинг у бошидан бу бошигача дарахт ўтқазилган. 4. Хўжалиkning бош агрономи — тажрибали деҳқон. 5. Дўст бошга қарар, душман оёққа. 6. Ҳар беш бош совлиқдан ўн беш кўзи олинди. 7. Сентябрь ойининг бошида пахта қийғос очила бошлайди. 8. Очилган пахтани бир бошдан терадилар. 9. Сўз санъатининг бошланиши фольклордадир. 10. Бир бош пишган узум узилди. 11. Боланинг бошини айлантирманг . . . Кимнинг бошини айлантирибди. (А. Қ.) 12. Кампиримга йўлдош, етим гўдақларимга бош бўлади бу қизим. (О.) 13. Кампир тоғара бошида туриб, чақалоқни овутмоқчи бўлди.

111- машқ. Қуйидаги матни рус тилига ўғириб, полисемантик сўзларнинг маъно қирраларини тушунтиринг.

1. Шўх йигитлар ўйинчига хушомад қилишар, қийқаришар эди (ўйинчи — танцовщица). 2. Каптарнинг ўйинчиси ўртада ғоз турарди (ўйинчи — легко, приятно летающий). 3. Уста ўйинчи тошчаларнинг ва чуқурчаларнинг аниқ ҳисобини олиб кўчади. (ўйинчи — игрок). 4. Болалар театрининг олдига келганларида, ўйин бошланишига учинчи сигнал — қўнғироқ ҳам берилган эди. (ўйин — представление). 5. Ҳар ҳолда тақдирнинг бунчалик ўйинлари (ўйин — злая шутка) турганда биз нима ҳам қила олар эдик. 6. Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар. (Мақол)

112- машқ. Уқинг. Кўчган маънода ишлатилган сўзларни топинг, сўнгра маъно кўчиришининг асосий типларини: предмет белгилари орасидаги ўхшашликка асосланган маъно кўчиришини, функционал ўхшашликка асосланган маъно кўчириш, метафора ва тушунчаларнинг бир-бирига яқинлигига асосланган маъно кўчиришини, яқинлигига кўра маъно кўчиришини аниқлаб чиқинг.

1. Тирноқ-ла ер ўйиб, сувлар оқизган. (Файратий) 2. Ҳайқариб оққан сув дарёнинг қирғоқларини ўйиб, тинмай кемириб туради. 3. Наққош ўяр сўнгги нақшин. (Э. Р.) 4. Мана шу ёлғиз қўлим билан малъун Жапақнинг кўзини ўяман. (Н. Мух.) 5. Роҳила қизнинг биқинини ўйиб олади. 6. Алим бува мингбошини яхшилаб ўйиб олди. (М. Исм.)

На м у н а: *танбур-тамбур: Турғун Алиматов танбурни зўр чертади.* — Турғун Алиматов отлично играет на танбуре. *Ким танбурни зўр чертади?* — Кто отлично играет на танбуре?

6- §. Маъно кўчиши-метафора. Метафора (греч. «перенос») — троп, состоящий в употреблении слов и выражений в переносном смысле на основании сходства, аналогии и т. п.

Метафора может быть основана на гиперболическом преувеличении качеств или признака (гипербола метафорическая). Например: *совуқ уруш* — холодная война; *тулки одам* — хитрый (как лиса) человек; *У кучли Геркулес.* — Он сильный, как Геркулес.

113- машқ. Ушбу шеърни ёд олинг. Шеър таркибида метафора сифатида келган сўзлар тагига чизиб, маъноларини изоҳланг.

Тўққизинчи май
(Қисқартириб олинди)

Бугун билсанг, озод қалбларнинг
Қувончларга тўлган кунидир.
Бизни ютмоқ бўлган аждарнинг
Қийма-қийма бўлган кунидир.

Солдатларнинг шонли қиличи
Мажақлади аблаҳнинг бошин.
Ғолиб келди миллионлар кучи,
Қим тўсолсин ҳурлик қуёшин.

Озодликнинг янги тонги бу,
Шодиёна яшаймиз яна.
Ғолибларнинг байроғи мангу
Жаҳон узра қилур тантана.

(Зафар Диёр)

114- машқ. Ушбу метафора ҳолатида, яъни маъно кўчиши билан келган бирикмалар ва сўзлар иштирокида гаплар тузнинг ва уларни рус тилига ағдаринг.

Н а м у н а: *темир маҳлуқ; Темир маҳлуқларнинг овози бор-лиқни ларзага солди.*

Думи бор, хўроз одам, бўри қараш, туёқ, бош, олма, хўкиз, ватан.

115- машқ. Ушбу шеър таркибида маъно кўчиши қайси сўзларга тушгани ва улар қандай вазифани бажариб келганликларини дафтарингизга ёзинг.

Ўзбекистон

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда ...

Ухшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон,—
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол.

Ботирлари канал қазади,
Шоирлари ғазал ёзади.

Куйчилари ўқийди ялла,
Жувонлари айтади алла.

Шундай ўлка донм бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.
Омон бўлсин оғайнилари,
Омон бўлсин дўстларнинг бари.

(Ҳамид Олимжон)

Топшириқ. Ушбу савол-жавобни ўзбек тилига ағдариб, улар таркибига метафорик сўзларни киритинг, маъноларини тушунтиринг.

- Здравствуй, Шараф.
- Здравствуй, Фахриддин.
- Шараф, почему ты вчера не был в школе?
- Я болел, ходил к врачу.
- Я что у тебя болело?
- У меня болело ухо.
- Тебе выписали лекарство?
- Да. Я пошел в аптеку и купил лекарство.
- Вот и хорошо. Поправляйся, Шараф.
- Спасибо, Фахриддин.

На мун а:— *Кеча ваъдага вафо қилмадинг — ўйинга келмадинг?*— Вчера свое слово не сдержал — не пришел на игру?
— *Кеча ғишт эдим.*— Вчера стал как кирпич (много выпил водки).

Топшириқ. *Этак, ёқа, бўйин, бўғоз, тиш; машина, бино, радиатор, глушитель, буфер, қанот, тиргович* сўзлари иштирокида гаплар тузинг. Тузган гапларингизда қатнашган ушбу сўзлар янги маънога кўчсин.

На мун а: *ёқа* — воротник (сорочки): *У дарё ёқасида ўтирибди.*— Он сидит на берегу реки.

116- машқ. Ушбу гапларни ўзбек тилига ағдаринг. Гаплар таркибдаги қайси сўзлар метафора бўла олиши мумкинлигини улар тагига чизиш билан кўрсатинг.

1. Спортивная площадка построена учениками. 2. Книга прочитана Мумином. 3. Это здание построено строителями. 4. Хлопчатник посеян машинами. 5. Учащимся выданы библиотекарем новые книги. 6. Трактор отремонтирован механиком. 7. После окончания школы я буду столяром. 8. Мой брат в этом году стал студентом. 9. Отец Шуры был рабочим, а теперь стал инженером.

7- §. Метонимия — троп, состоящий в том, что вместо названия одного предмета дается название другого, находящегося с первым в отношении ассоциации по смежности. Например: *Студентларнинг қабули давом этмоқда* — студентларнинг янги қабули — идёт приём студентов — новый приём студентов; *кумушдан ясалган қошиқ* — кумуш қошиқ — ложка из серебра —

столовое серебро; *намунали синф* — *ўқувчилари одобли синф* — образцовый класс — дисциплинированный класс; *Қодирий асарларини ўқидим* — *Қодирийни ўқидим* — прочел произведения Кадири — прочел Кадири и др.

117- машқ. Ушбу суҳбат таркибидан метонимия ҳодисаларини топинг. Саволларга оғзаки жавоб қилинг.

Шаҳар томошаси

- Биз марказий майдонда турибмиз.
- Бу қайси кўча? (Бу кўчанинг номи нима?)
- Бу Навоий кўчаси.
- Навоийми? Жуда яхши, бу қайси майдон?
- Бу Мустақиллик майдони.
- Мустақиллик?
- Ҳа.
- Мана бу қаршимиздаги қандай бино?
- Бу ҳукумат уйи. Мана бу бино — Жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси.
- У чиройли бино экан, қачон қурилган? Бу биноларнинг ҳаммаси Тошкент зилзиласидан кейин қурилганми?
- Ҳа, бу бинолар зилзиладан кейин қурилган.
- Бу Алишер Навоий номидаги катта театр бўлса керак. Жуда чиройли бино экан. Бинонинг ички кўриниши ҳам чиройлими?
- Ҳа, бинонинг ичини республиканинг атоқли усталари бешашган. Мана бу Ҳамза номидаги академик драма театри.
- Ҳамза номли театр шуми?
- Ҳа, шу.
- Бу бино қачон қурилган?
- Бу бино 1968 йилда қурилган.
- Вокзал олис эмасми?
- Ҳозир биз вокзалга борамиз. Ана вокзалга ҳам етиб келдик. Мана бу ҳайкални томоша қилинг.
- Биз «Роҳат» кўлига ҳам борамизми?
- «Роҳат»га борамиз.
- Метро саёҳатини Навоий номли бекатдан бошлаймиз.
- Навоийдан бошламаймиз, Ойбекдан бошлаймиз.
- Бу қайси бекат?
- Навоий номли бекат.
- Бу бекат жуда чиройли экан, менга ёқди. Шоир ва ёзувчилар номи билан аталувчи бошқа бекатлар борми?
- Ҳа, бор. Энди Ҳамид Олимжон, Максим Горький, Пушкин, Ҳамзаларга ҳам борамиз.
- Мени шаҳар билан таништиргангиз учун катта раҳмат.

Топшириқ. *Ўзингиз стакан, машина, чойхона, кино, концерт, кўприк, йўл, она, тил, коса* сўзлари иштирокида метонимияли гаплар тузинг.

Н а м у н а: *Бир стакан сув ичдим — бир стакан ичдим.*

Топшириқ. Ушбу саволларга метонимия ҳодисаси орқали жавоб қилинг. Савол ва жавобларни ўзбек тилига ағдаринг.

Разговор двух друзей

— Тахир, о чем ты думаешь?

— Я думаю о каникулах.

— А что ты будешь делать летом?

— Я поеду к брату в Ташкент. А ты куда поедешь, Шавкат?

— Я поеду к бабушке в колхоз.

— А что ты там будешь делать?

— У бабушки есть корова, коза и кролики. Я буду ухаживать за ними. Я буду купаться в реке и играть с товарищами.

— А я в Ташкенте похожу в театры и музеи.

118- машқ. Гапларни ўқинг. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб, кўчириб ёзинг, кейин ажратилган сўз ва гапларга савол бериб, жавоб айтинг. Гапларни рус тилига ағдаринг.

1. Мен геометриядан уйга берилган масалани тез ва тўғри... . 2. Насриддин қисқа гапирди, чунки унинг вақти... . 3. Мен хонага кирганимда, баъзи спортчилар терларини артиб ўтирар, баъзилари... . 4. Володя мусобақадoshларига парво қилмасдан олға... . 5. Трибунадаги кишиларнинг юзи жиддий, чунки улар спортчиларни... .

Нуқталар ўрнига қўйиш учун сўзлар: *интилар эди, кузатар эдилар, кийинар эди, зиқ эди, ҳал қилдим.*

119- машқ. Қуйидаги саволларни ўз маъноларидан бошқа маъноларда қўллаб гаплар тузинг. Тузган гапларингизни рус тилига ағдаринг.

Кўз, учқун, қовоқ, тарвуз, қовун, бўри, тулки, айиқ, хўкиз, қармоқ, аччиқ, нордон, ёғоч, темир, йўл, бош, қош, булоқ, ҳуржун, халта, челақ, сузма, совуқ.

8- §. Синекдоха (греч. «соподразумевание») — троп, состоящий в замене названия целого названием какой-либо его части. Например: *... и слышно было до рассвета, как ликовал француз* (М. Лермонтов) (*француз* вместо *французы*). Синекдоха не является тропом в собственном смысле слова, так как представляет собой один из приемов словоупотребления.

120- машқ. Ушбу сўзларни синекдоха талабига кўра гаплар таркибига киритинг, предметнинг қисм номи билан ёки аксинча, қисмининг бутун предмет номи билан келишини ёзиб кўрсатинг.

Тирноқ, туёқ, калла, қўл, оқсоқол, шафтоли, олма, ўрик, гилос, ёнғоқ, ошқовоқ, қизилча.

Н а м у н а: *Хўжаликда туёқлар сони неча мингта?* (моллар сони демоқчи).— В хозяйстве сколько тысяч голов скота?

Топшириқ. Ушбу савол-жавоблар асосидаги суҳбатни рус тилига ағдаринг. Синекдохага учраган сўз ва сўз бирикмаларининг кўчган маъноларини тушунтиринг.

— Сизнинг ҳовлингизда қандай мевалар бор? Шафтоли ҳам борми?

— Ҳа, луччагидан бор.

— Шафтоли қиладими, ширинми?

— Ҳа, қизил шафтоли яхши мева қилади. Шафтолиси ширин.

— Анор-чи? Неча туп бор?

— Ун туп бор. Ҳозир анор етилмаган.

— Фарғонани мевазорлар водийси дейишади. Узум, олча, гилоснинг жуда кўп навлари бор эмиш, шу ростми? Мен бу ерларда биринчи бўлишим.

— Ҳа, меваларнинг ҳамма тури бор бу ерда. Бу йил беш юз тонна ўрик, минг тонна олма олдик. Кузда яна ўрик, олма, гилос кўчатларидан тўрт юз минг туп эймоқчимиз.

— Суҳбатингиз учун раҳмат сизга!

— Арзимаёди, сизга ҳам раҳмат.

Топшириқ. Ўзингиз синекдоха ҳодисаси асосида 10 та гап тузинг.

На м у н а: *Икки жойга ошқовоқ экиб қўйган эдим, ошқовоқ солибди. Бу йил роса ошқовоқ ейдиган бўлдик-да.*

9-§. Маиший ва уй-рўзғор буюмлари номлари (лексика бытовая). Бытовая лексика узбекского языка означает совокупность слов и терминов, употребляемых в быту. Например: *ип* — нитка, *пичоқ* — нож, *қайчи* — ножницы, *қошиқ* — ложка, *кунжара* — жмых, *ош* — плов, *мих* — гвоздь, *жўмрак* — кран, *қозон* — котел, *қафас* — клетка, *дарвоза* — ворота и др.

121- машқ. Ушбу матн таркибидан уй-рўзғор буюмларига тегшли сўз ва атамаларни топинг. Уларнинг русча атамаларини ёзинг.

Юмуш

Назира ошхонага кирди. Музлатгични очиб гўшт олди. Ош-пичоқни топа олмай бироз гаранг бўлди. Ахири, ўтмас бўлиб кетган бўлса ҳам гўштмайдалагични олиб, қийма қила бошлади. Орадан оз фурсат ўтгач, кесма оши ҳам тайёр бўлди. Шу заҳоти Ёқубжон қўлтиғида бўлка, гижда нон кўтариб ошхонага кирди. Пичоқ, қайчи, ошпичоқ, теша, бел, паккилар ўралган қозони очиб, хотинига берди:

— Мана, рўзғор асбобларини чархлатиб келдим, олинг,— деди.

Топшириқ. Ушбу сўз ва атамалар иштирокида гаплар тузиб рус тилига таржима қилинг.

Супра, дастурхон, хонтахта, хокандоз, оташкурак, чўмич, ликопча, хум, чакич, кўза, чархак, белча, пойтеша, ўроқ, угра, шавла, лағмон, гўжа, гўжа бўтқа, нонпалов, ўмоч, ширчой.

10- §. Техникага доир сўзлар (лексика техническая). В лексическом составе узбекского языка есть много широко употребляемых техницизмов. Например: *ошлаш* — дублирование, *оқизма тўғон* — водосливная плотина, *тўқиш* — вязание, *тўртқутблик* — четырехполюсник, *сидиргич* — протяжка, *силжиш* — сдвиг, *кескич* — резец, *машина мойлари* — машинные масла, *машина тили* — машинный язык и др.

122- машқ. Ушбу луғатдаги русча ва ўзбекча атама ва сўз бирикмаларини ёд олинг. Буларнинг бажарадиган вазифаларини ёзма ҳолда изоҳланг. Изоҳлар ўзбек тилида бўлсин.

Переходный участок уширения — кенгайтирилган қисмга ўтиш жойи. Бутун йўл масофаси мобайнида бурилиш ва тўғри қисмларда йўл қатнов қисмининг кенгайтирилиши.

Проектная линия — лойиҳа чизиғи.

Уклон — нишаб. Чизиқ ёки текисликнинг раво ётиқликдан фарқ қилиши.

Продольный уклон — бўйлама нишаб. Лойиҳа чизигининг бўйлама йўналишда раво ётиқликдан фарқланиши.

Кривая вертикальная — юқорилама эгрилик чизиғи. Ҳам бўйлама, ҳам кўндаланг кесимда турли қияликка эга кесим ва доираларда кесмаларнинг тарзи.

Вогнутая кривая — ботиқ эгри чизиқ. Пасайишдан кўтарилишга, қия кўтарилишдан тик кўтарилишга ёки қия пасайишдан тик пасайишга ўтишда бўйлама кесим нишаблиги ўзгаргандаги юқорилама эгрилик.

Выпуклая кривая — қабариқ эгрилик чизиғи. Кўтарилишдан пасайишга, тик кўтарилишдан қия кўтарилишга, тик пасайишдан қия пасайишга ўтишда бўйлама кесим ўзгаргандаги юқорилама эгрилик.

Поперечный уклон — кўндаланг нишаблик. Қатнов иштирокчилари фойдаланадиган барча тузилма қатламлари (нишабликдан ташқари) ва иншоотлар сатҳини ҳам қўшиб ҳисоблагандаги ҳар бир йўл унсури бўйлама ўқига нисбатан бўйлама кесимдаги қиялик.

123- машқ. Ушбу луғат таркибидан ўзбекча техник сўз ва сўз бирикмаларини толиб, ўзингиз гап тузинг.

Уклон виража — бурилишдаги бир томонлама нишаблик. Тўғри қисмдаги кўндаланг қияликка нисбатан катта ҳажмга эга бўлган қатнов қисмининг бурилишдаги бир томонлама кўндаланг қиялиги.

Односторонний уклон — бир томонлама нишаблик. Кўндаланг қиялик, у иншоотнинг ҳар бир қисми четига бутун эни бўйича туташади.

Двухсторонний уклон — икки томонлама нишаблик. Иншоот ўрта қисмидан ҳар икки чеккаси томон кетган томсимон кўндаланг нишаблик.

Изменение проезжей части — қатнов қисмининг ўзгариши. Кўндаланг нишаблик ўзгаргандаги кўндаланг кесимнинг ўзгариши.

Участок отгона виража — бурилишдаги бир томонлама нишабликка ажратилган оралиқ. Йўл қисми, унда нишаблик ўзгарганда кўндаланг кесим текислигининг ўзгариши рўй бе-ради.

Переходная наклонная плоскость — қияликка ўтиш жойи. Қатнов қисми ёки чекка минтақа қирғоғининг улар кўндаланг нишаблиги ўзгаргандаги кўтарилиши ёки пасайиши.

Отгон виража — бурилишдаги бир томонлама нишаблик-нинг ўзгариши.

Дополнительный уклон — қўшимча нишаблик.

Участок переходной наклонной плоскости — йўлнинг кўта-рилиш ёки пасайиш қисми.

Топшириқ. Ушбу сўз ва атамалар қатнашган гаплар тузинг.

Завод, бирлашма, бошқарма, фабрика, мотор, шатун, кран, бульдозер, экскаватор, кўтаргич кран, ўрмаловчи машина, ра-кета, ернинг сунъий йўлдоши, космодром, космонавт учувчи, ўт ўчирувчи, машинасоз.

124- машқ. Ушбу матн таркибидан тиббиётга доир сўз ва атамаларни топиб, рус тилига таржима қилинг.

Доривор ўсимликлар ширкати 10 гектар майдонга етгулик уруғлик гамлаб қўйишди. Бундай доривор гиёҳларга ҳорижий давлатларда эҳтиёж катта. Зеро, ҳозирги кунда ошқозон-ичак, буйрак, асаб, қон босими, ичбуруғ, юрак-қон томири хасталик-ларига даво бағишловчи дори-дармонлар тайёрловчи хом ашё-га жумҳуриятимизда тақчиллик сезилаётир.

Доришunosлар келгусида ширкат ишини янада кенгайтириб, эҳтиёждан ортган хом ашёни чет мамлакатларга— керакли тиббиёт асбоб-ускуналари, жиҳозлар айирбошлаш учун юбо-ришни мўлжаллашмоқда. («Ўзб. о.» дан)

125- машқ. Ушбу матнда учровчи тиббиётга оид сўзларнинг тагига чи-зинг, уларнинг маъноларини шарҳлаб, матни ўзбек тилига ағдаринг.

Организация лечебно-профилактической помощи рабочим предприятий района не носила системного характера, так как терапевтические участки и здравпункты были закреплены за разными территориальными поликлиниками. Формально за цеховыми участками были закреплены и врачи узких специальностей территориальных поликлиник, но они помогали цеховым врачам в основном при проведении профилактических осмотров и консультаций.

126- машқ Қуйидаги матни ўқинг, тиббиётга тааллуқли сўз ва термин-лар тагига чизинг, мазмунини айтиб беринг ва саволларга жавоб қайтаринг.

Трахома

Исмоилнинг боши оғриб қолди. Иккала кўзи қизарди, оғриқ пайдо бўлди, эрталаблари йиринг ажрала бошлади. Бир-мунча вақт ўтгач Исмоилнинг кўзи хиралашиб қолди, у ўқиш ва ёзишда қийналадиган бўлди. Шифокор унинг трахома (шил-пиқ) билан касал бўлганини аниқлади.

Ўқувчи! Агар сенинг кўзинг оғриб қолса, бу ҳақда тезлик билан ота-онангга ёки ўқитувчингга айт.

Трахома кўзнинг юқумли касаллиги эканини унутма! Агар унга даво қилинмаса, одам кўр бўлиб қолиши мумкин. Бу касаллик билан оғриб қолмаслик учун алоҳида сочиқ ва ўрин-кўрпа бўлиши керак.

Саволлар

1. Исмоилга нима бўлди?
2. Трахоманинг белгилари қандай?
3. Нима учун Исмоилнинг кўзи хиралашди?
4. Трахомани даволамаса қандай ҳодиса рўй бериши мумкин?
5. Қандай қилиб бу касаллик юқишининг олдини олиш мумкин?

Топшириқ. Ушбу сўз ва сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Шприц, укол, тиш оғриғи, кўкйўтал, ичбуруғ, сариқ касал, бўғма, бод, шамоллаш, оёқ оғриғи, бел оғриғи, аделфан, этазол, биомидин, пенициллин, новоканн.

11-§. Ҳарбийга оид сўзлар — лексика военная. В узбекском языке активно употребляются военные термины, например, общевоисковые.

127- машқ. Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига ўғиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Храбрость, подписывать, основа, быть основой, внутренний, беспощадный, защищать, неприкосновенный, ответственность, заняться искусством.

128- машқ. Ушбу матн таркибидан ҳарбийга доир сўз ва атамаларни топиб, тагига чизинг, мазмунини айтиб беринг.

Гвардиячи сержант Эркабой Мирзаев оддий қисмда оддий аскар бўлиб юрганида, командир бир куни «Ма, қора қош, қора кўз йигит» деб кичкина бир совға берди.

Мирзаев командирнинг гапига ҳайрон бўлиб қараса, бу гап совғага ёзилган адресда бор экан: «Ҳарбий фронт, ўнтадан ортиқ фашистни ўлдирган қора қош, қора кўз йигитга тегсин».

Совғада 200 граммча тамаки, битта батист рўмолча, кўк конвертга солинган хат: «Ўртоқ Қизил Аскар! Тамакини ўртоқларингиз билан чекинг, рўмолчани урушдан кейин сўраб оламан. Латофатхон Ғуломова».

Мирзаев шошиб қолиб, бир кунда Латофатга иккита хат

ёзди. Иккала хатга ҳам тезда жавоб келавермади. Шундан кейин бу гапларни эсидан чиқаришга ҳаракат қилди. (А. Қ.)

Топшириқ. Ушбу ҳарбий терминлар ва сўз бирикмаларини таржима қилиб, изоҳланг.

Боевой приказ, боевое питание, боевой порядок, бой, боевой расчет, разведка, развод караула, рота, войско, рикошет, расчет, штык, цель, бегом, автомат на грудь, бегом марш, вольно, заряжай! к бою!, назад!, налево — равняйся!, на месте шагом — марш!

Намун а: цепь — «занжир» (бир чизикда жойлашган ҳарбий хизматчиларнинг орасида бир неча метрли масофага чўзиладиган жанговар сафланиш тартиби).

129- машқ. Ушбу ўзбекча ҳарбий сўз ва сўз бирикмаларини рус тилида изоҳланг ва улар иштирокида ўзбекча гаплар тузинг.

Жанговар тайёргарлик, жанговар отиш, жанговар машина, армия, қўшин, босиб олиш, ҳужум, чекиниш, тасодифий ҳужум, қўл жанги, қарши жанг, найзабозлик, кузатув минораси.

Намун а: *Ўт очиш чегараси* — граница ведения огня — линия на местности, с пересечением которой разрешается или заканчивается ведение огня.

130- машқ. Ушбу ўзбекча ҳарбий буйруқ-топшириқ сўз бирикмаларини ёд олинг.

Автомат кўкракка олинсин! Югур(инг), Иккитадан бўлиб колоннага сафга туринг!, Бир қатор бўлиб сафланинг!, Эркин ҳолатда туринг!, Олга!, Олдинга!, Орқага қайтинг!, Орқамдан юринг!, Қийим-бошингизни тузатинг!, Орқага ол(инг), Нотекис қадам билан юрилсин!, Соқчилар, қуролланинг! Ётинг!, Орқага қайт(инг)!, Тўғрига ростланинг!, Уқлар чиқариб олинсин!, Тўхтатинг! Асло йўқ!, Уннга бурилинг!, Уйқуга ётинг!, Тарқалинг!, Командамни эшитинг!, Ётинг!, Сафдан чиқинг!

131- машқ. Ушбу гаплар таркибидан байналмилал сўз ва сўз бирикмаларини топинг.

1. Танк армияси асосий жанг воситаси бўлиб, у фронт қўшинларни зарбасининг кучидан ... дарак берар эди. 2. Квантун армиясининг эшелонлаштирилган характери, фикримизча, шундан дарак берар эдики... 3. Йиғма полк орти пиёдалар ротаси, бир артиллериячилар ротаси, бир танкчилар ротаси, бир учувчилар ротаси ва отлиқ аскарлар, сапёрлар, алоқачилардан иборат йиғма ротадан иборат бўлсин. 4. Полкнинг бутун таркибига парад кийими Москвада берилади. (Б.Шт.)

12- §. Илм-фанга оид сўзлар — лексика научно-техническая. Роль нейтральной лексики очень велика: она связывает разные стили, объединяет языки в один литературный, она отражает

научный стиль языка; обслуживает производство и технику. В отличие от нейтральной лексики, специальная лексика, включающая термины и профессионализмы, обслуживает сферы производства, науки, техники, искусства. Термин служит названием специального понятия, и поэтому он является прежде всего достоянием науки и необходимым элементом научного языкового стиля.

132- машқ. Ушбу суҳбат асосида савол-жавоб қилинг.

Суҳбат

— Адҳам, сиз мана бу русча сўзларнинг маъноларини айтиб бера оласизми?

— Айтиб бераман.

Диспетчер — йўлламачи.

Достоверный — шубҳасиз тўғри, аниқ, ишончли.

Поездка — қатнаш, бир бориб келиш.

Затрата — харажат, сарф, чиқим.

Заправка — тўлдириш, қуйиш.

Использование — фойдаланиш, қўлланиш.

Инвестиционный — бирон йирик ишга маблағ сарфлаш.

Критерий — мезон, меъёр.

Координация — ўзаро мувофиқлаштириш, ўзаро мослаш.

Капитальный — тўлиқ, асосий, бош, туб, тубдан.

Кредит — қарз.

Концепция — фикрлаш тизими, қарашлар тизими, тушуниш, асосий фикр, моҳият.

Лимит — нормадаги миқдор, бирор нарсанинг муайян меъёр чегараси.

— Сиз ҳам мен айтган ушбу сўзларга ўзбекча жавоб қилинг-чи, бир кўрайлик.

— Хўп бўлади. Бу илмий-техникавий сўзларингиз менга беш қўлдай аён, эшитинг:

Эксплуатационная служба — фойдаланиш хизмат бўлими.

Техническая служба — техника хизмати кўрсатиш бўлими.

Коэффициент выпуска автомобилей — автомобилларни чиқариш коэффициенти.

Дублер — қайта кўрсатувчи.

Вместимость номинальная — белгиланган тўла сифим.

Техническое обслуживание и ремонт — техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

Обкатка — чиниқтириш.

Рационализация — оқилона ташкил этиш.

— Жуда яхши. Сиз мендан ҳам яхши билар экансиз. Техника ва фан тараққий қилаётган ҳозирги пайтда бундай атамаларни билиш яхши-да. Қани ушбу фан-техника атамаларини ҳам ўзбекчага ўғиринг-чи.

— Хўп бўлади.

— Марҳамат.

Мотивация — сабаб, важ.

Маршрут — йўналиш, босиб ўтиладиган йўл, қатнов йўл.

Назначение — белгиланган мақсад, топшириқ, вазифа, хизмат, иш.

Непосредственный — бевосита, воситасиз, тўғридан-тўғри, воситачисиз.

Номинальный — белгиланган, яхлитланган.

Норматив — меъёрга мувофиқ белгиланган норма

Оперативный — тезкор, чаққон.

Осуществление — амалга ошириш.

Оборот — айланиш, бориб-келиш, қатнашнинг тескариси.

Объективный — холис, беғараз, холисона, кишининг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган.

— Қойилман. Келинг. Сиз ҳам ушбу атамаларнинг ўзбекча мазмунини айтиб беринг-чи.

— Шуларними, ҳозир айтиб бераман:

Органически — узвий равишда, узвий.

Обобщение — умумий хулоса чиқариш, умумлаштириш, бирлаштириш.

Обслуживание — хизмат кўрсатиш.

Простой — бекор туриш, бекор тўхтаб туриш, бўш туриш.

Провозной — юк олиб бориш, юк ташишга оид.

Положение — низом, қоида.

Продолжительность — давом этиш (чўзилиш, узунлик, узоқлик).

Резерв — қўр-қут, эҳтиёт, заҳира.

Ресурс — қўр, манба, бойлик, чора, илож, имконият.

Рейс — қатнов, сафар.

Капитальный ремонт — тўлиқ таъмирлаш.

Операция — бажарилган айрим ишлар.

Длина ездки — бир қатнашдаги масофа.

Длина ездки с грузом — юк билан юриш масофаси.

Время в наряде — йўлда ишлайдиган вақт.

Звено управления — бошқариш бўғини.

Иерархия — босқичма-босқич бўйсунуш.

Аппарат управления — бошқарув маъмурияти.

Отчисление — чегирма.

Топшириқ. Фан-техникага доир ушбу сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Тузган гапларингизни рус тилига ўгиринг.

Компрессор, компрессия, компьютер, лабиринт, насос, лава, макет, микрон, молекуляр насос, музёрач, навигация, озуқа тарқатгич, оксидлаш, паркет, парма, паром, гидрошахта, гидравлика, гидрономия, гипс-бетон, паровоз, детонация, тиббиёт, табиёт, физика, грамматика, агрокимё, биофизика, органика.

133- машқ. Ушбу матн таркибидан илм-фан, техникага доир сўз, атама ва сўз бирикмаларини топиб, тагига чизинг. Матнни ўзбек тилига таржима қилинг.

В условиях новой системы врачи стали активно госпитализировать больных. В центр ежедневно поступают заявки на госпитализацию больных от цеховых врачей и врачей-специалистов, так как здесь, в центре, передаются выделенные места в специализированных отделениях города для больных района через городской центральный диспетчерский пункт. При переходе на новую форму медицинского обслуживания рабочих не нарушались их конституционные права о выборе места лечения.

Топшириқ. Ушбу матн таркибидан илм-фан, маданиятга доир атамаларни топиб, тагига чизинг. Матнни русча ҳикоя қилинг.

Улуғ сиймога бағишланади

«Мир Алишер». Бу китоб Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасида очилган кўргазмага қўйилган. Кўргазма стендларида мамлакатимиз ва жаҳон халқларининг ўнлаб тилларида нашр этилган 400 дан ортиқ китоб ва журналлар мавжуд. Булар орасида 1785 йилда Венада босилиб чиққан «Форс подшоларининг тарихи» китоби бор. Бу асар Навоий ижодининг энг қадимги нашрларидан биридир. У билан ёнма-ён немис тилида нашр этилган «Фарҳод ва Ширин» китоби қўйилган. Достонни адиб Альфред Курелла таржима қилган. «Навоий афоризмлари» китобчаси Варшавада, «Фарҳод ва Ширин» достони Будапештда нашр этилган эди. 1991 йилда буюк шоир, беназир забоншунос, беқийё шарқшунос, зукко тарихчи, тенгсиз мантиқшунос, нозик дидли мусиқашунос, ўткир файласуф А. Навоийнинг таваллуд топганига 550 йил тўлиши нишонланди. Буюк мутафаккирга бағишланган китоб ва рисоалар, драма асарлари чоп қилинди. Навоий номидаги Давлат кутубхонасида кўргазмалар ташкил этилди; асарларининг тўла томлари нашрдан чиқарилди, шоирга атаб ҳайкаллар ва бошқа ёдгорликлар очилди.

134- машқ. «Деҳқонга мададкор» матни таркибидаги қишлоқ хўжалиги, техникага оид атама ва сўз бирикмаларини, қисқартмаларни изоҳланг, тўғри талаффузига диққат қилинг.

Деҳқонга мададкор

Кейинги йилларда миришкор деҳқонлар оғирини енгил қилувчи бир қатор мукамал агрегатлар яратилди. Бунда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конструктор ва муҳандисларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда корхона жамоаси яна бир қатор янги хил трактор намуналарини яратиш устида жиддий изланишлар олиб борапти. Кенг қамровли ер ҳайдовчи агрегатни сошлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

«ТТЗ-60» деб аталган мазкур янги машина аввалги тракторлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Уни яратишда замонавий конструкцион янгилликлардан фойдаланилди. Мутахассисларнинг фикрича, «ТТЗ-60» агрегати Липецк трактор заводи чиқарган «Т-40» тракторидан қолишмайди. Шунингдек, уни Владимир трактор заводи чиқарган «Т-30» агрегатига бемалол тенглаштириш мумкин.

135- машқ. Қуйидаги матн таркибидан техникага доир атама ва сўз бирикмаларини топиб, рус тилида изоҳланг, ўзбекча талаффузига эътибор беринг.

«Шпюль» тажрибаси асосида

Швейцариядаги «Шпюль» фирмаси серқуёш Ўзбекистонини миздаги қатор йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатган.

Бу фирма ишлаб чиқараётган турли мослама ва қурилмалар маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Шпюль» мутахассислари тайёрлаган пружинали блоклар Тошкент мебель саноати тажриба-механика заводи мутахассислари эътиборини ўзига тортди. Эндиликда бу хил маҳсулотни завод шароитида кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди.

Корхонада пружинали блокларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида янги линия ишга туширилди. Бу эса завод учун йилига 120 минг дона блок тайёрлаш имконини беради. Бу мосламалар Тошкентдаги мебель корхоналарини таъминлайди. *(Газетадан)*

Топшириқ. Илм-фанга доир ушбу сўз ва атамалар қайси соҳага тегшли эканлигини аниқланг ва улар иштирокида ўзбекча гаплар тузинг.

Золотник, ишқорсизлаш, консервация, консолли системалар, марказдан қочма насос, марганец, понтон, пона, интим лирика, интонация, қочириқ, контогминация, антипатия, назира, мушон-ра, эга, кесим, тўлдирувчи, лингвистика, антропология, гуманитар, археология, морфология, стилистика, теорема, қоида, назария, операция, гистология.

136- машқ. Қуйидаги матнни ўқинг, унинг таркибидagi сўз ва атамаларни соҳалар бўйича алоҳида-алоҳида ёзиб чиқинг. Матнни рус тилига ағдаринг.

Шифокор

Мавлонжон Абдусаматов 1957 йилда ТошТЎнинг даволаш факультетини битирди. Бу ерда жарроҳлик, ич касалликлари, айниқса болалар хасталиклари бўйича олган назарий билимларини қишлоқ шифохоналарида амалий тажрибадан ўтказди.

У 27 йил Фарғона вилоятининг Водил музофотида бош шифокор бўлиб ишлади, соғлиқни сақлаш район бирлашмасига бошчилик қилди.

Мавлонжон ҳалол меҳнатлари эвазига вилоят ва район кенгашларига бир неча бор депутат қилиб сайланди, ҳукуматнинг бир талай нишон ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

У халқ саломатлиги йўлида қамишдан бел боғлаб 30 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келаётган моҳир шифокор. Мавлонжонни қанча ардоқласанг, шунча оз. Оилада меҳрибон ота, эл-юрт хизматига ҳамиша тайёр, дўстларига вафодор бу инсон ҳамиша соғ бўлсин.

137- машқ. Ушбу матни ўқиб чиқинг, ўзбекча атамаларни рус тилига ўғиринг.

Ўзбек тили ўқуви

Транспорт тармоқлари ходимлари малакасини ошириш республика илмгоҳи жамоасининг юмушлари кўпайиб кетди.

Мутахассис ва ўқитувчилардан тузилган алоҳида бир гуруҳ ўзбек тилини ўрганиш бўйича янги курс фаолиятини жонлантириш тадбирлари билан яқиндан шуғулланмоқда.

Ўзбек тилини ўрганувчилар учун тузилган ўқув дастурида транспорт ходимларининг имконият ва қизиқишлари ҳисобга олинди. Шу билан бирга, илмгоҳда курс машғулотларини олиб бориш учун ўқув хоналари ажратилиб, зарур кўрсатмали қуроллар билан таъминланди. Урнатилган магнитофонлар, киноқурилмалар машғулотларнинг тушунарли ва қизиқарли бўлишига яқиндан ёрдам беради.

Курсга «Узинфортрансистема» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари жалб этилиб, машғулотларнинг мақсадга мувофиқ ва самарали бўлишига эришиш тадбирлари кўрилди. *(Газетадан)*

Топшириқ. Ушбу матни ўзбек тилига ўғиринг. Илм-фанга доир сўз ҳамда атамаларни топинг ва маъносини айтинг.

Ректорам, проректорам, заведующим кафедрой, заведующим учебным отделом и другим работникам из числа руководящего и учебно-вспомогательного персонала высших учебных заведений пособие исчисляется из должностного оклада без учета заработка за педагогическую работу.

Профессорско-преподавательскому составу высших учебных

заведений пособие исчисляется из должностного оклада без учета дополнительной оплаты за исполнение каких-либо административно-хозяйственных обязанностей, а профессорам, доцентам и ассистентам медицинских институтов — без учета также и оплаты за лечебную работу в клинике.

14-§. Атама сўзлар — лексика терминологическая. Совокупность терминов данной отрасли производства, деятельности, знания образует особый пласт лексики, наиболее легко поддающийся сознательному регулированию и упорядочению. Например, терминология грамматическая, терминология международная, терминология научная, терминология научно-техническая, терминология политическая, терминология медицины, терминология производственно-техническая, терминология профессиональная, терминология публицистическая и др.

Общей чертой всех терминов является их свойство строго логически обозначать предметы и явления действительности.

В идеале каждый термин должен быть однозначным. Но на самом деле имеется немало неоднозначных терминов. Например, термины *грамматика*, *морфология*, *синтаксис*, *фразеология*, *лексикология* обозначают и объект науки (т. е. то, что наукой изучается), и саму науку.

В узбекском языке термины возникают как на основе «своих» слов, так и на основе слов, заимствованных из других языков. «Свои» слова, для того чтобы стать термином, суживают и резко очерчивают одно из значений: *боланинг қалпоғи* (шапка ребенка), *винтнинг қалпоғи* (головка винта).

Термины, образованные на основе «чужих» слов и, особенно, образованные «по произволу», обычно лишены общих значений и потому воспринимаются как «чистые» термины.

138- машқ. «Шоирга бағишланган расм» матни таркибидан ўзбекча аталарни топиб, тағига чизинг, маъноларини айтиб беринг.

Шоирга бағишланган расм

Ўзбек халқининг маърифатпарвар шоири Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат Тошкентда яшаган вақтида «Туркистон вилояти газети» билан алоқада бўлиб, унинг саҳифаларида ўз шеърларини чиқартирган эди.

Бундан шоирнинг газета муҳаррири Н. Остроумов билан яқиндан танишлиги муҳим роль ўйнади. Ана шу тарихий воқеа расом А. Махотинни қизиқарли расм яратишга илҳомлантирди.

«Фурқат — босмахонада» деб аталган бу расм анча жонли чиққан. Унда мўйқалам соҳибни Фурқатнинг «Туркистон вилояти газети» газетаси босмахонада қандай чоп этилиши жараёни билан қизиқиб танишиши кўринишини ўзига хос ижод қирралари орқали ёрқин бўёқларда тасвирлаб берган.

139- машқ. Ушбу матн — луғат таркибидаги русча ва ўзбекча атамаларни топиб, улар қайси соҳаларга тааллуқли эканлигини белгилаб чиқинг.

Генеральный план трассы — трассанинг бош режаси. Қурилиши лозим бўлган объектнинг тўлалигича бир варақдаги чизма тасвири: 1. Йўлнинг бош тармоқлари билан алоқасини ва объектнинг жойдаги аҳволини кўрсатиш учун. 2. Агар лойиҳа бир неча қисмдан иборат бўлса, объект тасвирининг яққол бўлишини таъминлаш учун.

План сооружения — иншоот режаси. Мавжуд ёки лойиҳаланаётган иншоотни режада иншоотга оид тегишли маълумотлар билан акс эттирувчи лойиҳанинг бир қисми.

План в горизонталях — текисликдаги режа. Тенг баландликлар нуқтаси чизиқлар билан туташтирилган жой режаси.

Нулевая линия — ноль чизиғи. Текисликдаги режада кўрсатилган полигон йўл, у алоҳида текисликларни бир хил қияликда туташтиради, тупроқ ишларининг нолга яқинлашишини таъминлайди.

План трассы — трасса режаси. Жойдаги лойиҳаланаётган йўл қурилиши ишларини тугаллаш учун масштаблардаги ёки техник чизиқ ва геодезик маълумотлардаги график тасвир.

Схема коммуникаций — коммуникация чизиғи. Мавжуд ёки қурилиши лозим бўлган сув, газ, иссиқлик коммуникацияси тармоқларининг ва электр таъминоти ҳамда канализацияни ишга тушириш қурилмалари билан биргаликдаги режаси.

Продольный профиль проектируемой дороги — лойиҳалаштирилаётган йўлнинг бўйлама кесими.

Схема поперечных уклонов — кўндаланг нишаблик чизиғи. Лойиҳаланаётган қатнов қисми кўндаланг нишабли қисмларининг бўйлама кесимдаги чизиқ тасвири.

Топшириқ. Газета-журналлардан шундай атамалар топингки, улар қишлоқ хўжалигига доир бўлсин. Улар иштирокида ўзбекча гаплар тузинг.

На м у н а: *кузги буғдой* — яровая пшеница. *Кузги буғдой хосили мўл бўлди.* — Урожай яровой пшеницы был обильным.

140- машқ. Ушбу матн таркибидан техникага, йўл ҳаракатига оид сўз ва атамаларни топинг, мазмунини айтиб беринг.

Давлат автомобиль инспекцияси бўлимларининг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида чиқарган қарорларга оид шикоятлар жамоат тартибини сақловчи юқори органларда кўриб чиқилади; ушбу Фармон 1-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда эса халқ судида маъмурий органлар ва лавозимли кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларига оид шикоятларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон республикаси фуқаролик процессуал кодексига белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Шикоят қилиш транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилишини тўхтатолмайди.

141- машқ. Нуқталар ўрнига мос сўз ва атамаларни қўйиб, гапларни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

1. Шоир ... хотираларини сўзлаб берди. 2. ... республикамизда муҳим роль ўйнайди. 3. Тошкентда ... жойлар кўп. 4. Мактабимиздаги гулзорда ... ва чиройли гуллар кўп. 5. Цирк артистларининг маҳорати бизни 6. Биз мактабнинг озодалиги учун курашишда ... мактаб ўқувчиларини мусобақага чақирдик. 7. Усимликлар ... яхши кўрадилар.

142- машқ. Ушбу матида ўзга тилдан ўзлашган атамаларни топинг. Матни рус тилига ўгилинг.

«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7- цехида янги ўлчов асбоби ишлаб чиқарила бошланди.

Бу асбоб радио, магнитофон ва соч-соқол оладиган устара-лар учун қўлланилиб, 220 вольтли ток қувватини 12 ва 9 вольтга камайтириб бериш қудратига эга.

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариладиган бу цехда кичкинтойлар учун «Электроника» ҳамда «Кичкинтой» деб номланган ўйинчоқлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. (*Газетадан*)

143- машқ. Ушбу саволлар таркибидаги физикага онд атамаларни топиб, русчага ағдаринг. Саволларга ёзма жавоб қайтаринг.

1. Жисмга ишқаланиш кучи таъсир этипти. Бу кучнинг иши нолга тенг бўлиши мумкинми?

2. Ишқаланиш кучи таъсир этаётган жисм бирор масофани босиб ўтиб, дастлабки нуқтага қайтиб келса, ишқаланиш кучининг иши нолга тенг бўладими?

3. Жисмга сирпаниш, ишқаланиш кучи таъсир этганда жисмнинг механик энергияси қандай ўзгаради?

4. Уйда турган столга тинчликдаги ишқаланиш кучи таъсир қиладими?

5. Бола китоб жавонини зўр бериб итаряпти, лекин жойидан қўзғатолмаяпти. Ньютоннинг иккинчи қонунида куч таъсир этаётган жисм тезланиш олади, дейилади, бу ерда бу қонун бузилмаяптими?

6. Горизонтал текисликда жойлашган жисмни шу текисликда жойидан суриш учун унга қандай куч қўйиш керак?

15- §. Байналмилал сўзлар — лексика интернациональная. Это слова, заимствованные большинством языков мира из языка народа, который создал или ввёл в общее употребление обозначаемые ими предметы.

В узбекском языке, как и в других языках, встречается много интернациональных слов:

а) социально-политические термины: *демократия, диктатура, федерация;*

б) производственно-технические термины *индустрия, металлургия, прокат, нефть, электростанция, турбина, станок, кальций, никель, руда, самолёт, флот и т. д.;*

в) сельскохозяйственные термины: *сеялка, плуг, окучник, агроном, ирригация, мелиорация, бригада* и др.;

г) термины, относящиеся к культуре, просвещению и искусству: *концерт, театр, клуб, лекция, музей, курорт, пьеса, поэма, рояль, симфония, фильм* и др.;

д) научно-технические термины: *академия, археология, анорганик, геология, грамматика, фонетика, градус, инерция, институт, статистика, домна, механизм, насос, телевизор* и др.;

е) термины, относящиеся к физкультуре и спорту: *футбол, волейбол, баскетбол, спорт, гимнастика, атлетика, штанга, шахматы, шашки, финал, старт* и т. д.;

ж) термины, относящиеся к торговле и финансам: *магазин, гастроном, буфет, лоток, сельпо, ярмарка, банк, дебит, ассортимент* и др.;

з) термины, относящиеся к строительству и благоустройству: *парк, бульвар, тротуар, шоссе, асфальт, тракт, водопровод, канал, трасса* и др.;

и) термины, относящиеся к продуктам и одежде: *пальто, костюм, сорочка, ботинки, галстук, фуфайка, макарон, вермишель, булка, конфеты, консервы, печенье, пиво, вино* и др.

144- машқ. Ушбу техникага доир сўз бирикмалари ва атамалар иштирокида гаплар тузинг ва мазмунини айтиб беринг.

Автоматлар ва ярим автоматлар, автомат йўналишлар ва агрегатли дастгоҳлар, металл қирқувчи ускуналар, электрон системалари, автомат йўналишлари соловчи операторлар.

Қуювчилар, металллар ва қотишмалар, босим остида қуйиш машиналари, машинада қолипловчи стерженчилар, металл эритадиган печлар, қирқувчилар, эритиш печига шихта-руда, шлак, ёқилғи ва шу кабилар ташловчилар.

145- машқ. Ушбу техникага оид атама ва сўзлар асосида савол ва жавоблар тайёрланг.

Н а м у н а:

— *Бош металлург қаерга кетди?*

— *Бош металлург шахтага кетди.*

Бош металлург, бош ҳисобчи, гидравлика муҳандислари, электрончилар, металлурглр, токарлар, фрезерчилар, ичдан йўнувчилар, электр пайвандчилар, силлиқловчилар, чархловчилар, саноат ускуналари электр монёрлари, автомат йўналишлар, оператор-чилангарлар, асбобсозлар, саноат ускуналари, металл конструкциялари, механика двигателлари, механика йиғув ишлари, назорат ўлчов асбоблари ва автосантехник.

Тошпирик. Ушбу фан-техникага доир атамаларни ёд олинг.

Транспортное средство — транспорт воситаси.

Дорожная конструкция — йўл тузилиши.

Конструктивный слой — тузилиш қатлами.

Конспруктивный слой нежесткий — йўлнинг юмшоқ қатлами.

Конструктивный слой жесткий — йўлнинг қаттиқ қатлами.
Одежда дорожная — йўл тўшамаси.
Покрытие дорожное — йўл қопламаси.
Слой износа — едирилиш қатлами.
Основание дорожное — йўл ўзаги.

146- машқ. Ушбу матидан техника ва хўжаликка оид атамаларни топинг. Ўзбекча атамалар иштирокида гаплар тузинг.

Андижондаги механика заводи режалаштирилганидан ташқари ярим миллион сўмликдан кўпроқ энг зарур молларни ишлаб чиқарди. Маҳсулот турлари хилма-хил: тоққайчилар, электр ёрдамида уқаловчи асбоблар, чопиш йўлларини белгилайдиган аравачалар, спорт машқлари жиҳозлари ва бошқа кўплаб нарсалар бор.

Заводда махсус кенг истеъмол моллари цехи ташкил этилган, унда бешта ишлаб чиқариш бригадаси ишлайди. Қорхона маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, уни ўз фирма дўкони орқали харидорларга сотади. Истеъмолчилар билан бундай «мулоқот» талабни ўргана бориб, ишлаб чиқаришни шунга мувофиқ равишда йўналтиришга ёрдам берапти.

Эндиликда оммавий эҳтиёж моллари турларини кўпайтириш ҳисобига уларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қарор қилинди. Харидоргир бўлган металл яшикларнинг дастлабки туркуми тайёрланди. Яна бир янги маҳсулот — бир вақтнинг ўзида арралайдиган, рандалайдиган, тешадиган ажойиб дастгоҳ яратилди.

147- машқ. Шеърини парчани ифодали ўқинг ва ундан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг, сўнгра парчани ёдланг. Қишлоқ хўжалигига доир сўз ва атамаларни топинг, тагига чизинг.

Пахта — тинчлик хазинаси

Юксак кўкимизда учар гуркираб,
Улуғ асримизнинг пўлат лочини.
Тенгдошин топмайман оламга қараб,
Енгилмас халқимнинг енгган кучининг.
Қишилар истайди кўркам ер юзи
Бутун инсонларнинг онаси бўлсин.
Эркин одамзоднинг ярқираб юзи,
Бахт билан ҳар кимнинг хонаси кулсин.
Она тупроғимиз ўз сийнасида
Бизга бағишлаган кўмиру металл.
Пахта ва ғаллалар хазинасидан
Тинчликнинг ишига қўямиз ҳайкал...

Топшириқ. Матнни ўзбекчага таржима қилинг. Қишлоқ хўжалигига оид атама ва сўзларни топиб, тагига чизинг.

Осенью в колхозе много работы. На полях созрел хлопок. На бахчах поспели арбузы, дыни. На огородах — лук, капуста,

помидоры, огурцы. Қолхозники вырастили богатый урожай. Надо его скорее убрать.

Утром колхозники идут в поле. Они собирают хлопок, овощи и фрукты. Колхозникам помогают студенты, школьники. Они работают быстро и хорошо.

148- машқ. Ушбу матн таркибидан маданият ва санъатга доир атама ва сўзларни топиб, тагига чизинг.

Тошкент шаҳридаги маданият уйларининг бирида «Ўзбек-фильм» кино актёрлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Бу мулоқотда кўпгина бадий ва ҳужжатли фильмлар ижодкори, кинорежиссёр ва актёр Фарҳод Ҳайдаров ҳамда «Ўзбек-фильм» киностудиясида суратга олинган «Қарахтлик», «Таназул алами» фильмларидан бизга яхши таниш бўлган истеъдодли санъаткор Зухриддин Режаметов иштирок этишди. Меҳмонлар йиғилганларга янги фильмларни суратга олишдаги қийинчиликлар ҳамда ўзлари яратган образлар ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

Топшириқ. Ушбу матнни рус тилига ўгиринг. Санъат ва адабиётга оид сўз ва атамаларни топинг.

Чиндан ҳам ёш Аброр Ҳидоятлов дастлабки йилларда фаол ижод қилди. «Ҳалима», «Лайли ва Мажнун» ва «Аршин мол олон» мусиқали драмаларида Неъмат, Мажнун ва Асқар ролларида чиқиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Шамсиддин Самибекнинг «Қован оҳангар» драмасида темирчи Кова, Фитратнинг «Абомуслим» трагедиясида Абомуслим, Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» фожиасида ёвуз ва маккор Вурм, Ҳусайн Жовиднинг «Иблис» драмасида Иблис образларини яратиб, ўз актёрлик маҳоратини намойиш этди. Актёр саҳна маҳоратини илмий-амалий ўзлаштириш зарурлигини чуқур англаб, 1924—1927 йилларда Москвада очилган Ўзбек драма студиясида саҳна усталаридан таълим олди. Бу даврда яратилган хасис Гарпагон (Мольер, «Хасис»), негр Боб (Билль-Белоцерковский, «Акс-садо»), шаҳар ҳокими (Н. В. Гоголь «Ревизор»), шаҳзода Қалаф (К.Ғоцци «Маликаи Турандот») образлари ёш санъаткор камолотида муҳим босқич бўлди. (*Газетадан*)

Топшириқ. Ушбу матн таркибидан маорифга оид атамаларни топиб, «ўзлашган» ва «ўз»никига бўлиб ёзиб чиқинг, уларнинг маъноларини шарҳланг.

Педагогика ўқув юртлари, умумтаълим ва ҳунар-техника билим юртлари билан биргаликда касбга йўналтиришни ва ёшларнинг педагогик касб танлашини ташкил қилишнинг узоқ муддатли таъсирчан шакллари белгилаш, мутахассис тайёрлашнинг мақсадли буюртмаларини кенгайтириш лозим. Олий ва ўрта педагогика билим юртларининг I курсига қабул қилишнинг янги шакл ва усуллари ишлаб чиқилиши, абитуриентлар-

нинг келгуси ўқитувчилик фаолиятига тайёрлигини ҳисобга олувчи кириш имтиҳонлари тартибини яратиш, дадиллик билан янги тажриба илмий-ўқув-педагогик мажмуалари, педагогик дорилфунунлар, олий педагогик билим юртлари, олий саноат педагогик техникумлар ва бошқа турдаги ўқув юртлари ташкил қилиш зарур. Жумҳуриятда педагогик олийгоҳлар уюшмаси тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи ва Улуғбек номли Фарғона педагогика олий билимгоҳларига Педагогика дорифунуни мақоми берилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин. (*Газетадан*)

Топшириқ. Матни рус тилига ўгиринг. Жисмоний тарбия ва спортга доир атамаларни топинг.

Футбол

Авиасозлар шаҳарчасида ва «Старт» ўйингоҳларида «Старт» спорт клубининг соврини учун ёшлар ўртасида ўтказилган шаҳарлараро мусобақада Қозоғистон, Уфа, Новосибирск ва пойтахтимиз вилоятидан жами 10 команда ўзаро куч синашди. Унда «Старт» ёш чарм тўп усталари ғолиб чиқдилар. Шунингдек, турнирнинг энг яхши дарвозабони, ҳимоячиси, ярим ҳимоячи ва ҳужумчиси эсдалик совғалари билан мукофотланишди.

«Пахтакор» фахрийлар футбол командаси кейинги пайтларда жуда кўп ўртоқлик учрашувларини ўтказиб, ўзларининг ҳали ҳам ғайратли эканликларини намойиш қилмоқдалар. Жумладан, улар яқинда Ғаллаоролда касаба уюшмалари Жумҳурият кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг биринчилигида 3-ўринни эгаллаган маҳаллий «Ғаллакор» командаси билан учрашдилар. Жуда кескин ўтган беллашувда биринчи бўлимдан сўнг собиқ пахтакорчилар 2:1 ҳисобида олдинда бўлсалар-да, ҳакам хуштаги чалинганда ўйин 2:2—дуранг натижа билан тугади. Тўпларни «Пахтакор»дан В. Калинин ва Ю. Алиқулов («Ғаллакор» ўз дарвозасига), рақиблар жамоасидан эса С. Азимов ва Д. Семендилар дарвозага йўллашди. Кейинги ўйинда ҳамшаҳарларимиз Тошкент вилояти Бўка ноҳиясидаги давлат хўжалигининг футбол жамоаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпни Р. Богоутдинов киритди. (*Газетадан*)

Топшириқ. Матн таркибидан спортга оид атамаларни топиб, маъносини тушунтиринг. Матн мазмуни бўйича ўзингиз саволлар тузинг.

Теннис

Оренбург шаҳрида 1976 ва 78-йилда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида теннис бўйича мусобақаларга яқун ясалди.

Унда пойтахтимиз вакили Линура Мустафоева 8-ўринни эгаллаб, «Ғалабага бўлган интилиши учун» совринининг соҳиби бўлди.

Дзю-до

Қарағанда шахрида ўсмирлар ўртасида дзю-до бўйича биринчилик якунланди. Биринчиликда шахримиз вакиллари катта муваффақият қозондилар. Жумладан, «Динамо» жамиятининг вакиллари — М. Васильев оғир вазнда, А. Богдасаров 52 килограммгача ва С. Герасимов абсолют вазнда ғалаба қозониб, олтин медаль билан тақдирландилар. («Тошкент оқшоми»)

Топшириқ. Ушбу матн таркибидан озиқ-овқат, савдога доир атамаларни топиб тагга чизинг.

Янги йил кечаси дастурхони ҳам алоҳида дид ва завқ билан безатилган бўлиши лозим. Зиёфат тўкин-сочин ва серфайз ўтиши учун қандай таомлар тайёрлаш керак? Ахир Янги йил дастурхонидаги ҳар бир таом ўзининг рамзий маъносига эга. Масалан, балиқдан тайёрланган таомлар — оилавий бахт-саодат ва осойишталик тимсолидир. Агар байрам дастурхони ширинликлар ва ноз-неъматларга тўла бўлса, бутун йил бўйи ҳаётингиз ширин кечади, деган нақл бор. Узум шингили эса мўл-кўлчилик, хонадондаги фаровонлик ва бахтиёрликнинг рамзидир. Нақ тун ярмида, соат бонг уриши билан ўн икки донга узум ейиш керак, деб ҳисоблашади: бунда ҳар бир узум донасини бир ниятни кўзлаб ейиш лозим эмиш.

Байрам кўнгилдагидай ўтиши учун уй бекалари олдиндан қизғин тараддуд кўришларига тўғри келади. Мана шунинг учун ҳам уларни пазандалик дўконларига таклиф қиламиз. Бу ерда Сизлар сабзавотлар, балиқ ва хамирдан тайёрланган масаллиқларни, тайёр хамир ва шакарпазлик маҳсулотлари ва тортларни танлаб олишингиз мумкин.

Топшириқ. Савдо-сотик, озиқ-овқат ва молияга доир қуйидаги атамалар иштирокида гаплар тузинг.

Ярмарка, бозор, универсам, катта сотувчи, молбозор, дўкон мудир, баққол, қассоб, давлат банки, чучвара, ажабсанда, ширгуруч, жўжабўтқа, гўжа, хўжалик солиғи, суғурта, пеня.

149-машқ. Ушбу ободончилик ва қурилишга доир атамалар иштирокида гаплар тузиб, рус тилига ағдаринг.

Иўлак, водопровод, жўмрак, ванна, ошхона, паркет, тўсин, шифер, боғ, хиёбон, гулзор.

150- машқ. Мисоллардан савдо-сотик, озиқ-овқат, кийим-бошга тааллуқли атамаларни топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

I. Таом тайёрлаш технологияси, молшунослик ва саноат моллари савдосини ташкил қилиш, молшунослик ва озиқ-овқат моллари савдосини ташкил қилиш, савдода бухгалтерия ҳисоб-китоби.

II. Ошхона овқатлар рўйхатида қуйидаги таомлар бор: палов, кабоб, гўжа, қайнатма шўрва, шовла, сомса, аччиқ-чучук, угра, кулчатой, мошкичири.

III. Тўн, чопон, камзул, яктак, белбоғ, нимча, дўппи, телпак, этик, пайпоқ, ковуш, махси.

Топшириқ. Матни рус тилига ағдаринг. Атамалар ҳаётнинг қайси соҳасига тегишли эканлигини аниқланг.

1. Сен кутубхонага борсанг, мен қироатхонага бораман.
2. Кечқурун жамоа аъзолари клубга келадилар, улар қироатхонада китоб, газета, журнал ўқийдилар.
3. Шароф 10-синфни тамомлаганда, Қарим техникумнинг сиртқи бўлимида ўқир ва заводда ишлар эди.
4. Болалар клубда ўтирганда, Жамила навбатчилик қилар эди.
5. Оиламиз аъзолари замонавий кўшиқларни яхши кўради, шунинг учун отам концертга билет олиб келди.
6. Аълочилар ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам намуна бўлишлари керак.
7. Акам ниҳоятда тиришқоқ эди, шунинг учун у ҳамма фанлардан «5» баҳо олар эди.
8. Совуқ бўлди, лекин дарё музламади.

Топшириқ. Ушбу матбуот ва нашриёт ишлари билан боғлиқ бўлган атамаларни таржима ҳолида ёд олинг.

Автор — муаллиф; анкета — сўровнома; аннотация — мухтасар баён; вид издания — нашр тури; вкладыш — қистирма илова; графика — китоб беази, чизиқ ёзув; заказ — буюртма; заказ на оформление — безак учун буюртма; заставка — бошбезак; индекс — кўрсаткич рақам; карта — харита; книжная ярмарка — китоб бозори; книжный фонд — китоб жамғармаси; контрольный экземпляр — текширув нусхаси; корректор — мусаҳҳиҳ; концовка — сўнгбезак; лист — табоқ; листаж — табоқ ҳажми; макет — хомаки нусха; набор — ҳарф териш; номинал — қиймат; обложка — муқова; оригинальный макет — айрича хомаки нусха; оригинал — аслият; орнамент — нақш; отзыв — фикр; оформление — безак; переплет — муқова қилиш; плановый отдел — режа бўлими; положение, устав, уложение — низом, тузук.

Топшириқ. Ушбу атамалар иштирок этган русча ва ўзбекча гаплар тузинг. Луғатни ёдланг.

Прейскурант — нархнома; пропускное бюро — рухсатнома; редколлегия — таҳрир ҳайъати; редактор — муҳаррир; редакционный план — таҳририят режаси; редакционный портфель —

тахририят бисоти; редакционный совет — тахририят кенгаши; рекламный отдел — тарғибот бўлими; рекомендация — тавсиянома; рецензия — тақриз; серия — туркум; сигнальный экземпляр — нишона нухса; слайд — рангли сурат; система — тизим, система; суперобложка — устмуқова; схема — тарх (шакл); текст — матн; тематический план — мавзуий режа; технический редактор — техник муҳаррир; типовой договор — намунавий шартнома; тираж — нухса; титул — сарварақ; том — жилд; формат — бичим; фронтиспис — суратли сарварақ; футляр — филоф; чертёж — чизма; шмуцтитул — безакли сарварақ; экземпляр — нухса; элемент — унсур, элемент; энциклопедия — қомус; эталон — андоза, нухса;

15-§. Шакли турлича, маънолари бир-бирларига яқин сўзлар (синонимлар). Синонимы — это равнозначные слова или совпадающие по основному значению слова, конструкции, фразеологические единицы.

В узбекском языке синонимы бывают:

а) синонимы абсолютные, т. е. безотносительные, полные, слова, полностью совпадающие по значению и употреблению: *тилшунослик — тил билими* (языкознание — языковедение);

б) синонимы — грамматические слова с синонимичными грамматическими показателями, равнозначные грамматические конструкции: *отамнинг китоби — китоб отамники* (книга отца — отцова книга);

в) синонимы идеографические, различающиеся оттенками значения: *овқат — таом* (еда — пища);

г) синонимы относительные, подобие которых не распространяется на все их значения: *расмчи — суратчи* (живописец — художник).

151-машқ. Ушбу синоним сўзларнинг ҳар бири иштирок этган гаплар тузинг. Улардаги сўзларни рус тилига ўгиринг.

Чидам, бардош, сабр, тоқат, тоб, тўзим; тайёр, муҳайё, шай, тахт, ҳозир; қалбаки, сохта, ясама, сунъий, ёлғон; овқат, таом, озик, томоқ, емиш, неъмат, хўрак; қизиқ, ғалати, ажойиб, аломат, антиқа, ажаб, ажиб; озгина, пича, сал, хиёл, жиндак, андак, қитдай, жичча.

На м у н а: *Антиқа суҳбат бўлди.* — Беседа была интересной. *Антиқа* — интересно.

152-машқ. Мисоллар таркибидан маънодош синонимларни топиб, маъноларини тушунтиринг.

I. Бу қўшиқлар қачонлардир байрамларда ва халқ сайилларида янграган, уларни катта бувиларимиз бешик тебратиб хиргойи қилганлар, бу қўшиқлар аламли ва қайғули кунларда ижро этилган.

II. Ҳалол ва пок одамдан бу дунё чўчимайди, нопок ва имонсиздан титрайди.

III. Инсонга тўрт орзу керак: соғлиқ, саломатлик, ақлий баркамоллик, меҳр-оқибат, эзгулик ва яхшилик.

IV. Бу дунё ёш болага ўхшайди: яхши тарбияласанг, яхшиликка етакласанг, ширин-шакар сўзлар ўргатсанг, хизматларида лаббай деб турсанг, катталиқ қилмасанг одамларнинг ҳурматида, тўрида бўласан.

V. Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, яхши, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга бўладилар, ёмон ишлардан хазар қиладилар.

Топшириқ. Ушбу суҳбатдаги маънодош сўзаларни белгилаб, маъноларини изоҳланг, синонимларни рус тилига ағдаринг.

Суҳбат

— Қаюмарс, Сиз дала, чўл ва биёбонларда бўлганмисиз?

— Ҳа, бўлганман. У ерларнинг жазирама, иссиқ қуёшида куйганман.

— Сиз-чи?

— Мен қари, кекса отам билан жуда узоқ, олис ўлкаларда бўлганман. У ерлар халқларининг ҳаёти, турмуши билан танишиб, роса айш-ишрат қилиб, уларнинг улуғ, катта, буюк ва зўр қурилишларини кўрганман.

— Жуда яхши. Бундан чиқди Сиз, роса томоша, ҳангома қилибсиз-да!

— Ҳа, худди шундай.

В узбекском языке синонимы разделяются по составу на четыре группы:

1) т у б синонимлар — простые синонимы, в основе которых имеются только корни: *одам, киши, инсон, башар; фикр, зикр, хаёл, ўй*;

2) м о р ф о л о г и к синонимлар — морфологические синонимы, которые образуются прибавлением к основе аффикса: *сонсиз, самоқсиз, чексиз, ҳисобсиз, бепаён, кучли, бақувват, қувватли*;

3) м у р а к к а б синонимлар — сложные синонимы. Они бывают парные и сложные: *шод, хуррам, хурсанд, хушнуд, хушвақт, довюррак, ботир, қўрқмас*; простые и сложные: *ор-номус, қадр-қиммат, ҳурмат-эҳтиром, қадду қомат*; парные: *агитация ва ташвиқот, пропаганда ва ташвиқот экономика ва иқтисод, тема ва мавзу*;

4) б и р и к м а л и синонимлар — синонимы-словосочетания: *фарқ қилмоқ, тафовут қилмоқ, фарқламоқ; иштирок этмоқ, қатнашмоқ; бошни икки қилмоқ (жениться), уйлантирмоқ; оғир оёқ (беременная), ҳомиладор; жонни жабборга бермоқ, берилиб ишламоқ; қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ, умидсизланмоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ*.

153- машқ. I. Матндаги гаплардан синонимларни топиб, уларнинг маъноларини тушунтиринг.

1. Гулсумбиби уйда қитдай ўтин, қитдай кўмир йўқлигини сўзлади (О.) 2. Ҳожи хола дутор торини пича бўшатди: узилиб кетиши мумкин эди. (М. Исм.) 3. Ўқишдан чиқиб, барг кесишга борамиз. Жиндай қуртимиз бор. (А. Қ.) 4. Инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ. 5. Унинг овозида севги, севгидан ҳам кўпроқ мунг, алам оҳанглари янгради. (М.Исм.) 6. Зиёфат турли лазиз таомлар, хушхўр мевалар, шарбатларга бой. (О.) 7. Кеннойингиз қўй ёғига ош қилган экан, бирам ширин бўлибдики, энди нарийёги йўқ. (С. Анорбоев) 8. Майли, ҳеч ҳавотир олмай бемалол маслаҳатлаша беринглар, чироқларим. (П. Т.) 9. Баҳузур ўтириб гаплашаверинглар. Далада ёз палласида ёйилиб ўтириш — роҳат. (О.) 10. Эл бетинч, одамларнинг юзлари ғамгин, суҳбатлари серташвиш эди. (П.Т.) 11. Максим қишлоқда табиблик қилиб юрган вақтларида бундай безовта бетобларни кўп кўрган. (И.Раҳ.)

II. Қуйидаги сўзларни ўқиб, бир-бирларига синоним бўлганларини алоҳида-алоҳида группалаб кўчиринг, улар иштирокида 2—3 та гап тузинг.

Дўст, юз, кўк, куй, катта, қошида, кечикмоқ, чопмоқ, уришмоқ, осмон, ўртоқ, афт, башара, овқат, мўл, буюк, ёнида, ҳаялламоқ, югурмоқ, улуғ, оға-ини, улкан, дўппосламоқ, чеҳра, дам, совуқ, иссиқ, аямоқ, аёз, илиқ, тин, тўхтамоқ, чарчамоқ, тасалли, илдам, тенг, тахмин, жадал, таскин, тез, баравар, шитоб, чама, фараз, баробар, шахт, содиқ, сотқин, вафодор, хоин, сирпанчиқ, секинлашмоқ, тойғоқ, сусаймоқ, тирғанчиқ.

154- машқ. Синонимларни топинг. Уларни алмаштириб қўллаб кўринг. Қандай маъно ўзгариши юз беришини тушунтиринг.

1. Меҳмонлар лаззатли таомларни хўп ейишди. (П. Т.) 2. Уктам совуқ хуштаъм чойни қулт-қулт ютиб, қўли билан лабларини артди. (О.) 3. Шавла жуда тотли туюлди, ошпазни мақтадилар. (О.) 4. Олахўжа муддаосига етолмайди. Абдурасул яна қайтиб унинг қўлига тушмайди. (П.Т.) 5. Мен сизнинг ниятингизни биламан. 6. Мақсадим — ўқимок. 7. У Тешабойнинг асабларини дутор торидай таранглаш, иложи бўлса, узилиш даражасига келтириш қасдида эди. (М. Исм.) 8. Сиз бўлсангиз болангизнинг додини, оҳини эшитиб турулмасдингиз. (М. Исм.) 9. Ҳар ёқ ёнган, лоладек қон, мазлумларнинг оҳи ошди... (Ғайратий) 10. Қуйлаб борар бир мунгли нола. (Т. Т.) 11. Фигони фалакка етди. 12. Мен уни овозидан танидим. 13. Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди. (А. Қод.) 14. Бола аввал ун чиқармай чидашга ҳаракат қилди. (М. Исм.) 15. Ҳеч кимдан садо чиқмади. 16. Додлама-додлама, дод саси келди... (С. А.)

155- машқ. Қуйдаги синонимик қаторлардаги ҳар бир сўз иштирокида гап тузинг ва маъно фарқларини тушутиринг.

1. Яхши, дуруст, тузук. 2. Дўст, ўртоқ, ошна, биродар, йўлдош, ҳамроҳ, оға-ини. 3. Юз, бет, чеҳра, афт, башара, нусха. 4. Тез, илдам, чиққон. 5. Катта, улкан, улуғ, буюк. 6. Эқмоқ, сепмоқ, сочмоқ. 7. Ёмон, хунук, бадбашара. 8. Уста, чевар, чечан. 9. Ортиқ, ошиқ, зиёд. 10. Қурмоқ солмоқ. 11. Қалтирамоқ, дирилламоқ, музламоқ, жаврамоқ. 12. Ширин, маза-ли, тотли. 13. Гўзал, чиройли, нафис, сулув, зебо, кўҳлик. 14. Мўмин, ювош, қобил. 15. Қари, кекса. 16. Қийшиқ, қин-ғир. 17. Қаҳрамон, ботир, мард. 18. Юмошқ, мулойим. 19. Қи-йин, мураккаб. 20. Сабр, тоқат, чидам.

16- §. Антонимлар — антонимы. Антонимами называються слова, противоположные по значению: *баланд — паст* (верх — низ), *олд — орқа* (вперед — назад), *узун — қисқа* (длинный — короткий).

В узбекском языке антонимы — это слова, имеющие в своем значении качественный признак и потому способные противопоставляться друг другу по значению. Например: *яхши — ёмон, узоқ — яқин*. Слова, противопоставленные друг другу как коррелятивные, не являются антонимами. Например: *Ака-син-гил, ота-она*.

156- машқ. Қуйдаги сўзларнинг антонимларини толиб ёзинг. Шулар иштирокида гап тузинг.

Катта, оғир, яхши, қуюқ, совуқ, ширин, гўзал, тез, чақмоқ, сўроқ, рост, роҳат, оз, озод, йиғламоқ, кам, соғ, кўп, оқ, кейин, берк, жасур, гувоҳ, роҳат.

157- машқ. Синоним ва антонимларни толиб, маъноларини изоҳланг.

1. Қўрқоқсиз, домла, чумчуқчалик ҳам юрагингиз йўқ. (*Ҳ. Ғ.*)
2. У бўйинини чўзиб, қайноқ, асабий газабли омман, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботир халқни кўздан кечирди. (*Ш.*)
3. Эй қаҳрамон, довиорак, жасур, улуғ халқ. (*Ғайратий*)
4. Энди менинг бунда турмоғим гумон, қалмоқ элга мен кетарман бул замон. (*Ф. Й.*) 5. Бир зумдан кейин ҳамқишлоқларининг гавғоси аниқ эшитилди. (*О.*) 6. Ойдинда уларнинг паранжили иккита хотин эканлиги равшан кўриниб турар эди. (*М.Исм.*) 7. Овқатдан кейин полк кенг майдонга тизилди. Генерал қисқа нутқ сўзлаб, жангчиларни ҳарбий техникани тўла-тўқис ўрганишга чақирди. (*Шухрат*)

Топшириқ. Ушбу мисраларни ёд олинг. Зид маъноли сўзларни толиб, уларни шарҳланг.

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик,
Асли ёмон бўлса, чиқмас яхшилик.

(*Маҳтумқули*)

Ёмондан яхшилик кутма.

Яхши-яхшига ёндаштирар,
Ёмон йўлдан адаштирар.

Ёмондан қоч, яхшига қулоч оч!

(Мақоллар)

158- машқ. Ушбу мисоллардан жинсга оид зид сўзларни топиб, маъноларини тушунтиринг.

1. Ҳурматингни сақлар ҳар бир ўғил-қиз,
Муқаддас, мўътабар, улуғ Ватаним.

(У.)

2. Қаҳрамон қиз-йигитларни кўрдим мен,
Улар билан жангда бўлдим мен.
Ишчи она ўпди мени қизим деб.
Жангчи ота олқади юлдузим деб.

(Ҳ. П.)

159- машқ. Ушбу мисоллардан шакл, ҳажм ва миқдор билдирувчи зидлов сўзларни топинг.

1. Узун айтма, қиқса айт — кўп маъно бер. (Мақол)
2. Йўғон чўзилар, ингичка узилар. (Мақол)

160- машқ. Ушбу матндан масофа, мақон, фазо, ҳаракат-ҳолат билдирувчи зидлов сўзларни топинг, маъноларини тушунтиринг.

1. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. (Мақол)
2. Қ и з л а р :

Биз бир ёндан, сиз бир ёндан
Пахтадан тоғ-тоғ этайлик.
Қўнглимиз чоғ этайлик,
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан.

Й и г и т л а р :

Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,
Булар тоғнинг баланд-пасти,
Одамзоднинг гулдир дасти,
Ишлайлик толмай асти,
Биз бир ёндан, сиз бир ёндан.

(Уйғун)

161- машқ. Ушбу матнлардаги антонимлар тагига чизинг, уларнинг маъноларини айтинг.

1. Ёмон билан яхши орасида фарқдир,
Икки кеманинг учини тутган фарқдур.

(Навоий)

2. Узоқ ва яқиндан табиб қидир, ҳаёт учун кураш.

(Ас. Самир)

162- машқ. Ўзингиз ўрин, масофа, иш-ҳаракатнинг ҳолатини билдирувчи сўзларга 10 та мисол топинг.

163- машқ. Ушбу мисоллардан кишилар муносабати ва синфий табақаларга доир сўзларни топиб, рус тилига ўғиринг.

1. Дўстга хор, душманга зор,
Номардга муҳтож айлама.

(Фольклор)

2. Уғри тўғрини айблади. (Уғитдан)
3. Дўсти нодондан душмани зийрак афзал. (Мақол)

164- машқ. Ушбу мисоллардан ҳис-туйғу, кечинма билдирадиган сўзларни топинг, мазмунини айтиб беринг.

1. Наҳотки асрлар, йилларча жафо
Чеккан одамларга шу этар вафо.

(Ҳ. О.)

2. Қимга роҳат бўлса, демак у жафо ва қайғудан йироқ кишидир. (Уғитдан)

17- §. Шаклдош сўзлар — омонимия. Омонимами (греч. *ποτος* — одинаковый) называются слова разные по значению, но одинаковые по звучанию и написанию. Например: *от* — лошадь, *от* — кидать, *от* — имя; *ўт* — трава, *ўт* — огонь, *ўт* — желчь, *ўт* — проходить.

Олмани сунди нигорим ол деди,
Олма бирла бу кўнгилни ол деди.
Сўрдим эрса олмасини рангини,
Не сўрарсен олма ранги ол деди.

Чучварани ҳозир сузаман, сиз қатикни аталаб туринг.— Сейчас я выложу пельмени, а вы размешайте кефир. *Атала ичдингми?*— Поела ли похлебку?

Лексические омонимы бывают полные (тўлиқ) и неполные (тўлиқсиз), или частичные.

Полные лексические омонимы представляют собой слова одного грамматического класса, у них совпадает вся система форм. Например: *куя I* — сажа, *куя II* — моль; *от I* — имя, *от II* — лошадь.

Явление частичной (или неполной) омонимии (тўлиқсиз шаклдош сўзлар) характеризуется тем, что разные по значению слова совпадают или по звучанию, или по написанию.

Например: *руҳ I* — лицо
руҳ II — ладья } тўлиқ омонимлар
руҳ III — настроение } тўлиқсиз омонимлар
руҳ IV — металл

Омонимы возникают в результате того, что первоначально разные значения одного и того же слова (полисемантического) становятся настолько далекими, что воспринимаются уже как разные слова, и только их специальный этимологический анализ помогает установить общность этих слов. Например: *ой* (месяц) — одна двенадцатая часть астрономического года и *ой* (месяц) — небесное светило, луна; *ёш I* — возраст, *ёш II* — молодой.

Иногда омонимы появляются в результате того, что заимствованные из разных языков разные слова совпадают в своем звучании. Например: *бак* — металлический закрытый сосуд (фр. *bak*) и *бак* — носовая часть верхней палубы корабля (гол. *bak*) и др.

От собственно лексических омонимов и омоформ отличаются омофоны (иногда их называют фонетическими омонимами) и омографы.

Омофоны — это разные слова, одинаково произносимые, но графически изображаемые по-разному.

Например: тўр I (сетка) туш I (сон)
тўр II — тўрт (четыре) туш II — тушь:

Омографы — это слова, которые произносятся по-разному, но пишутся одинаково.

Например: *ҳозир* I — только что
ҳозир II — сейчас
тўк I — ток (электрический)
ток II — виноградник

165- машқ. Матндаги омоним сўзларни топинг. Уларни рус тилига ўгиринг.

1. От кишнайди. Чақалоққа от қўйилди. Эл орасида яхши от чиқар! Уқни нишонга от. 2. Сув — ободонлик гарови. Анор суви киши соғлигига фойдали. 3. Кеч кирди. Мажлис кеч тугади. Беҳуда хаёллардан кеч. 4. Меҳмонлар олдида дастурхон ёзилди. Янги ҳикоя ва очерклар ёзилди. 5. Пахтани тоза тер. Унинг пешонасида тоза тер томчилари пайдо бўлди. 6. Бола тугилди. Менда янги фикр тугилди.

166- машқ. Қуйидаги маттни рус тилига ўгиринг. Омоним сўзларни ажратиб олиб, маъносини изоҳланг.

1. Қиш бу йил совуқ (холодный) келди. 2. На иссиққа кўнасан, на совуққа (холод, мороз). 3. Уйнинг баланд ва сирин (эмаль, глазурь) кўчиб кетган эски айвонида уч-тўрт намозхон ўтирибди. 4. Болалик уйда сир (тайна, секрет) ётмас. 5. Учовлон чордона қуриб олиб, енгини (рукав) шимардилар. 6. Сени иш енгмасин (побеждать, одолевать, побороть), сен ишнинг енг (побеждать).

167- машқ. Матндаги гапларни кўчириб, шаклдош (омоним) ва полисемантик (кўп маъноли) сўзларни топинг, уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини тushунтиринг.

1. Ғўзаларни бегона ўт босмаслиги керак. Пичанга ўт кетди. Қалбимга ўт ёқма. 2. Шамол дарахт бошларини секин тебратди. У бошини секин тебратди. 3. Уйида чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир. Булоқ бошида дам олдик. 4. Тўдадан ажралган тўрга тушар. Меҳмонларни тўрга ўтқазинди. 5. Қўзимга ёш олдим. Ёшим элликка етди. 6. Лайлак келди, ёз бўлди.

Қаноти қоғоз бўлди (*Қўшиқ*) Укангга тез-тез хат ёз. 7. Товуқларга дон соч. Сочи оппоқ бўлган. 8. Бугун яхши туш кўрдим. Отдан туш. 9. Чақмоқ чақди. Ёнғоқни тиш билан чақиш соғлиққа зарардир.

168-машқ. Қуйидаги шеърини парчани ўқиб, ўзбекча мазмунини тушунтиринг. Русча шаклдош сўзлар ўзбек тилида ҳам шаклдош бўла оладими? Изоҳланг.

1. Вообрази, что не шрапнель,
А ливни хлещут по долинам,
Что гимнастерка и шинель
Погребены под нафталином,
Что в мире мир и тишина ...

2. Нес медведь, шагая к рынку,
На продажу меду крынку.
Вдруг на мишку —
вот напасть! —

Осы вздумали напасть.
Мишка с армией осиной
Дрался вырванной осиной.
Мог ли в ярость он не впасть,
Если осы лезли в пасть,
Жалили куда попало?
Им за это и попало.

(Я. Козловский)

169-машқ. Матнни синчиклаб ўқинг. Омофон, омографларни, омоформларни кўрсатинг. Уларнинг бир-биридан фарқларини тушунтиринг.

Гуллар-гуллар. Боғда ҳар хил *гуллар* очилган. Ҳаммадан олдин бодом дарахти *гуллар*.

Турар-турар. *Турар* жойлар обод бўлмоқда. Карим ҳар кунни барвақт *турар*, физкультура қилар эди.

Кўзлар-кўзлар. Бу кўзлар нимани кўзлар?

Боб-боб. Романда беш боб бор. У ўзига боб иш топиб олди.

Олма-олма: Хон узра кўринди, турли олма,

Рахшон юзидан кўзингни олма.

Олмай, уялиб суқингни солма,

Бу бизлар учун узилди, олма!

(С. Нот)

Ёзаман-ёза ман: Ёрни таклиф этиб хат ёзаман,
Келса қошимга, қулоғим ёзаман.
Қолса нигоҳ ваъда қишдан ёзга,
Қайси тоқат бирла еткум, ёза ман.

16-§. Келиб чиқишига кўра ўзбек тилининг лексик қатлами — узбекская лексика с точки зрения происхождения. Лексика узбекского языка, как и других языков, находится в состоянии

непрерывного изменения и развития. Она складывалась в течение многих веков.

Есть два пути формирования лексики: прямой путь, когда из элементов имеющихся в языке, возникают так называемые исконные слова, и путь заимствования слов из других языков.

Большая часть словарного состава современного узбекского языка — это исконные, т. е. незаимствованные слова, составляющие исконный пласт (ўз қатлам).

Исконно узбекские слова можно разделить на: 1) **туб туркий сўзлар** — исконно тюркские слова, 2) **умумтурк сўзлар** — общетюркские слова, 3) **ўзбек сўзлари** — узбекские слова.

19-§. Туб туркий сўзлар — исконно тюркские слова. Большинство исконно тюркских слов являются общими для всех родственных тюркских языков, в которые входит и узбекский язык.

По тематике их можно делить на следующие группы:

1) *слова, выражающие родственные отношения*: адаш — друг, опа — мать, сестра (старшая), ота — отец, бола — мальчик, ребёнок, дада — отец, эр — мужчина, ини — брат (младший), ўғлон — мальчик, ўғил — сын, қариндош — родственник, қиз — девочка, сингил — сестра и др.;

2) *названия некоторых понятий, связанных с людьми и их отношениями*: киши — мужчина, кишисиз — одинокий, ўртоқ — друг, ўртоқлик — дружба и др.;

3) *слова, называющие органы людей и животных*: оғиз — рот, оёқ — нога, орқа — спина, бағир — грудь, бош — голова, бел — поясница, без — железá, билак — запястье, биқин — бок, бўй — рост, бўғиз — гортань, бўғим — сустав, бўйин — шея, бўкса — бок, бурун — нос, энгак — подбородок, яғрин — лопатка, ёл — грива, елин — вымя, илик — костный мозг, юрак — сердце, юз — лицо, киндик — пупок, киприк — ресницы, кўз — глаза, мия — мозг, ўпка — легкие, қовуқ — пах, қон — кровь, қанот — крылья, қароқ — зрачок, қорин — живот, қош — брови, қил — волосок, қўл — рука, қуйруқ — курдюк, қулоқ — ухо, соч — волосы, соқол — борода, товон — пятка, талоқ — селезенка, томоқ — горло, томир — вена, тил — язык, тирсак — локоть, тиш — зубы, тизза — колено, тўёқ — копыто, тумшуқ — клюв и др.;

4) *слова, называющие птиц и животных*: айиқ — медведь, архар — архар, арслон — лев, балиқ — рыба, барс — барс, бўрсиқ — барсук, буғу — олень, буқа — бык, бузоқ — теленок, эчки — коза, эшак — осел, ит — собака, кийик — олень, хўкиз — буйвол, қоплон — пантера, қўчқор — баран, қўй — овца, қўзи — ягненок, той — жеребенок, туя — верблюд, така — козел, тўнғиз — кабан, тулки — лиса, қулун — кулан, қундуз — бобр, сизир — корова и др.;

5) *слова, называющие мелких животных, насекомых*: ари — оса, бит — вша, бурга — блоха, чаён — скорпион, чивин — комар, илон — змея, кирпи (типратикон) — еж, куя — моль, қумурсқа — муравей, қўнғиз — жук, қурбақа — лягушка, қурт — червяк, сичқон — мышь и др.;

6) слова, называющие некоторых птиц: ўрдак — утка, қарға — ворона, турна — журавль, зағизғон — сорока и др;

7) слова, называющие природные явления, предметы, географические объекты: ой — луна, ойдин — лунная ночь, оқин (сув) — проточная вода, булут — облако, ёмғир — дождь, ёруғ — светлый, ёруғлик — свет, яшин — молния, юлдуз — звезда, кеча — вечер, кўк — небо, кун — солнце, кун — день, кундуз — днем, муз — лед, ўт — огонь, ўт — трава, қор — снег, қоронғи — темно, кум — песок, сув — вода, тоғ — гора, тош — камень, тупроқ — земля, тун — ночь, тутун — дым и др.;

8) слова, выражающие некоторые естественные и искусственные объекты: булоқ — источник, денгиз — море, ер — земля, кўл — озеро, қоя — скала, ариқ — арык, йўл — дорога, кўприк — мост и др.;

9) слова, называющие некоторые ископаемые: олтин — золото, жез — медь, кўмир — уголь, кумуш — серебро, темир — железо и др.;

10) слова, связанные со значением времени: ой — месяц (один месяц), боя — до . . . , бултур — в прошлом году, бурун — раньше, бугун — сегодня, эрта — завтра, илк — ранний, первый, йил — год, кеч — поздно, вечер, кечаги — вчерашний, кузги — осенний, сўнг — потом (после), тунги — ночной, туш — сон, туш — полдень и др.;

11) слова — имена числительные и нумеративы: олти — шесть, олтинчи — шестой, олтмиш — шестьдесят, беш — пять, минг — тысяча, бир — один, икки — два, эллик — пятьдесят, иккинчи — второй, етти — семь, ортиқ — больше, озлик — меньшинство, тилим — кусок, ярим — половина, қарич — мера, қўша — два раза и др.;

12) слова, называющие растения и понятия, связанные с ними: арпа — ячмень, бугдой — пшеница, бутоқ — ветки, бойчечак — подснежник, янтоқ — янтак, кунжара — жмых, мурч — черный перец, ўт — трава, қовоқ — тыква, қамиш — камыш, саримсоқ — чеснок, тикан — колючка, олма — яблоко, ёғоч — дерево, доски, ёнғоқ — орехи, жийда — жида, тол — ива, терак — тополь, узум — виноград, чигит — семена хлопка, экин — посев, илдиз — корень, ўрмон — лес и др.;

13) слова, выражающие понятия места и направление: олди — передняя сторона, олдинги — передний, орол — остров, оралиқ — пространство, олтин — низ, ич — внутрь, ичкари — вовнутрь, ён — сторона, юқори — верх, ўнг — правый, правая сторона, ўрта — середина, қишлоқ — деревня, сўл — левый, сўлдан — слева, юза — поверхность и др.;

14) слова, относящиеся к строительству, жилью: эшик — дверь, оғил — конюшня, ин — гнездо, ўчоқ — очаг, кўч — утварь, ўймоқ — копать, ўтин — дрова, том — крыша, туйнук — отверстие, уй — дом и др.;

15) слова выражающие признаки, действия: оч — голодный,

очиқ — открытый, оғир — тяжелый, ботир — смелый, буюк — великий, берк — закрытый, бўш — свободный, эгри — кривой, эски — старый, инжиқ — капризный, иссиқ — теплый, янги — новый, яқин — близкий, яхши — хороший, ёш — молодой, енгил — легкий, ингичка — тонкий, йўғон — толстый, юпқа — тонкий, кенг — широкий, кичик — маленький, ўнғай — нетрудный, қисқа — короткий, тўғри — прямой, ола — рябой, оқ — белый, яшил — зеленый, қора — черный, аччиқ — горький, шўр — соленый, қари — старый, очил — открывайся, ачинмоқ — жалеть, айтмоқ — сказать, олмоқ — брать, айрилмоқ — разделение, алдамоқ — обманывать, англамоқ — понимать, оқмоқ — течь, аримоқ — освободиться, осмоқ — повесить, боғламоқ — завязать, бормоқ — идти, босмоқ — наступать, бермоқ — давать, чизмоқ — чертить, чиқмоқ — выходить и др.;

16) *слова, называющие продукты, одежду и материю:* ош — пища, ошлик — еда, бол — мед, чуррак — чурек, гўшт — мясо, ёғ — масло, егулик — кушанье, қазилар — казы, қимиз — кумыс, туз — соль, ун — мука, белбоғ — пояс, этик — сапоги, кийим — одежда, кўйлак — платье, тугма — пуговица, этак — подол, ямоқ — заплатка, ёқа — воротник, енг — рукава, бўз — бязь, чит — ситец и др.;

17) *некоторые слова, относящиеся к местоимениям, служебным словам, а также этнонимы, междометия и звукоподражательные слова:* анда — там, у него, андин — от него, оттуда, биз — мы, бу — этот, бунча — столько, ким — кто, мен — я, сен — ты, неча — сколько, нечук — каким образом, ўша — тот, ўз — свой, қачон — когда, қанча — сколько, қани — где, билан — с, бироқ — но, энди — теперь, бери — с тех пор, каби — подобно, кейин — потом, учун — для, қипчоқ — кипчак, татар — татарин, булғор — болгарин и др.

20-§. *Умумтуркий сўзлар* — общетюркские слова. Исконно тюркские слова встречаются кроме узбекского и в других тюркских языках (татарском, уйгурском, казахском, киргизском, азербайджанском, каракалпакском и др.). Они образуют общетюркский лексический фонд и составляют основу лексики всех тюркских языков. Например, нижеследующие слова узбекского языка существуют во многих тюркских языках, но со своими особенностями фонетического оформления: муз — лёд, она — мать, оғиз — рот, саккиз — восемь, соғ — здоровый, сув — вода, суз (моқ) — плавать, суюқ — жидкий, тег (моқ) — трогать, темир — железо, тепа — горка, тил — язык, тиш — зубы, тош — камень, туз — соль, тўрт — четыре, тўш — грудинка, тўғри — прямо, прямой, узук — кольцо, узун — длинный, улуг — великий, уя — гнездо, эзмоқ — помнить, юз — лицо, эгмоқ — погнуть, юк — багаж, ўз — свой, ўт — огонь, ўт — трава, ўғил — сын, қиш — зима, қул — раб, қўзи — ягненок, қўл — рука, биз — мы, бор (моқ) — идти, бос (моқ) — наступать, давить, буйрак — почка, бўй — рост, ер — земля, етти — семь, ёзмоқ — писать, ёл — грива, ёлғиз — одинокий, ёт (моқ) — лежать, ёш — молодой, икки —

4-§. Атоқли ва турдош отлар — собственные и нарицательные имена существительные. Собственные имена существительные являются названиями отдельных лиц, животных, явлений, событий и единичных в своем роде предметов. Например: *Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бахтиёр, Рустам, Фуломов; Олапар, Йўлбарс; Озарбайжон, Андижон; Каспий денгизи, Байкал кўли, Амударё; «Ўқитувчи», «Фан», «Саодат», «Фан ва турмуш», Ватан уруши, Галаба байрами* и др.

Нарицательные имена существительные представляют собой обобщенные названия однородных предметов: лиц, животных и птиц, различных явлений природы, отвлеченных понятий. Например: *китоб* — книга, *одам* — человек; *сув* — вода, *ёмғир* — дождь; *чумчуқ* — воробей, *кабутар* — голубь; *қўй* — баран, *сигир* — корова; *сайлов* — выборы, *ботирлик* — смелость.

183- машқ. Прочитайте и запомните следующие узбекские слова и словосочетания. Научитесь правильно их произносить.

Ибора — выражение, фраза; сўз бирикмаси — словосочетание; бизнинг Ўзбекистонда — в нашем Узбекистане; йўл қурилиш техникаси — техника дорожного строительства; кўтаргич — подъемник, тиркама — прицеп; кўприк — мост; бетонқоргич — бетономешалка.

184- машқ. Научитесь правильно читать следующие диалоги. Укажите имена существительные собственные и нарицательные.

Суҳбат

- Сиз қайси институтда ўқийсиз?
- Мен автомобиль ва йўллар институтида ўқийман.
- Қайси факультетда?
- Автохўжалик факультетида.
- Нечанчи курсда ўқийсиз?
- Иккинчи курсда.
- Шу мутахассисликка мактабдан қизиқиб келасизми?
- Ҳа, мен ёшликдан мактабда техникага қизиқар эдим.
- Факультетингизда қандай фанлар ўқитилади?
- Факультетимизда физика, математика, чизмачилик, ўзбек тили каби фанлар ўқитилади.

- Институт қаерда жойлашган?
- Санъат музейи ёнида жойлашган.
- У ерга қайси транспорт билан борилади?
- У ерга трамвай, троллейбус, автобуслар билан борилади.
- Сиз бу институтда қандай факультетлар борлигини айта олмайсизми?

— Бу институтда автотранспорт, автохўжалик, йўл қуриши ва уни механизациялаш факультетлари бор.

* * *

- Сиз ҳозир қаердан келдингиз?
- Заводдан.
- Завод директори ким?
- Завод директори Усмон Алиевич Алиев.
- Директорнинг қабул кунларини билмайсизми?
- Директор душанба, чоршанба, шанба кунлари қабул қилади.
- Сешанба кунини-чи?
- Сешанба кунини қабул қилмайди.
- Заводда иш соати нечада тугайди?
- Иш соат ўн саккизда тугайди.
- Тушликка қачон чиқасиз?
- Соат 13⁰⁰ да чиқаман.
- Заводда нималар ишлаб чиқарилади?
- Ҳар хил асбоб-ускуналар: гайка калити, винтли домкрат, ҳаво ўтказгич труба, мўри қопқоғи ва бошқалар.

185- машқ. Выучите наизусть следующие слова и словосочетания. Научитесь их правильно произносить. Выделите имена существительные.

Ўқимоқ — учиться, мутахассислик — специальность, қизиқиб қолмоқ — интересоваться, ёшликдан — с детства, жойлашмоқ — расположиться, санъат музейи — музей искусств, ўқишга кирмоқ — поступать (в институт), қабул кунини — дни приёма, тушлик — обед, ишлаб чиқармоқ — производить, ҳар хил асбоб-ускуналар — разные детали, ҳаво ўтказгич труба — дымоход, мўри қопқоғи — вьюшка.

186- машқ. Прочитайте и переведите на узбекский язык. Выделите собственные и нарицательные существительные.

Захириддин Мухаммад Бабур

(1483—1530)

Известный узбекский поэт, большой ценитель и покровитель науки, искусства и литературы Захириддин Мухаммад Бабур за свою короткую жизнь оставил богатое литературное и научное наследие. Его перу принадлежат знаменитое «Бабур-наме», снискавшее мировую признательность, оригинальные и пре-

красные лирические произведения, содержательные трактаты по музыке, военному искусству.

Поэтическое наследие Бабура многогранно и богато. В его стихотворениях реалистически отражены исторические события эпохи, его личная жизнь, окружающая среда, отношение к человеку, религии, обычаям и нравам времени.

Можно сказать, что стихи Бабура — автобиография поэта, в которых поэтическим языком, трогательно излагаются глубокие чувства, мастерски рассказывается о переживаниях, порожденных в результате столкновения с жизненными обстоятельствами.

5-§. Аниқ ва мавҳум отлар — конкретные и отвлеченные имена существительные. Конкретные существительные обозначают наименования отдельных предметов, например: *дафтар* — тетрадь, *китоб* — книга, *ўрик* — абрикос, *талаба* — студент, *бола* — ребенок, *каптар* — голубь, *лола* — тюльпан, *сув* — вода и т. д.

Отвлеченные существительные объединяют группу слов, выражающих различные абстрактные понятия — качество, действие, состояние и др. Например: *озодлик* — свобода, *бахт* — счастье, *севги* — любовь, *муҳаббат* — любовь, *яхшилик* — добро, *садоқат* — преданность и др.

187- машқ. Китоб ҳақида айтилган донолар фикрларини ёд олинг. От туркумига мансуб сўзларни аниқланг. Рус тилига таржима қилинг.

1. Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлни чархлайди ва юракни юмшатади. (У. Теккерей)

2. Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир. (С. Цвейг.)

6-§. Жамловчи отлар — собирательные имена существительные.

Собирательные существительные — это разряд слов, обозначающих совокупность однородных единиц (живых существ или предметов) как неделимое целое. Например: *халқ* — народ, *аҳоли*, *эл* — население, *гала* — куча, стая, *пода* — стадо и т. д.

188- машқ. Прочитайте. Выделите существительные и определите их разряды. Переведите.

Ҳовлимизнинг ёнидаги симёғочга олақарға келиб қўнди-ю, қаттиқ қағиллаб, ҳаммамизни безовта қила бошлади. Уни қувлаб юбордик. Лекин қуш ҳам ўжар экан, кўп ўтмай қайтиб келиб, симёғоч тепасида яна қағиллай бошлади.

Навбатдаги қувғиндан сўнг тагин қайтиб келгач, диққат билан боқдим. У оғздан юмалоқ бир нарса чиқариб, оёқларининг узун тирноқлари билан маҳкам қисганича яна қағиллай

кетди. Бирон нарсани кутаётгандек, ҳовлимиз томонга олазрак тикилаётганди. Шу пайт уйдан олти яшар Уроқбой югуриб чиқди-ю, симёгочга қараб чопқиллаб кетди. Олақарга болакайни олқишлагандек қанотларини шапиллатди. Уроқбой ҳам қушга қараб ўнг қўлини силтаб қўйди-да, қўйнидан бир парча нон чиқариб, симёгоч ёнига қўйди. Шу пайт олақарга чангалларини очиб юборганди, бир дона ёнғоқ чарсиллаб ерга тушди. Уроқбой ёнғоқни «кўз-кўз»лаб уйга югурди. Олақарга эса пастлаб келиб ердаги нонни олди-ю, кўздан ғойиб бўлди... («Еш куч»)

189- машқ. Қўйидаги от туркумига хос сўзларни маъноларига кўра аниқланг. Улар ёрдамида гаплар тузиб, рус тилига ағдаринг.

Уят, шафқат, меҳр, бало-қазо, ҳовли, жамоатчилик, пойдевор, орзу-истак, умр, бойлик, бахт, мўъжиза, билим, юрак, фан, тараққиёт, аждод, ақл, эътиқод, инсоният, асбоб-ускуна, одам.

190- машқ. Прочитайте слова. Переведите их на русский язык и запомните. Составьте с ними предложения.

Баҳор, дўст, чирой, келин, баҳс, ёноқ, совуқ, тўй, туман, рост, эл, юрт, ҳарбий техника, ҳукумат, уруш, қатнов жараёни, тирбандлик, оқим, йўл, қатнов, вилоят.

191- машқ. Прочитайте. Выделите собственные и нарицательные существительные. Запомните их. Переведите на русский язык.

1. Отаси Бадиуззамон Балхга кетаркан, ўз ўрнини, Астро-бод ҳокимлигини вақтинча унга топширган эди. (О.) 2. Мен Ҳафизага, қизимга, гапираётибман. (А. Қ.) 3. Йўлдош Гулноз-ни имлаб чақириб, машина кабинасига — шофер ёнига чиқарди. (Ҳ. Ғ.) 4. Баҳор келиб, Сирдарёнинг адирларига, қирларига лола гиламлар тўшалди. (Ҳ. Ғ.) 5. Ток остида ўтирган икки дўст — Даврон билан Сергей иссиққа дош бериб, қизғин суҳбатлашмоқда. (Е. Шукуров)

192- машқ. Прочитайте. Выделите существительные и переведите их.

Суҳбат

- Ақида, сиз бугун бўшмисиз?
- Нимага эди?
- Агар вақтингиз бўлса, «Нодирабегим» кинотеатрига борар эдик.
- У ерда янги фильм кетаяптими?
- Ҳа, ҳозир «Тошдаги гул» фильми намойиш қилинаяпти.
- Мен бу фильмни кўрганман.
- Ундай бўлса, циркка борайлик.
- Циркка боришни ёқтирмайман.

- Театрга-чи?
- Театрда қайси спектакль қўйиляпти?
- «Келинлар қўзғолони» спектакли.
- Майли, ундай бўлса борамиз. Ҳозир тайёргарлик кўраман.
- Мен бироз олдинроқ бориб билет олиб тураман.
- Хўп, келишдик.

193- машқ. Прочитайте. Определите разряды имен существительных. Переведите на русский язык.

1. София кўчаларида ёнига «Экобус» деб ёзилган «Икарус» автобуси пайдо бўлди. Ундаги дизель ёнилғисига пропан-бутан аралашмаси қўшилган бўлиб, бу ундан чиқаётган заҳарли газ миқдорининг маълум миқдорда камайишига имкон беради. («Фан ва турмуш»)

2. Дунёдаги юқори вольтли энг узун сув ости кабели Ботника кўрфазидаги шведларнинг Форсмарк электростанциясидан Финларнинг Раума шаҳрига (200 км масофада) ўтказилган. Ундаги ток кучланиши—400 киловольтга, ток кучи эса 1250 амперга тенг. («Фан ва турмуш»)

194- машқ. Прочитайте. Переведите на узбекский язык. Выделите по разрядам имена существительные.

Впереди — опытная станция, где впервые в стране выведены культурные сорта фисташек. А вот и придорожный указатель. Из-за поворота открылась покрытая цветущим миндалем и урюком излучина Вахша.

Нас окружили десятки людей.

— А в проекте новой электростанции учитывается наше предложение сохранить землю?— спрашивает председатель колхоза «Гайрат» Ш. Шакиров.

— Все будет в порядке,— успокаивает его начальник стройки. Евгений Павлович в свою очередь интересуется, помогут ли местные хозяйства рабочим.

— Тысяча колхозников станут строителями. Вот первый!— Шакиров знакомит с Хусейном Абдуалиевым.

Хусейн по зову сердца приехал на восстановление Ташкента, потом выучился на электросварщика.

Добираемся до крутого берега, где установлен небольшой щит с надписью «Здесь построят Сангтудинскую ГЭС». Много на Вахше красивых мест, но такого никому из нас не доводилось видеть.

7- §. Сон категорияси — категория числа. Категория числа — одна из важнейших грамматических категорий имени существительного, которая указывает на количество предметов. Категорию числа образуют грамматические значения единствен-

ного и множественного числа. Существительные, обозначающие один предмет в ряду однородных, употребляются в форме единственного числа, а существительные, обозначающие раздельное множество этих же предметов, употребляются в форме множественного числа. При этом существительное принимает показатель множественности **-лар**. Например: газета — газеталар, олим — олимлар, фасл — фасллар, тепалик — тепаликлар, дарё — дарёлар, бола — болалар и др.

Некоторые имена существительные не имеют формы множественного числа, т. е. употребляются только в единственном числе. К ним относятся следующие имена существительные:

1) названия отвлеченных понятий, качеств: *муҳаббат* — любовь, *тинчлик* — мир, спокойствие, *тезлик* — быстрота, *оқлик* — белизна;

2) наименования профессий, занятий: *деҳқончилик* — земледелие, *темирчилик* — кузнечное ремесло, *чорвачилик* — скотоводство;

3) наименования веществ, металлов, зерновых, изделий и продуктов из них: *темир* — железо, *олтин* — золото, *гуруч* — рис, *ун* — мука, *нон* — хлеб;

4) имена собственные: *Сирдарё*, *Тошкент*, *Наманган*, *Ўзбекистон*.

195- машқ. Прочитайте слова. Образуйте форму множественного числа. Переведите на русский язык.

Сут, гўшт, муҳаббат, мардлик, пахта, чой, кул, қўл, қайчи, шим, уй, от, ўқувчи, хўроз, сигнал, ака, ука, жимжитлик, қум, ўғил, ўртоқ, шаҳар корхона, бошлиқ, балиқ, фарфор, шим, дарвоза, атир, қипиқ, сайлов, ташвиш, таътил, бекинмачоқ, соат, сиёҳ, осмон.

196- машқ. Переведите устно на русский язык следующий текст. Определите разряды существительных.

Инсон одоби билан

Болажонлик — халқимизга хос азалий одат. Оилада фарзанд туғилиши ота-оналарга ҳам, қариндош-уруғ ва яқин кишиларга ҳам зўр қувонч бахш этади. Янги «меҳмон» шарафига бошланган хурсандчилик анча кунгача давом этади. Қелган кишилар уй эгаларини янги «меҳмон» билан қутлаб, «Қатта бўлсин», «Бахтини кўринг», «Ақлли-хушликкина бўлсин» деган яхши истаклар билдиришади.

Ота-она фарзандига яхши ният билан исм қўяди, шу кундан унинг келажаги, бахтини ўйлайди. Фарзандни ахлоқ-одоба ўргатиш, ўқитиш, каттароқ бўлганда бирор касб-ҳунар эгаси бўлишга ғамхўрлик қилиш ота-онанинг бурчидир.

Болани касб-ҳунарга ўргатишда қадимдан «Ота касб — она расм» нақлига қаттиқ риоя қилинган. Шунга кўра ўғил бола ёш чоғиданоқ ота ёнида дастёрликка ўргатилиб, ота хунарини эгаллаган, қиз бола эса она расмини тутган... (О. Тўраева)

Топшириқ. Составьте несколько предложений с употреблением существительных во множественном и единственном числе.

197- машқ. Прочитайте. Переведите и выучите следующие пословицы. Укажите существительные.

1. Тоза ҳаво — дардга даво. 2. Тозалик — соғлиқ гарови. 3. Той улгайса — от тинар, ўғил эр бўлса — ота. 4. Той қоқилмай йўл топмас, эр қоқилмай — дўст. 5. Ҳар ишни ўз вақтида қил. 6. Ҳар ким экканини ўрар. (*Халқ мақоллари*)

198- машқ. Прочитайте текст. Выделите слова с аффиксом -лар и объясните, какое значение передает он в предложении.

1. Соғиниб эрдим: баҳор бўлди баҳона, дўстлар. (*С. Абд.*)
2. Ахлоқ ўргатувчилар Холмурод билан баҳслашишга тушган бўлсалар-да, лекин асл мақсадлари бошқа эди. 3. Ер остидаги қувурларни адашган тоқлар емириб кетмасин учун унга зирқланган кабель улаб, чеккароқда қалайи ёки қўрғошин тахтачаси улаб қўйилади, маълум вақтларда бу тахтача янгилаб турилади. (*«Фан ва турмуш»*) 4. Унинг қуюқ қошлари кўтарилиб, чиройли кўзлари чарақлади. (*Ас. М.*) 5. Қанақа оналар эканки, келинини олдига солиб тўй-ҳашамларга юрадиган. (*С. Аҳм.*) 6. Ичи қора зотлар яхши билсинларки, мен қаерда бўлмайин, ҳақиқатни қўриқлайман. (*О.*) 7. Сирдарё энди халқ бойлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

199- машқ. Прочитайте и переведите следующие тексты. Выделите существительные и запомните их.

Если вы не знаете, как выбрать спелый арбуз, воспользуйтесь таким советом: у зрелого арбуза плодоножка засохшая, корка блестящая и упругая с ясным рисунком, а на боку, там, где арбуз соприкасался с землей, может быть желтое пятно. (*«Здоровье»*)

Электроника ва кашандалар

Америкалик олимлар электрон саноат корхонасида кашандаларнинг ишлаши бутунлай мумкин эмас, деган қатъий қарорга келдилар.

Улар махсус лазерли детектор ёрдамида кашандаларнинг чекканидан сўнг бир неча соат давомида чиқарган нафасидаги кўзга кўринмас зарралар миқдори (битта сигарет чеккан бўлсалар ҳам) чекмовчиларга нисбатан тахминан қирқ маротаба юқорироқ эканлигини аниқладилар. Бундай чанг зарраси се-

зувчанлиги юқори даражада бўлган асбобларга ўтириб қолади ва кейинчалик уларнинг ишида жиддий камчиликларни келтириб чиқаради. («Фан ва турмуш»)

8- §. Эгалик категорияси — категория принадлежности. В узбекском языке формы принадлежности образуются путем прибавления к имени особых притяжательных аффиксов, которые изменяются по лицам и числам (см. таблицу). Перед именем, стоящим с притяжательным аффиксом, можно употреблять личное местоимение в родительном (притяжательном) падеже. Например:

ТАБЛИЦА ПРИТЯЖАТЕЛЬНЫХ АФФИКСОВ

Число	Лицо	Показатель после гласных	Показатель после согласных	Перевод
ед. ч.	I	машина -м	йўл -им	моя машина, моя дорога
	II	машина -нг	йўл -инг	твоя машина, твоя дорога
	III	машина -си	йўл -и	его машина, его дорога
мн. ч.	I	машина -миз	йўл -имиз	наша машина, наша дорога
	II	машина -нгиз	йўл -ингиз	ваша машина, ваша дорога
	III	машина -лари	йўл -лари	их машина, их дорога

Единственное число

Множественное число

Менинг опам — моя сестра.

Бизнинг опамиз — наша сестра.

Сенинг опанг — твоя сестра.

Сизнинг опангиз — ваша сестра.

Унинг опаси — ее сестра.

Уларнинг опаси — их сестра.

200- машқ. Прочитайте. Переведите. Выделите имена существительные с притяжательными аффиксами.

1. Менинг укам политехника институтининг кечки бўлимида ўқийди. 2. Ноҳиямизда ташкил этилган деҳқон бозори ёнбошида пулли автомобиль тўхташ жойи ажратилди. 3. Чорсу бекатида йўловчиларнинг ўтиш жойи ер ости йўлига айлантрилди. 4. Менинг шахсий кутубхонамда йўл қурилишига оид адабиётлар мавжуд. 5. Бизнинг маҳалламиз ёнида автомобилларга ёнилги қуйиш жойи бор. 6. Сизнинг бетон қоришмангизнинг сифати бошқа қоришмалардан нимаси билан фарқланади?

201- машқ. Прочитайте вслух следующий текст. Запомните новые слова. Выделите слова с притяжательными аффиксами. Переведите их на русский язык.

Судбат

- Автомобиллар вокзалига қандай борилади?
- Собир Раҳимов метро бекати орқали борилади.
- Сизга қайси йўналиш керак?
- Тошкент — Самарқанд йўналиши.
- Автостанцияда ҳаракат миқдорини олдиндан айтадиган бюро мавжудми?
- Ҳа, мавжуд.
- Сизнинг вақтингиз кўпми?
- Бор, нима эди?
- Сизга бошқа автомобиль вокзалига бориш йўлини ҳам кўрсатардим.
- Керак эмас, раҳмат.

Топшириқ. Запомните следующие термины, определите притяжательные аффиксы.

Автомобиллар вокзали	автомобильный вокзал
Ҳаракат миқдорини олдиндан айтмоқ	прогнозирование интенсивности движения
Автомобиль тўхташ жойи	автомобильная стоянка
Йўловчиларнинг ўтиш жойи	пешеходная дорожка
Йўл қурилиши	дорожное строительство
Автомобилларга ёнилғи қуйиш жойи	автозаправочная станция (АЗС)
Бетон қоришмаси	смесь бетона

Топшириқ. Переведите слова и словосочетания на узбекский язык. Составьте с ними предложения.

Дамба, площадка, посадочная, мочный пункт, колонка, заправочная, глинистые грунты, лессы, гипс, гравий, пилорама, огнетушитель, окраска, опрыскиватель, острогубцы, плиты тротуарные.

9- §. Келишик категорияси — категория падежа. Падеж — это грамматическая категория, с помощью которой выражается отношение существительного к другим словам словосочетания или предложения. Категорию падежа образуют шесть падежей:

- 1) бош келишик — именительный падеж,
- 2) қаратқич келишиги — родительный (притяжательный) падеж,
- 3) тушум келишиги — винительный падеж,
- 4) жўналиш келишиги — дательный падеж,
- 5) ўрин-пайт келишиги — местный падеж,

6) чиқиш келишиги — исходный падеж.

В узбекском языке склонение производится путем прибавления к концу имени падежных аффиксов, обычно без изменения основы слова.

10-§. ОТЛАРИНГ ТУРЛАНИШИ — СКЛОНЕНИЕ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ

Келишиклар—падежи	От—имя существительное	Аффикслар—аффиксы	Келишик шаклидаги отлар—существительные в падежных формах
Бош келишик — именительный падеж	китоб	—	китоб
Қаратқич келишиги — родительный падеж	китоб	-нинг	китобнинг
Тушум келишиги — винительный падеж	китоб	-ни	китобни
Жўналиш келишиги — дательного-направительный падеж	китоб	-га(-ка, -қа)	китобга
Ўрин-пайт келишиги — местный (творительный) падеж	китоб	-да(-та)	китобда
Чиқиш келишиги — исходный (предложный) падеж	китоб	дан (-тан)	китобдан

11-§. Бош келишик — именительный (основной безаффиксальный) падеж отвечает на вопросы ким?, ним а? — кто? что?

Узбекский именительный в основном соответствует русскому именительному, но при обозначении лица, о возрасте которого идет речь, может соответствовать русскому дательному: Мен ўттиз иккидаман. — Мне тридцать два; Сен ўн саккиз ёшдасан. — Тебе восемнадцать лет.

202-машқ. Прочитайте. Переведите на узбекский язык. Выделите имена существительные в именительном падеже. Определите способ передачи их на узбекский язык.

1. Дорожно-строительные машины и оборудование, находящиеся на оснащении в управлении механизации, выделяются дорожно-мостостроительным и промышленным предприятиям. 2. При обнаружении крупных дефектов дорожно-строительных машин, которые невозможно ликвидировать на месте эксплуатации, машины направляются на специализированные предприятия. 3. Проблема повышения эффективности труда на базе специализации производства встает и перед ремонтниками. 4. Математические методы, в частности линейное программирование, широко применяются в строительстве. 5. Материальной базой расширенного воспроизводства является капитальное строительство. 6. Книга может быть использована инженерно-техническими работниками проектных и строительных дорожных организаций. (З. Саидов)

Топшириқ. Выучите следующие слова и словосочетания. При помощи их составьте предложения на узбекском языке.

Дорожно-строительные машины — йўл қурилиши машиналари.

Оборудование — жиҳозлаш, асбоб-ускуна билан таъминлаш.

Оснащение — ускуналаш, асбоб-ускуна билан таъминлаш.

Управление механизации — механизацияни бошқариш.

Специализированные предприятия — ихтисослашган корхона.

Ликвидировать — тугатмоқ, битирмоқ.

Линейное программирование — чизиқли дастурлаш.

Проектный — лойиҳага доир.

Применять — қўллаш, қўлламоқ.

203-машқ. Переведите текст на узбекский язык. Выделите в переведенном тексте именительный падеж.

Жили да были горлица и лисица. Вылетела однажды горлица из своего гнезда в поисках пищи. Вышла погулять и лисица из своей норы. Увидела лисица горлицу и у нее даже слюнки потекли изо рта.

Лисица пошла потихонечку вслед за горлицей и дошла до самого дерева, на котором находилось гнездо горлицы. В гнезде у горлицы были два птенчика. Они были совсем маленькие и еще не умели летать.

Стала лисица грозиться, стоя под деревом:

— Эй, горлица! Сбрось мне сюда своих птенцов. А коли не сбросишь, я на дерево взберусь, съем тебя и птенцов твоих, а гнездо твое — разорю!

Горлица-глупышка испугалась лисициных угроз, сбросила ей своих птенчиков. (Сказка)

Топшириқ. Прочитайте предложения. Переведите на русский язык. Выделите имена существительные в именительном падеже.

1. Қўмирни газга айлантириш 1200°C ҳароратда амалга оширилади. Газга айлантириш учун ёши камроқ қўмирлар ишлатилади, чунки буларда учувчи моддалар кўп ажралиб чиқади. 2. Нефть қазилмаси ёнувчи суюқлик бўлиб, мураккаб геологик жараёнларда пайдо бўлади. Унинг туси рангиз ҳолатдан тўқ қорагача бўлиши мумкин. 3. Илмий кузатишлар учун фойдаланиладиган органик боғловчиларни ҳар доим ҳам кундалик қурилишда ишлатиш осон эмас. Шунинг учун бу материалларнинг стандарт бўйича кузатиш натижалари илмий кузатишлардан олинган натижалардан айрим кўрсаткичлари билан фарқ қилади. 4. Табиий битумлар қаттиқ ёки ёпишқоқлик хоссасига эга бўлган қора ёки тўқ жигарранг кўринишда бўлиб, табиатда соф ҳолда ёки қолдиқ тоғ жинсларида: оҳак-

тош ёки қумга шимилган ҳолатда кўпроқ учрайди. Табиий битумлар соф ҳолда кам учрайди.

12- §. Қаратқич келишиги — родительный (притяжательный) падеж.

Образуется при помощи аффикса **-нинг** и отвечает на вопросы **кимнинг?**, **ниманинг?** — **кого?** **чего?** **чей?** **чья?**

Родительный падеж в узбекском языке указывает на принадлежность одного предмета другому. Название владельца ставится в родительном падеже, а название принадлежащего предмета снабжается притяжательными аффиксами: *менинг дафтарим* — моя тетрадь, *боланинг қўли* — рука ребёнка, *хўжаликнинг пахтаси* — хлопок (данного) хозяйства, *сенинг отанг* — твой отец.

Родительный падеж бывает оформленным (белгили) и неформленным (белгисиз): *хўжаликнинг бригадаси* — бригада (данного) хозяйства, *хўжалик бригадаси* — бригада хозяйства, *университет талабалари* — университетские студенты.

Неоформленный родительный падеж узбекского языка с послелогами передается на русский язык родительным, творительным и предложным падежами с предлогами. Например: *йўл ўртасида* — на середине дороги, *шағал ёнида* — у гравия, *қум орасида* — среди песка, *бино қаршисида* — против здания, *иморат олдида* — перед зданием, *йўллар орасида* — между дорогами, *поезд остида* — под поездом, *машина орқасида* — за машиной.

204- машқ. Матнини ўқинг. Таржима қилинг. Қаратқич келишигининг рус тилида ифодаланишини аниқланг.

Тарихимизга назар солсак, нафақат оддий касб, балки тожу тахт эгалари, давлат арбоблари орасида ҳам бир қўли билан салтанат измини тутиб, иккинчи қўлида давлат тебратган алломаларимиз кўплаб ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Зебуннисо, Гулбаданбегим, Моҳлар ойим — Нодира ана шундай буюк истеъдод эгалари бўлган маликаи давронларимиздир.

Малика Нодирабегим ҳақида сўз кетганда, «Ишқ шевасини ошкора куйлаган шоира» деб тилга оладилар. У ўзининг бу этиқодига форсийда битган газалларида ҳам содиқ қола олган. Нодирабегим ҳур фикрлари, дунёқараши билан кўплаб замондош шоирларга ўрнак бўлди, устозлик, ҳомийлик қилди. Фурқат, Муқимий, Нодим каби ижодкорларга Нодиранинг юксак қалб туғёни мевалари бўлмиш ижодиёти илҳом бағишлади. (*Газетадан*)

Топшириқ. Прочитайте. Укажите имена существительные в родительном падеже. Выучите новые слова. Переведите на русский язык.

Сирасини айтганда, жумҳуриятнинг кўпчилиги аҳолиси ер ости манбаларидан ичимлик суви билан таъминланади. Лекин ер ости сувининг оқар сувдан ҳосил бўлишини унутмаслигимиз

керак. Ҳолбуки, ифлосланган оқар сувлар сизиб ўтиб ер ости сувларини ҳам булғамоқда, оқибатда ер ости табиий сув заҳиралари йил сайин камайиб, ифлос сувли ерлар майдони кенгаймоқда. Ҳозирги вақтда чучук ер ости сувларининг асосий қисми Фарғона водийсида, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари водийларида, шунингдек Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларининг юқори қисмларида жойлашган. Жумҳуриятнинг қолган қисмларидаги ери ости сувлари инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида шўрланган бўлиб, истеъмолга яроқсиз. («*Фан ва турмуш*»).

Топшириқ. Прочитайте. Переведите на узбекский язык. Определите способы передачи падежных значений русского языка на узбекский.

Для получения водительских прав необходимо пройти медицинскую комиссию для автолюбителей, члены которой — врачи пяти специальностей: терапевт, хирург, невропатолог, окулист и оториноларинголог — тщательно проверят состояние вашего здоровья.

Решая «быть или не быть» любителю-автомобилисту, они руководствуются правилами, изложенными в Инструкции о порядке медицинского освидетельствования водителей и кандидатов в водители для определения их годности к управлению автотранспортом. В разделе IV этой инструкции приводится список медицинских противопоказаний, препятствующих управлению индивидуальным легковым автотранспортом. («*Здоровье*».)

205- машқ. Прочитайте текст. Укажите слова в родительном падеже. Переведите на русский язык. Выучите незнакомые слова.

Тошкентда метро қурилди. Ер ости электр темир йўли метро деб аталади. Сиз ўзи юрар зиналар орқали бир зумда метронинг ер ости бекатига тушасиз.

Метронинг кўркам ва озода бекатлари ҳамиша одамлар билан гавжум. Айниқса «Мустақиллик майдони», «Ҳамза», «Ҳамид Олимжон» ва «Чилонзор» бекатлари жуда чиройли нақшлар билан безатилган. Метронинг чароғон поездлари эрта тонгдан тун яримгача тўхтовсиз юриб туради, одамларни кўзлаган манзилларига бир зумда элтиб қўяди.

Яқинда метронинг янги йўллари ва бекатлари қурилиб, ишга тушади. Тошкентнинг кўп томонларига метро поездлари қатнайди. Одамларнинг узоғини яқин қилади.

206- машқ. Составьте предложения на узбекском языке из данных слов и словосочетаний. Переведите на русский язык. Определите падежные формы в обоих языках.

Мактаб ёнида, мустаҳкамлаш учун, онам учун, тонггача, бошпанасиз, майда тош парчаларидан, мўри қопқоғи, катта иморат орқасидан, корхона кутубхонасидан, труба кесми асбоби билан, электр арра, устидан тортиш, кўприк устунни.

Топшириқ. Переведите на узбекский язык следующие предложения. Определите способы передачи значений русских падежей на узбекском языке.

1. Существуют рациональные методы выбора машин и механизмов по видам дорожных работ. 2. Имеются дорожно-мостостроительные и эксплуатационные организации, за которыми закреплены строящиеся объекты. 3. На каждом объекте производится определенная работа по возделыванию земельного полотна, искусственных дорог. (З. Х. Саидов)

13-§. Тушум келишиги — винительный падеж. Винительный падеж отвечает на вопросы *кимни? нимани?* — кого? что? и образуется при помощи аффикса *-ни*. Например: *Қаламни олдим.* — Я взял карандаш. *Дўстимни кўрдим.* — Я видел друга. *Хатни мен ёздим.* — Я написал письмо. *Китобни варақладим.* — Я перелистал книгу.

Этот падеж выражает объектное значение, т. е. указывает предмет, на который переходит действие. Поэтому в узбекском языке слово в винительном падеже всегда связывается с переходным глаголом. Например: *Меҳнат унумдорлигини оширамиз.* — Повысим производительность труда. *Устахонани соат бешда беркитамиз.* — Мастерскую закроем в пять часов.

Винительный падеж, как и притяжательный, бывает оформленным (белгили) и неоформленным (белгисиз).

В вышеуказанных примерах слово в винительном падеже оформлено аффиксом *-ни*, в этих предложениях речь идет о конкретном предмете.

В неоформленном винительном падеже слово тесно связано с глаголом-сказуемым и отвечает на вопрос *нима?*, в этом случае речь идет о предметах вообще. Например: *Магазиндан мармар уюғи олдим.* — В магазине купил мраморную крошку. *Биз завод билан шартнома туздик.* — Мы подписали с заводом контракт.

Топшириқ. Переведите текст на узбекский язык. Определите способы передачи падежных значений русского языка на узбекский. Выучите новые слова.

На железнодорожном транспорте обеспечить совершенствование организации эксплуатационной работы железных дорог, ремонта и содержания пути и подвижного состава, значительно повысить производительность локомотивов и вагонов, средний вес грузовых поездов. Увеличить скорости движения поездов, ускорить оборот вагонов.

Повысить пропускную и перевозную способности железных дорог. Увеличить перерабатывающую способность сортировочных, грузовых и пассажирских станций. Ускорить дальнейшее развитие и техническое переоснащение локомотивных и вагонных депо, заводов по ремонту подвижного состава, производству запасных частей и стрелочных переводов.

Вести в эксплуатацию 2,3 тыс. км новых железнодорожных

линий, построить не менее 4 тыс. км вторых путей, электрифицировать 8 тыс. км железнодорожных линий, обновить и пополнить парк локомотивов и вагонов путем оснащения его более надежными и экономичными локомотивами новых серий, электро- и дизель-поездами, грузовыми вагонами повышенной грузоподъемности и вместимости, пассажирскими вагонами и вагонами метрополитена улучшенной комфортабельности. Увеличить долю специализированных вагонов в эксплуатируемом парке в 1,3—1,4 раза. Завершить перевод парка грузовых вагонов на роликовые подшипники.

207- машқ. Прочитайте. Укажите имена существительные в винительном падеже. Переведите на русский язык.

Суҳбат

Айтинг-чи, йўл эмульсиялари қайси мақсадларда қўлланилади?

— Агар жавобим тўғри бўлса, қуйидаги мақсадларда ишлатилади: йўл эмульсиялари кўпинча асфальт-бетон ва қумтошли қоринчалар тайёрлашда, тупроқларни қайта ишлашда, йўл қирғоқларини, йўл қопламаларини мустақкамлашда, шимдириш йўли билан ишлатиладиган қопламаларда, шағал тайёрлашда, қопламаларни тузатишда қўлланади.

— Йўлларнинг тозалигини таъминлашда-чи?

— Ҳа, буни унутибман. Йўлларнинг тозалигини таъминлашда ҳам, шунга ўхшаш бошқа бир қатор ишларни олиб боришда ҳам ишлатилади.

— Эмульсиялар қўлланган қурилиш материаллари билан боғлиқ бўлган ишларни олиб боришда нималарга аҳамият бериш лозим?

— Қоплама бутунлай қотмасдан туриб ҳаракатга йўл қўймаслик керак. Қопламанинг қотишини таъминлаш учун махсус усуллардан фойдаланишни ташкил этиш лозим. Бу орқали қопламанинг таркибидаги сув зарралари буғланиб чиқиб кетишига имкон яратилади.

— Раҳмат, тушундим.

208- машқ. Переведите текст на узбекский язык. Определите способы передачи русских падежных значений на узбекском языке.

Любовь для Бабура — верность, преданность, благородство и человечность. Он ставит ее превыше всего: богатства, общественного положения и всех земных благ. Поэт в своих совершенных газелях создает образ прекрасной, возлюбленной, надевая ее небывало красивой внешностью, богатым внутренним содержанием, духовным совершенством. При этом он умело использует оригинальные художественные средства.

209- машқ. Матндаги нуқталар ўринга керакли келишиқ қўшимчаларини қўйиб, рус тилига таржима қилинг.

Сухбат

- Аҳмад, сиз қайси йўл... кетяписиз?
- Кўрмаяписизми, мен тош йўл... кетяпман.
- Нима учун йўлдаги тупроқ чет... чиқарилган?
- Сув йўллари... тузатишяпти.
- Бизнинг шаҳар... тез-тез шундай қазилар бўлиб туради.
- Менимча, йўл муҳандислари ўз лойиҳалари... яхшилаб ўйлаб тузишмайди.
- Яқиндагина катта кўчадаги пиёдалар йўлкаси қайта тикланган эди. Йўлкаларни яна бузишяпти.
- Шундай, давлат пули... тежаш ҳеч ким... хаёли... келмайди.

14-§. *Жўналиш келишиги* — дательно-направительный падеж отвечает на вопросы *кимга? нимага? қаерга?* — кому? чему? куда? и обозначает предмет, на который направлено действие.

Приметой его служит аффикс *-га (-ка, -қа)*. Например: *Биннинг сўл қанотига ўтдим.* — Перешел в левое крыло здания. *Темирчилик цехига ишчилар қабул қилинади.* — В кузнечный цех принимаются рабочие.

210- машқ. Прочитайте. Выделите в предложениях знакомые падежные формы. Переведите термины.

1. Кўпгина асосий карбонат жинслар (оҳактош, доломит) мусбат зарядларга ва кислоталилар (гранит, кварц) манфий зарядларга эга. 2. Электростатик назарияга кўра, адгезия, яъни битумларнинг оҳактошлар билан яхши ёпилиши, тош материаллар ва битум тўлдирувчилари юзасидаги ҳар хил зарядларга асосланган бўлиб, баъзи бир хил кислотали (гранит, кварц) ларда ёмон ёпишиш хусусиятига эга. 3. Оҳактошлар тўхтовсиз сизилиш ҳисобига битум билан яхши боғланишга эга. Натижада шимувчи қобиқ сувга ва иссиққа барқарорликни оширади ҳамда юқори механик хоссаларга эришишга имкон беради.

Топшириқ. Выделите в словах падежные окончания. Переведите слова и словосочетания на русский язык. Постарайтесь их запомнить.

Зовурдан, қатнов техникасининг, қатнов жараёни, техник жиҳатдан, тўқнашиш нуқтасида, қатнов зичлиги орқасига, қировдан сўнг, кўчкидан кейин, қор бўрони, қорни тозалаш, ўзанинг чуқурлашиши, йўл минтақасини, илғаш (кўриш) чегараси, чорраҳага келганда.

211- машқ. Переведите тексты на русский язык. Определите способы перевода узбекских падежей на русский язык.

1. Ҳамшаҳаримиз Собир Раҳимов атиги 43 йил — қисқа, лекин жуда сермазмун умр кўрди. У 1922 йили Бокуда ҳарбий

билим юртида ўқий бошлаганидан то умрининг охирги нафасигача Ватан ҳимоячиси бўлиб, взвод қўмондонлигидан генерал-майор, гвардиячи дивизия қўмондони даражасигача кўтарилди. У ўзи бошлиқ полклар, дивизиялар билан бутун уруш давомида, ҳатто орқага чекинишаётган пайтларда ҳам душманга қақшатқич зарба бериб, ғалаба қозониб келди. У 1945 йил 26 март куни қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

2. 1945 йил май кунлари ўзбек халқининг истаги билан генерал Собир Раҳимовнинг ҳоки Тошкентдаги қардошлар қабристонига келтирилиб, дафн этилди. Ғалабанинг 20 йиллиги муносабати билан Ватан урушида кўрсатган жасурлиги учун Собир Умарович Раҳимовга Қаҳрамон унвони берилди.

Генерал С. Раҳимовнинг хотираси ўлкамизда зўр ҳурмат билан эсга олинади. Жумҳуриятимиздаги кўпгина мактаблар, жамоа ва давлат хўжаликлари, кўчалар ва метро бекати генерал С. Раҳимов номи билан аталмоқда.

Тошпириқ. Переведите слова и словосочетания на узбекский язык. Выучите их наизусть.

Уклон виража, строительная индустрия, заготовительные работы, рациональный метод, эксплуатационная производительность, транзитное движение, слияние потока движения.

15-§. Урин-пайт келишиги — местный (предложный) падеж отвечает на вопросы *кимда? нимада? қаерда? қачон?* — в ком? в чем? где? когда? Образуется при помощи аффикса *-да* и указывает на место и время совершения действия. Например: *Мен санаторийда дам олдим.* — Я отдыхал в санатории. *У пальтода эди.* — Он был в пальто. *Биз поездда жўнадик.* — Мы ехали на поезде. *Бу йил уйда дам оламан.* — В этом году буду отдыхать дома. *Қишда мен конькида учишни яхши кўраман.* — Зимой я люблю кататься на коньках.

Слова в местном падеже не всегда сходятся с русским предложным. Узбекский предложный по-русски передается:

1) родительным с предлогами *у, около, возле*. Например: *Қариндошимникида эдим.* — Был у родственника. *Дарё ёнида дам олдик.* — Отдыхали у реки. *Урмон ёнида катта йўл бор.* — Около леса есть большая дорога. *Уй ёнида завод жойлашган.* — Возле дома расположен завод;

2) дательным с предлогом *по*. Например: *Қар сешанбада дарс бўлмайди.* — По вторникам не бывает занятий;

3) винительным с предлогами *за, про*. Например: *Бир кунда Москвага бориб келиш мумкин.* — За день можно съездить в Москву. *Уз ота-онам тўғрисида ҳеч нарса билмайман.* — Про своих родителей ничего не знаю;

4) творительным с предложением *под*. Например: *Сизнинг раҳбарлигингизда план бажарилди.* — Под вашим руководством выполнен план.

212- машқ. Прочитайте диалог. Выделите знакомые падежные формы.

Суҳбат

— Йўл қурилиш материаллари жуда хилма-хил, шундай эмасми?

— Ҳа, албата.

— Агар сиз бу соҳа мутахассиси бўлсангиз, баъзи бирлари билан мени таништириб ўтсангиз.

— Жоним билан, сиз ҳам шу соҳа эгасига ўхшайсиз.

— Худди шундай.

— Ундай бўлса, мен сизга битум маркалари ҳақида гапириб берай. Масалан, БНД 200/300 битум маркаси иссиқ асфальт-бетон қоришмаларини тайёрлаш учун, БН 200/300 битум маркаси эса совуқ иқлимли районларда қопламалар юзасидан ишлов бериш учун ишлатилади.

— Жазирама иқлимли районларда иссиқ асфальт-бетон қоришмаларини тайёрлаш учун қандай битум маркаси ишлатилади?

— Бундай иссиқ районларда БНД 40/60 битум маркаси қўлланади.

— Мўътадил иқлимли районларда иссиқ асфальт-бетон қоришмаларини тайёрлаш учун бошқа маркали битум ишлатилса керак-а?

— Ҳа, албатта. Бу районларда БНД 90/130 маркали битум ишлатилади. Бу тафсилотларни З. Х. Саидов томонидан ёзилган дарсликдан кенгроқ билиб олишингиз мумкин.

Топшириқ. Запомните следующие фразеологизмы. Переведите их на русский язык. Определите способы передачи падежных значений.

1. Бир чўқишда қочиради. 2. Бурнидан эшак қурт ёғилади. 3. Гап бу ёқда денг. 4. Гап сенда қолди. 5. Ерда ҳам йўқ, кўкда ҳам йўқ. 6. Оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. 7. Тилдан бол томади. 8. Қармоққа илинмоқ.

213- машқ. Матндаги нуқталар ўрнига келишник аффиксларни қўйиб, рус тилига таржима қилинг.

Суҳбат

— Сиз қаер... ишлайсиз?

— Мен бетон қориш цех... ишлайман.

— Сиз... цехингиз... қандай бетонлар ишлаб чиқарилади?

— Биз... цех... силикат бетон ва рангли бетонлар ишлаб чиқарилади.

— Темир бетон ишлаб чиқарилмайдими?

— Темир бетон бошқа цех... ишлаб чиқарилади.

— Каучук цементли бетон, пластмасса бетонлар нечанчи цехда ишлаб чиқарилади?

— Бу бетонлар... ишлаб чиқарувчи цех энди очилмоқчи.

Топшириқ. Переведите текст на узбекский язык. Определите способы передачи падежных значений.

Шумная работа холодильника всегда раздражающе действует на нервную систему. Чтобы холодильник работал бесшумно и надежно, его следует установить строго горизонтально. Но добиться этого не всегда легко. Вот один из простейших способов. Налейте в ванночку, имеющуюся в холодильнике, подкрашенную чернилами воду и поставьте ее на дно морозильной камеры. Регулируя винты в ножках холодильника, добейтесь ровного расстояния «зеркала» воды от краев ванночки.

Чтобы уменьшить сырость в подполье, закройте грунт под садовым домиком слоем рубероида. От этого более сухим станет воздух в помещении, а деревянные конструкции прослужат дольше.

16-§. Чиқиш келишиги — исходный падеж отвечает на вопросы кимдан? нимадан? қаердан? — от кого? от чего? откуда? Образуется при помощи аффикса -дан и указывает на место, время, объект, от которого начинается действие, или причину действия. Например: *Мен кўприкдан ўтдим.* — Я перешел через мост. *Мен директордан рухсат сўрадим.* — Я спросил разрешение у директора. *Ўтхонадан ёнғин чиқди.* — Пожар возник от кочеварки.

На русском языке исходный падеж передается:

1) родительным падежом с предлогами *с, от, из, после, из-под, кроме*. Например: *У заводдан келяпти.* — Он идет с завода. *Хат акамдан келди.* — Письмо пришло от брата. *Ашуладан сўзни чиқариб ташлаб бўлмади.* — Из песни слова не выкинешь. *Ишдан кейин келамиз.* — Придем после работы. *Тош остидан* — из-под камня, *онамдан бошқа* — кроме матери;

2) винительным падежом с предлогом *через*: *Дарёдан ўтдик.* — Пошли через реку;

3) дательным падежом с предлогом *по*: *ҳар кимга бир сўмдан* — каждому по рублю, *ҳар кимга бир қаламдан* — каждому по карандашу.

Топшириқ. Прочитайте. Вместо точек вставьте нужные падежные окончания. Переведите на русский язык.

1. Аҳмад тош йўл... борарди. 2. Чет... чиқарилган тупроқ йўловчилар... ҳалақит берарди. 3. Бир машина пона тош... бирма-бир текшириб чиқишди. 4. Катта кўчадаги пиёдалар йўлкаси... қайта тиклашди. 5. Йўлнинг шаҳар... ташқаридаги қисми.

6. Бирор вилоят... тааллуқли умумий ичкари... йўналган қатнов... бир қисми, шу жумла... транзит қатнов. 7. Юк ташиш... бўлган эҳтиёж... ўзгартирмай, қатнов... сифат жиҳатдан яхшилаш.

214- машқ. Переведите на русский язык данные узбекские фразеологизмы. Постарайтесь их запомнить. Определите в них падежные формы.

1. Ажалидан беш кун бурун ўлмоқ. 2. Акаси жонидан. 3. Армондан чиқмоқ. 4. Бошидан қолсин. 5. Жони темирдан экан. 6. Жондан ортиқ кўрмоқ. 7. Оламдан ўтмоқ. 8. Олдидан ўтмоқ. 9. Эҳтимолдан узоқ эмас. 10. Юзингда кўзинг борми демай.

215- машқ. Переведите следующий текст на русский язык. Укажите падежные формы в обоих языках.

Икки фарзанд

Бир куни аёллар бир-бирига болаларини мақтаб қолишди. Биринчи аёл:

— Дугонажон, менинг ўғлим худди Карл Маркснинг ўзгинаси, ҳеч кутубхонадан чиқмайди, доимо ўқигани-ўқиган,— деди. Иккинчи аёл ҳам бўш келмади:

— Менинг ўғлим тушмагур худди ёшликдаги бобосининг ўзгинаси. У турмадан чиқиб, бу турмага тушади.

Топшириқ. Переведите следующие слова и словосочетания на узбекский язык. При помощи их составьте предложения с употреблением исходного падежа.

Механовооруженность, сметная стоимость выполненных работ, фактическая себестоимость выполненных работ, рентабельность, эффективность, землеройные механизмы, подъемно-транспортное оборудование, силовые машины, простой в ремонте, сверхнормативный простой.

17- §. Отларнинг ясалиши — словообразование имен существительных. В узбекском языке словообразование имен существительных осуществляется следующими способами:

1) прибавлением к основе слов разных словообразовательных аффиксов. Например: *иш-чи* — *ишчи* — рабочий; *пахтакор* — *пахтакор* — хлопкороб; *кўк-ат* — *кўкат* — зелень; *йўлдош* — *йўлдош* — спутник; *сев-ги* — *севги* — любовь; *ўр-им* — *ўрим* — жатва; *тош-лоқ* — *тошлоқ* — каменистое место; *кура-к* — *курак* — лопата; *бирик-ма* — *бирикма* — соединение; *болғала-ш* — *болғалаш* —ковка; *ўт-хона* — *ўтхона* — кочегарка; *тунука-соз* — *тунукасоз* — кровельщик; *чиз-иқ* — *чизиқ* — линия; *қорғич* — *қорғич* — мешалка; *енг-лик* — *енглик* — нарукавник и др;

2) соединением двух или более основ (образование сложных слов) (қўшма сўзлар). В таких сложных словах синтаксическая

связь исчезает, они произносятся с одним ударением. Например: *тоғ-олча* — *тоғолча* — алыча; *ош-қозон* — *ошқозон* — желудок; *калта-кесак* — *калтакесак* — ящерица; *Сир-дарё* — *Сирдарё* — Сырдарья; *шип-том* — *шиптом* — перекрытие; *гул-ранда* — *гулранда* — рубанок; *кўз-ойнак* — *кўзойнак* — наглазник, очки; *тилоғоч* — *тилоғоч* — лиственница; *тош-тарош* — *тоштарош* — камнетес; *тош-пахта* — *тошпахта* — асбест; *авто-ранда* — *авторанда* — автофуга; *авто-ортгич* — *автоортгич* — автопогрузчик; *темир-йўл* — *темир йўл* — железная дорога; *кўпик-бетон* — *кўпикбетон* — пенобетон.

В последних двух примерах сложные слова пишутся раздельно, так как они сохраняют свое собственное значение и ударение.

Сложные слова, которые состоят из прилагательного и имени собственного, типа *Ўрта Осие*, *Юқори Чирчиқ*, *Шимолий Кавказ* и т. д., пишутся раздельно;

3) повторением двух основ имен существительных, которые вместе выражают одно общее понятие (образование парных слов) (жуфт сўзлар). Такие слова пишутся через дефис. Например: *уй-жой* — жилище, *қозон-товоқ* — посуда, *йўл-йўриқ* — указание, *куч-қувват* — мощность, *катта-кичик* — все (т. е. взрослые и дети), *ота-она* — родители, *хотин-қиз* — женщина, *қоғоз-моғоз* — бумажонки, *урф-одат* — обычай и др.

Топшириқ. Прочитайте. Выделите имена существительные. Определите их по составу и по значению. Запомните новые слова. Переведите на русский язык.

Суҳбат

- Сиз қаерда ишлайсиз?
- АТСда, яъни автоматлаштирилган телефон станциясида.
- Сиз-чи?
- Мен темирбетон заводида ишлайман.
- Сизда шағал-қум қоришмаси топиладими?
- Бор, лекин катта бино қурилишларига юборилди.
- Тошкентда нечта АТС ишлайди?
- Ҳозирги пайтда АТС тармоқлари кўпайиб кетди, улар ўнтадан ошди.
- Сиз ишлайдиган ташкилотда хотин-қизлар ҳам борми?
- Ҳа, бор.

216-машқ. Прочитайте. В один столбик выпишите сложные имена существительные, а в другой — парные. При помощи этих слов составьте предложения. Переведите.

Кўлқоп, ака-ука, отбоқар, нон-пон, музёрар, босволди, бешотар, меҳр-муҳаббат, чўл-бўстонлар, ақл-фаросат, тўй-пўй, темир-терсак, томорқа, шопипоя, бола-чақа, боғ-бўстон, ўғил-қиз, қариндош-уруғ, она-Ватан, опа-сингил.

217- машқ. Прочитайте. Выпишите производные аффиксальные, сложные и парные имена существительные. Переведите предложения на русский язык.

1. Заводнинг маҳсулотлари — пахтачиликка оид тракторлар, пахтани қоп-қанорсиз ташнишга мўлжалланган трактор тиркамаларидан иборат. 2. Тошкент илгари тошлоқ ерлардан иборат эди. 3. Кейинги йилларда фан-техника тараққиёти анча юқори даражага кўтарилди. 4. Гуллар ичида гултожихўроз шифобахшлиги билан ажралиб туради. 5. Устахона янги моллар билан таъминланди. 6. Кўпик-бетон қурилиш ишларида зарур бўлади. 7. Асфальт-бетон, грунт-бетон ва мастика сингари материаллар заводларда ишлаб чиқарилади. 8. Чорқирра ёғоч тўсин иморат қуриш ишларида зарур бўлган материаллардан биридир.

218- машқ. Прочитайте вслух слова и словосочетания. При помощи их составьте предложения.

Қатновни бошқариш — регулирование движения; устама қатнов — транзитное движение; кўча, шаҳар йўли — улица, городская дорога; пиёдалар йўлкаси — пешеходная дорожка; йўл ўзаги — основание дороги; қатрон-бетон — дегтебетон; қистирма — прокладка; ўртоқ — товарищ; мажлис — собрание; тупроқ — грунт; йўл битуми — дорожный битум; шағал — гравий.

219- машқ. Қуйидаги матиларни ўқинг. Қайта сўзлаб беринг. Рус тилига таржима қилинг.

Хушхабар

— Бу калла билан узоққа боролмайсиз, йингитча,— деди профессор ўз талабасига.

Талаба бундан жуда қувониб кетди:

— Ташаккур, домла, ўзим ҳам шаҳарда қолмоқчи эдим.

Интизомсиз аълочи

— Дарсга доимо кечикиб келасиз,— деб аччиғланди ўқитувчи.— Бу қанақа гап?

— Олдингиси дарак гап, кейингиси сўроқ гап,— деб жавоб қилди ўқувчи.

Маҳаллий «буюк зот»

— Утган дарсни яхши ўзлаштирганим учун адабиётдан «беш» олдим, дада!

— Ўзи нимани ўтувдинглар?

— Мактабимиз директорининг таржимаи ҳолини... . («Еш куч».)

220- машқ. При помощи данных словосочетаний составьте предложения. Переведите их на русский язык.

Тош йўл — мостовая; сунъий қум — дробленый песок; транспорт тармоғи — транспортная сеть; жұнатиш манзили — пункт отправления; трассанинг бош режаси — генеральный план трассы; совуқ қатрон-бетон — холодный дегтебон; қуйма асфальт — литой асфальт.

221- машқ. Прочитайте текст. Составьте на узбекском языке вопросы по его содержанию и задайте их собеседнику.

Картошка палов — плов с картофелем

В раскаленном жире пережарить лук. Мясо, нарезанное кусочками, жарить вместе с луком до образования красной корочки, затем в котел налить воды, дать закипеть. В это же время добавить соль и специи. Когда закипит зирвак, в котел положить картофель, нарезанный крупной соломкой (шпалками) и, не доводя до кипения, засыпать рис. После упарки влаги закрыть тарелкой, довести до готовности.

1. Ҳар ким феълига яраша олар. (Мақол.) 2. Хатога йўл қўйганларни айбига қараб жазолашди. 3. Жамоада кишилар ўртасида яхши муносабатларни вужудга келтиришда руҳий вазият катта аҳамият касб этади. (Э. Юсупов.) 4. Қиз бола-нинг бахти кул тагида ётар. (Мақол.) 5. Шубҳасиз, мезбон сиз келишингиз билан истиқболингиз томон юради. 6. Шухрат дўстлари каби хушчақчақ бўлишни истар эди.

Топшириқ. Переведите текст на узбекский язык. Выделите послелог. Выучите термины, относящиеся к швейной работе.

Много разных тканей выпускают ткацкие фабрики нашей республики. И сколько необходимых красивых изделий изготавливают из них! Из тканей шьют платья, пальто, белье и многое другое.

Используют ткань и при изготовлении обуви, мебели, спортивного инвентаря, детских игрушек.

Кто же превращает ткань в удобные, красивые, нужные всем вещи? Люди разных профессий — мастера своего дела.

На швейных фабриках, в мастерских, ателье трудится большое количество рабочих различных профессий. К ним относятся: портной, швея, закройщик и другие.

Швея работает на швейной фабрике или в ателье. Она выполняет различные виды работ по пошиву изделий на промышленных швейных машинах.

Закройщик работает в ателье. Он помогает заказчику выбрать фасон изделия, снимает с него мерки, раскраивает ткань, делает примерку изделия.

Портной по ремонту одежды работает в мастерской по ремонту одежды. Он занимается ремонтом белья, верхней одежды.

Утюжильщик работает в ателье, мастерской, на швейной фабрике. Выполняет утюжку различных деталей или готовых изделий.

33-§. Боғловчилар — союзы. Союз — служебная часть речи, выражающая грамматические отношения между членами предложения, частями сложного предложения и отдельными предложениями в составе связного текста.

В узбекском языке союзы по своим грамматическим особенностям делятся на сочинительные и подчинительные.

Тенг боғловчилар — сочинительные союзы. Сочинительные союзы соединяют однородные члены предложения и части сложносочиненного предложения. Назовем наиболее употребительные сочинительные союзы.

Ва (и): *Болалар юкларини аравага ортдилар ва ўзлари пиёда йўлга чиқдилар. (П. Т.)* — Дети погрузили свой багаж в арбу и сами отправились в путь пешком. *Қор ва шамол кучаяборди. (О.)* — Снег и ветер усиливались.

Ҳам (и, также, тоже, хотя, даже): *Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам гўё кўндан таниш, қадрдон одамлардай ҳис қилишарди ўзларини. (О.)* — И гости, и хозяева чувствовали себя как давно знакомые люди. *Буларнинг ичиди қизил соқчилар ҳам кўринар эди. (А. Қод.)* — Среди них мелькали также красные патрули.

Ҳамда (и, а также): *Уйларнинг деразаларидан болалар ҳамда хотин-қизларнинг кулгиси эшитилар эди.* — Из окон домов был слышен смех детей и женщин. *Аҳмад, Дилшод, Севара ҳамда Қодир мукофот олди.* — Ахмед, Дилшод, Севара, а также Кадыр получили награды.

Бироқ (но, однако): *Уктам меваларни саралайди, бироқ егиси келмайди. (О.)* — Уктам выбирает фрукты, но не хочет есть.

Аммо (но, однако): *Иван Кузьмич ... ўқимаган, содда, аммо кўнглида кири йўқ одам эди. (А. С. Пушкин.)* — Иван Кузьмич ... был неграмотный, простой, но бесхитростный человек.

Лекин (но, однако): *Ийғилганлар ҳаммаси урушни ўйларди, лекин ундан оғиз очишга ҳеч ким журғат эта олмас эди (Ҳ. Фулом.)* — Собравшиеся думали о войне, однако никто не осмеливался начать разговор о ней.

Балки (может быть): *Бироз қутинг, балки директор келиб қолар.* — Немного подождите, может быть, директор придет.

Фақат (только): *Мен фақат сизни севаман.* — Я люблю только вас. *У фақат ўз оиласи камчиликлари ҳақида гапирар эди.* — Он говорил о своих семейных недостатках.

Ё, ёки, ёхуд (или, или же): *У ҳам кўп ўтмай ё инженер, ё ўқитувчи бўлиши мумкин. (О.)* — Скоро он тоже может стать инженером или преподавателем. *Қишлоққа от ёхуд аравада жўнаш керак.* — В кишлак нужно ехать на коне или на арбе. *Эртага Собир ёки Илҳом навбатчилик қилади.* — Завтра Собир или Ильхом будет дежурить.

Гоҳ-гоҳ (то-то, иногда): *У қизга гоҳ кўкиш, гоҳ кўк, гоҳ бирдан чақновчи кўзлари билан боқар ... (А. Фадеев)* — Он

смотрел на девушку: то голубоватыми, то голубыми, то внезапно сияющими глазами ... *Зумрад ... ўртоғи Гуласал билан иш тикиб, гоҳ кулишиб, гоҳ жиддий сўзлашиб ўтирарди.* (О.) — Зумрад со своей подругой Гуласал, занимаясь рукоделием, то смеялись, то серьезно беседовали.

Баъзан-баъзан (иногда, временами): *Чўл ва қирларда баъзан қўй-қўзиларнинг маърашлари, баъзан чўпонларнинг овозлари эшитилиб турарди.* — Со степи иногда было слышно блеяние овец, временами голоса пастухов. *Баъзан тўғри, баъзан ёлғон гапиришга тўғри келади.* — Иногда приходится говорить правду, а иногда неправду.

Эргаштирувчи боғловчилар — подчинительные союзы. Подчинительные союзы служат для связи придаточной части сложного предложения с главной. Перечислим наиболее употребительные подчинительные союзы.

Чунки (потому что, так как): *Салима мусобақада ғолиб чиқди, чунки унинг билими кучли эди.* — Салима выиграла соревнование, так как ее знание было глубоким. *Баҳром жумлаларни бузиб гапирди, чунки унинг фикри ҳам чалкаш эди.* — Баҳром говорил, искажая речь, так как его мысль была запутанной.

Шунинг учун (поэтому): *Мен кечки бўлимда ўқийман, шунинг учун кундузи ишлашим шарт.* — Я учусь на вечернем отделении, поэтому днем должен работать. *Акам автомобиль йўллар институтида ўқийди, шунинг учун уйимизда техникага доир китоблар кўп.* — Мой брат учится в автодорожном институте, поэтому у нас в доме много книг по технике.

Агар (если): *Агар мени сўраб келсалар, мен майдонда бўламан.* — Если меня спросят, я буду на площади. *Агар сиз рози бўлсангиз, эртадан ишни бошлаб юборамиз.* — Если вы согласны, с завтрашнего дня начнем работу.

Гўё, гуёки (как будто): *Донецк бўйининг ўткир шамоли, жазирама офтоби, гўё бу қизларни бир-биридан фарқ қилдирмоқчи бўлгандай, бирини қорайтириб, бирини қип-қизартириб юборган эди.* (А. Фадеев.) — Сильный ветер, палящие лучи солнца Донца, как будто бы различая этих девушек друг от друга, одних сделали смуглыми, а других багровыми. *У китобни шундай берилиб ўқир эдики, гўёки китобга михлангандек.* — Он читал книгу с таким увлечением, как будто его пригвоздили к книге.

34-§. Юкламалар — частицы. Частицами называются служебные слова, которые, не имея вполне самостоятельного лексического значения, вносят различные добавочные смысловые, эмоционально-экспрессивные, модальные оттенки в значение других слов, словосочетаний и целых предложений. Частицы бывают разными.

Сўз юкламалар — частицы-слова. Приведем примеры.

Фақат (только): *Фақат сен менга ишонсанг бўлди.* — Только бы ты мне верил. *Она ўз ўғлини севади фақат. Фақат севади-ю*

эртак айтади. (Ҳ. Олимжон.) — Мать любит только своего сына. Только любит и рассказывает сказки.

Ҳолбуки (наоборот): *Ҳолбуки, бизда бу тармоқни ривожлантириш учун аллақачон иш бошлаш зарур эди.* (С. Назар.) — Наоборот, чтобы развивать у нас эту отрасль, давно нужно было начать работу.

Наҳотки (неужели): *Наҳотки, шу осмони кенг жойда янги боғ қилиш учун ер топилмаса?* (С. Назар.) — Неужели нет земли в таком просторном месте, чтобы сделать сад?

Ахир(и) (в конце концов): *Ахири, бобом ўртоғига дейди: — Нима қиламиз? Бола. Боланинг кўнгли пошишо ...* (О.) — В конце-концов, мой дедушка говорит своему другу: — Что поделать? Ребенок есть ребенок.

Ҳатто (даже, более того): *Бунни ҳатто ўз отангдан ҳам сир сақла.* — Это держи в секрете даже от своего отца. *Солдатга мумкин эмас, албатта, ҳатто уруш вақтида ҳам.* (Ас. М.) — Солдату нельзя, конечно, даже во время войны.

Худди (точно, как будто, словно): *Ўғли отасининг худди ўзи.* — Сын вылитый (точно как) отец. *Звенoлар ишини, худди ойнада кўриб тургандай, яққол намoён қилди.* (О.) — Труд звенев отобразил в такой точности, как в зеркале.

Аффикс юкламалар — частицы-аффиксы. Қ ним относятся: **-гина (-кина, -қина):** *Шунча одам ичида фақат угина жим, гапирмай ўтирар эди.* — Среди всех только он сидел спокойно и не высказываясь;

-ми: — *Нимадан кўрдинг, ёмон туш кўрдингми?* (Ас. М.) — Чего испугался, плохой сон приснился? *Футболгами, лола сайлигами — она учун бари бир.* (Ас. М.) — Для матери безразлично — то ли на футбол, то ли за тюльпанами;

-чи: *Энди орқага йўл йўқ. Олдинга-чи?* (Ас. М.) — Назад пути нет. А вперед? *Қани ўқи-чи!* — А ну-ка, прочитай! *Аввал бу китобни ўқиб чиқай-чи, нималар ёзилган экан.* — Сначала прочту-ка эту книгу, что там написано. *Тез юрсанг-чи, дарсга кеч қоламиз.* — Идем быстрее, опоздаем на занятие. *Аҳмад-чи, сенинг амакингни ўғли бўлади-а.* — Ахмед ведь сын твоего дяди;

-а, -я: *Шаҳар жуда ҳам ўзгариб кетибди-да, а?* (Ас. М.) — А город очень изменился, не правда ли? *Вой, бирам чиройли гул экан-а!* — Ах, какой красивый цветок! *Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я!* (Ас. М.) — Ты помнишь, тюльпаны нашего Шодасая пылали, словно огонь;

-ку: *Неча марта учрашай дедим-ку, вақтим бўлмади.* (О.) — Сколько раз хотел встретиться, но не было времени;

-ю: *Қодир дадасининг номини эшитиши биланоқ ранги қув ўчди-ю, бутун вужудини титроқ босди.* (О. Тўраева) — Кадыр, услышав имя своего отца, побледнел, всем телом задрожал.

265- машқ. Переведите на узбекский язык. Выделите служебные слова. Укажите их разряды. Запомните новые слова.

Игра

Как бы осторожен ни был водитель, дорога есть дорога, и всякое может случиться. Никто не застрахован от аварий и всяких случайностей. Поэтому нужно внимательно следить за всем, что происходит во время движения автомобиля и стараться как можно меньше попадать в неприятные положения и как можно быстрее из них выходить.

Какие же препятствия ожидают водителя на пути, за что и как его наказывают и поощряют?

Оказывается, пунктов 12.

1. Машина только вышла на трассу, а уже произошла авария: лопнула шина. Пока водитель меняет шину, он пропускает ход.

2. Водитель остановился на железнодорожном переезде, где висит знак, запрещающий стоянку. Наказание — пропуск двух ходов.

3. Испортился карбюратор. Чтобы исправить его, нужно вызвать по телефону мастера.

4. До сих пор водитель двигался без происшествий. За это он получает приз — дополнительное продвижение до отметки 3500 км.

5. Вот что значит неосторожная езда — авария! Машина сама двигаться не может. Она должна дожидаться следующей за ней машины и только после нее может продолжать свой путь. Если в аварию попала машина, идущая последней, она пропускает один ход.

6. Нельзя отправляться в путешествие, не зная дороги. Придется спросить у прохожих, как выбраться. За это наказание: водитель пропускает один ход и платит штраф.

7. Очень важно вовремя заправиться горючим. Вот, кстати, и заправочная станция. Заправившись, сразу можно ехать дальше и догнать идущую впереди машину. Если впереди машины нет, игрок имеет право на дополнительный бросок.

8. В этом пункте — «Кафе». Можно бы перекусить, но пить вино нельзя! За такое отбирают права. Водитель выбывает из игры.

9. Ехать нужно предельно осторожно: впереди заповедник! Но водитель поспешил, не заметил знака и наехал на архара. В результате он должен вернуться в пункт 8, предварительно сдав раненого в лесничество.

10. На мосту остановка запрещена. Кто не заметил этого, возвращается к идущему за ним автомобилю. Если за ним автомобиля нет, водитель платит штраф.

11. Мыть машину в естественных водоемах запрещено: это загрязняет воду и губит все живое. За несоблюдение этого правила водитель наказан — пропускает два хода.

12. Так часто бывает: до победы рукой подать, но ... спустилось колесо, а запасного нет. Все — проигрыш!

266- машқ. Прочитайте. Выделите служебные слова. Определите их разряды. Перескажите содержание беседы.

Сұхбат

- Сизнинг енгил машинангиз борми?
 - Ҳа, бор.
 - Қандай маркали?
 - Жигули, 09.
 - Сиз ҳар кун ишга машинада борасизми?
 - Йўқ, мен ҳар кун ишга машинада ишга бормайман, чунки кўпроқ пиёда юришни ёқтираман.
 - Нима учун?
 - Пиёда юриш соғлиқ учун фойдали.
 - Тўғри айтасиз. Менга ҳам шифокорлар кўпроқ пиёда юринг дейишади, лекин мен машинада юраман.
 - Сиз худди менинг акамга ўхшар экансиз, улар башарти машиналари бузилиб қолса таксида кетадилар. Чунки уларнинг корхоналари узоқда.
 - Сиз дам олиш кунлари онлангиз билан машинада саёҳатга чиқасизми?
 - Албатта. Гоҳо машина бўлса ҳам эринамиз, гўё яёв юрадигандек.
 - Эринмаслик керак, токи бу одат тусига кирсин.
 - Тўғри айтасиз. Бироқ бунга мунтазам рия қилиб бўлмайди.
 - Балки бизнинг оила билан борарсизлар?
 - Жуда яхши. Хатто болаларни ҳам олиш керак.
 - Ахир сиз мени кўндирдингиз.
 - Айтинг-чи, кимнинг машинасида жўнаймиз?
 - Мен буни эртагаёқ ҳал қилиб, сизга кечқурун айтаман.
- Бўладими?
- Бўлади. Бўлмаса, хайр!
 - Хайр, соғ бўлинг!

Топширик. Прочитайте текст. Укажите служебные слова. Перескажите содержание текста. Переведите устно на русский язык.

Инсофнинг суврати

Отам ўсмир чоғимизда гуноҳ ва савоб, ҳалололик ва аҳиллик ҳақида сўйлаб берган эди. Мана, ўша ҳикоят:

Йўловчи йигит олис шаҳарга кетаётиб ариқда оқиб келаётган чиройли олмани кўриб қолибди. Уни олиб бир тишлабди-ю, сўнг қилмишидан пушаймон бўлиб: «Аттанг, эгасидан сўрамай бекор едим. Энди эгасини топиб ундан розилик сўрай», дебди ва йўлга тушибди. Юриб-юриб, катта боққа етибди. Бир тиш-

ламгина еган олмаси учун шу боғнинг эгасини топиб, олмасини егани учун рози бўлишини сўрабди. Олманинг эгаси:— Шартим бор. Шунга кўнсанг, рози бўламан, дебди. Йўловчи йигит бироз ўйга толибди-да сўнг:

— Шартингизни айтинг,— дебди.

Боғбон:

— Бир қизим бор, қўли ҳам, оёғи ҳам, тили ҳам, кўзи ҳам йўқ! Сен шу қизимга уйланишинг керак. Шунда гуноҳингдан кечаман,— дебди. Йигит нима қилишини билмай аро йўлда қолибди. Шартига кўнай деса, қизнинг на тили, на оёқ-қўли, на кўзи бор. Кўнмай деса, олмадан бир тишлам еб қўйган. У ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят: «Шартингизга кўндим», дебди. Тўй бўлиб, никоҳ ўқилса ҳамки, у келиннинг қошига боришни ҳеч хаёлига келтирмасмиш. Охири йигитнинг оёғи тортиб-тортмай, келиннинг уйига кириб борибди. Уйда уни гўзал бир қиз қарши олибди! Қизнинг тўрт мучаси бут экан. Йигит кўзларига ишонмай боғбоннинг олдига чопиб борибди:— «Сиз қизнинг қўли, оёғи, тили ва кўзи йўқ, дегандингиз. Унинг тўрт мучаси ҳам соғ-ку!» дебди ҳайрон бўлиб. Боғбон кулимсираганча: «Ўғлим, қизимнинг оёғи йўқ деганим — уйдан кўчага чиқмагани, қўли йўқ деганим — моҳир пазанда ва чевар, тили йўқ деганим — жуда фаросатли, ўйлаб гапиради, кўзи йўқ деганим — унинг кўзи ҳали эркак зотига тушгани йўқ, деганим эди», дебди. Йигитнинг димоғи чоғ бўлиб, қайлиғи ёнига қайтибди ва у билан умрининг сўнгги дақиқасигача бахтли ҳаёт кечирибди.

Шу ерда отам ўз ҳикоясини тугатдилар. Биз дастурхон атрофида ўтирганимизча боболаримиз ва оталаримиз яшаган замон одамларининг қиёфасини кўз олдимизга келтиролмай ўйга толамиз. Отам сўйлайверадилар ... Хаёлимда эса гўё инсоф ҳақида яратилган машҳур бир санъат асари гавдалангандек бўлаверади ... (М. Қаршиева).

267- машқ. Прочитайте отрывок. Найдите частицы. Переведите на русский язык.

... Менга нима бўлди? Қаерда ётибман ўзи? Нимага ҳаммаёқ зимистон? Бошим сирқилляптими? Пешонамдан тер оқяптими? Ҳаво салқин шекилли? Ие, қон ҳиди-ку! Қон! Бошим қонаяпти-ку!

Э-ҳа! Бўлди! Анави илонвачча урди. Тош билан урди. Мана, мана шу еримга, Оҳҳ! Ана, қон оқяпти ... Мени урдими? Мени-я?! Эсини таниб ўз отасидан бир тарсаки емаган одамни-я! Келиб-келиб аллақандай жинқарчадан калтак едимми? Мен-а? Ҳамма кўрса бир чақирим наридан қочадиган одамни урдими? Отининг кишнашини эшитса салом бериб чиқадиган Умар Хўжаевни-я!

Шошма отим қани? Қоракўз қани?

— Қоракўз!

— Оббо! Анча йўл-ку! Наъматакка боғловдим-а? Ана, ер тепиниб кишнаяпти. (Ҳ. Ҳошимов)

Топшириқ. Прочитайте текст. Выделите частицы, определите их разряды. Переведите. Запомните новые слова.

Бир чимдим табассум

Терговчи айбдордан сўради:

— Манови пичоқни танияпсизми?

— Ҳа, танидим.

— Демак, танидингиз!— Енгил нафас олди терговчи.

— Ахир, сиз уни уч ҳафтадан буён кўрсатяпсиз-ку, нега танимай,— деди айбдор.

* * *

Суд танаффусида оқловчи ўз ҳимоясидаги айбдорга шундай деди:

— Мен сизнинг фойдангиз учун ҳамма ишни қилдим. Бундан ортиқроқ нима қилишимни ўзим ҳам билмайман...

— Ҳамма айбни ўз бўйингизга олиб қўя қолсангиз-чи?— деди айбланувчи.

268- машқ. Переведите текст на узбекский язык. Укажите служебные слова и их разряды.

Швейная мастерская

Швейная мастерская — это класс, специально оборудованный для работы по пошиву изделий из ткани. В ней имеются рабочие столы для учащихся, швейные машины, инструменты для работы, стол учителя, классная доска, шкафы для хранения пособий, стол для утюжки изделий.

В швейной мастерской вы научитесь делать вещи, полезные для себя и для других. Но сначала надо познакомиться с правилами работы с инструментами, правилами поведения в мастерской. Соблюдение этих правил поможет вам овладеть приемами работы, облегчить труд и сохранить здоровье. (Г. Б. Картушина.)

Топшириқ. Прочитайте советы. Переведите их на узбекский язык и укажите служебные слова.

1. Пробка пластиковой канистры часто теряется. Устранить этот недостаток совсем несложно. Привяжите ее леской к ручке канистры. Продев леску в отверстие, сделанное в пробке, кончик лески поджигают и расплющивают так, чтобы отверстие оказалось надежно закрытым.

2. Чтобы работать с бетонной смесью было легче, в нее обычно добавляют глину. Считают, что глина только снижает прочность смеси. Чтобы улучшить пластичность смеси, к ней добавляют столовую ложку стирального порошка из расчета на ведро воды.

3. Безвыходных ситуаций не бывает. Если аккумуляторы в калькуляторе подсели, а поблизости нет электросети, можно воспользоваться зарядным устройством для фотовспышки, в котором стоит плоская батарейка.

269- машқ. Прочитайте текст. Переведите на узбекский язык. Выделите служебные слова. Постарайтесь пересказать на узбекском языке. Запомните новые для вас слова.

Следопыты

Мы сегодня пойдем в лес на охоту за зверями и птицами. Но мы не будем брать ружья, не будем убивать ни птиц, ни зверей. По следам и приметам мы будем искать жилища лесных жителей.

Мы будем долго бродить в лесу, будем наблюдать за каждой подробностью. Иногда такая мелочь, как сломанная веточка, клочок шерсти на кустике, поможет разгадать лесную тайну.

Зверек сам о себе расскажет своими записями — следами, особенно зимой. Белка по снегу прыгает, как в чехарду играет. Заяц делает большие прыжки. А след лисы лежит красивой лентой.

Следы зверя расскажут не только о форме лапы, хвоста, но и укажут на способ питания, на борьбу и на многое другое из жизни лесных жителей.

35-§. **Модал сўзлар** — модальные слова. Модальные слова — эта особая лексико-грамматическая часть речи, выражающая субъективно-модальные значения — точку зрения говорящего на отношение речи к действительности. Общая черта модальных слов — их неизменяемость, они лишены номинативной функции. Особое положение модальных слов в предложении подчеркивается интонационно — изменением высоты, тембра голоса, темпом речи и паузами.

Основная сфера распространения модальных слов — разговорная речь, особенно диалогическая.

По значению модальные слова очень разнообразны.

1. Модальные слова, выражающие высокую степень достоверности сообщения: *ҳақиқатан* (ростдан) — действительно, *сўзсиз* — несомненно, бесспорно, *майли* (хўп) — ладно, *тўғри* — верно, *дарҳақиқат* — действительно, *шубҳасиз* — несомненно, *табиий* — естественно, *албатта* — конечно и др.

2. Модальные слова, выражающие более низкую степень достоверности сообщаемого: *афтидан* — по-видимому, *эҳтимол* — вероятно, *ҳар ҳолда* — видимо, все-таки, *мумкин* — возможно, *қайдам* — вряд ли, *лозим* (*керак*) — нужно, необходимо, *чамаси* — наверно, *кошки* (*зора*) — хотя бы, *дарвоқе* — кажется и др.

Топшириқ. Прочитайте текст. Выделите междометия, модальные и звуко-подражательные слова, а также частицы.

Нодиров «Э-ҳ» деб телефонга ташланди: «Алло, алло!!» Телефонистга ўшшайиб қараб, жойига кетди. Нима қилиш керак? Бошида шу савол эди. Ўт очса, албатта аҳоли қирилади. Бу жиноят. Очмаса, душман келиб қолади, батальон ўт остида қолади. Бошида бир фикр туғилди-ю, Бондарнинг қўлидаги автоматни сапчиб олди. Тариллатиб аҳоли устидан ошириб ўқ сочди. Яна нарироқда кимдир худди шундай қилди, бошқа биров қўшилди. Аҳоли таппа-таппа ўзини ерга отди. Баъзилари олдинга қараб югурди. Улар ичидан кимдир «отаверинг-отаверинг» деб орқа томондаги немисларни кўрсатарди. Аҳоли ётиши ва тарқалиши билан немис автоматчилари ўт очишди. Нодиров батальоннинг бутун ўт очиш кучларини уларга қаратди ва кетма-кет батальонни атакага кўтарди:

— Ватан учун!

Унга жангчилардан кимдир қўшимча қилди:

— Комиссар учун! (*Шухрат.*)

270- машқ. Прочитайте текст. Найдите в них междометия, модальные слова и переведите на русский язык.

Ҳожар кўзини йўлдан узмай сўради:

— Қаерда у киши?

— Қаерда, қаерда... детдомда! Билдингми?— тагин зулм қилди.— Хурсанддирсан?

Хотин тагин миқ этмади.

— Ҳе, қаерда...— Ўсар гапини давом эттирмади.

Сўнг:— Нодонсан,— деди.

— Сиз ақли.

— Йўқ, ахир...

— Гапирманг.

— Бўпти.

Ўркачдан ошгач, Ўсар газни босди-я! Босди. Шалоқ «арава» бамисоли елиб кетди.

Ниҳоят, жуфт тутлар кўринди. Аста-секин катталаша бошлади. Кейин Ўсар оғзини очиб, лабларини ялай бошлади: юти-нади, гоҳ хотинига ялт этиб қараб қўяди. (*Ш.Холмирзаев.*)

271- машқ. Прочитайте. Выделите модальные слова. Переведите на русский язык.

1.— Тўғри айтасиз, соҳибқирон,— деди Афанди.

— Сиз ҳақиқатан ҳам, Темурсиз. Аммо бу одам темир эмас, сўнгал.

2.— Эй соҳибқирон, ҳеч шубҳасиз сизга Наузанбиллоҳ, деб лақаб қўйилса бўлади,— деди Афанди.

3.— Қозининг ўзи азалдан ақли йўқ эди,— деди Афанди.— Ажабо, яна нимасидан озди экан?

272- машқ. Прочитайте. Выделите модальные слова и определите их значения. Выучите новые слова.

1. Майли, йилларнинг шафқатсиз шамоли сочларимни эринмай бўяса бўйайверсин. (Ҳ. Асқар) 2. Балки, энди сўрашимнинг ҳожати қолмагандир. (Ҳ. Асқар) 3. Эҳтимол, раҳбарларимиз қайсидир маънода ҳақдирлар. («Саодат») 4. Хуллас, баҳоли қудрат бозор қилиб уйга қайтамыз. Ана энди уйдаги томошани кўринг? («Саодат») 5. Барибир дардни енгиллаштириш — бу ажойиб иш. («Саодат») 6. Дарвоқе, биз кун сайин эмас, дақиқалар сайин ўзгаришлар содир бўлаётган асрда яшаймиз. («Саодат») 7. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ. (Мақол). 8. Уст-бошим бут, қорним тўқ, қайғум йўқ бўлар эди. Хайр майли, энди афсуснинг фойдаси йўқ. (Ғ. Фулом) 9. Бояги гаплар бу қулоғингдан кириб, у қулоғингдан чиқиб кетди, шекилли. 10. Модомики, дарсга келмасам, касал бўлиб қолди деявер.

36- §. Ундовлар — междометие. Междометия — это грамматически неизменяемые слова, которые служат для выражения различных чувств и волевых побуждений. Междометия не имеют номинативной функции, т. е. не называют само чувство, волеизъявление, они представляют собой лишь своего рода звуковой сигнал, свидетельствующий об известном чувстве, состоянии. Их значение раскрывается в контексте. Они произносятся с особой интонацией. Например:— *Эй, тема, ит ёмон,— дейди бобом мени чақириб.* (О)— *Эй, не трогай, собака злая,— говорит бабушка.* *О, дўстлар, бу меҳр нақадар улкан!* (Шуҳрат) — О, друзья, настолько велико это милосердие!

По своему значению междометия делятся на **ҳис-туйғу ундовлари** — эмоциональные и **буйруқ-хитоб ундовлари** — побудительные.

Среди эмоциональных междометий выделяются:

а) междометия, выражающие удовлетворение, одобрение, радость, удивление, восхищение, благодарность и т. п., т. е. положительную оценку фактов действительности: *эх, оҳ, уҳ, уфф, ўхў, ура, вой, офарин, и-и* и т. п.;

б) междометия, выражающие неудовлетворение, упрек, протест, досаду, злость, гнев и т. п., т. е. отрицательную оценку фактов действительности: *ҳа, ҳо, войей, вой, ҳай-ҳай, ўҳ, э-э, эҳ-а, ия, о, ҳе* и т. п.

Одни и те же междометия в зависимости от контекста могут выражать и положительную, и отрицательную эмоции.

Побудительные, или императивные, междометия тоже делятся на две группы:

а) междометия, выражающие повеление, приказ, призыв к какому-либо действию, направленные ко второму лицу, *ҳой, ҳей, марш, тисс* и т. п.;

б) междометия, выражающие зов, окрик, призыв, направленные к животному: *беҳ-беҳ, пиш-пиш, ту-ту, гаҳ, дирр, хўш, трр, чу, ҳачу, пишт, иш* и т. п.

273- машқ. Переведите текст на узбекский язык. При переводе попытайтесь употребить служебные и модальные слова.

Два совместных предприятия, в которых участвует «Средзакбель», уже зарегистрированы. Одно из них — узбекско-американское. Оно будет специализироваться на переработке отходов кабельной продукции. Оказывается, что современная технология позволяет получать из отходов чистые медь и алюминий. Подлежат переработке и полимеры. Таким образом, это совместное предприятие станет способствовать не только одной лишь практической деятельности, но и внесет весомую лепту в оздоровление экологической обстановки. Ведь в дело пойдут буквально завалы отходов.

Американцы готовы установить оборудование на сумму 900 тысяч долларов. Они также берутся наладить сбыт продукции за твердую валюту. «Средзакбель» предоставляет помещение, коммуникации, энергоснабжение. (Из газеты)

274- машқ. Прочитайте текст. Найдите частицы и междометия. Перескажите текст на узбекском языке. Запомните новые слова.

Зарарсиз фойда бўлмайди

Афанди рўзгорда қийналди қолиб савдогарчилик қилмоқчи бўлди. У бозорга бориб, бир тангага ўнтадан тухум олиб, уни бир тангага ўн бир донадан сотди. Бу ишидан хурсанд бўлиб, уйига келиб воқеани хотинига гапириб берди. Хотини бу ҳолга ачиниб:

— Вой шўрим, фойда қиламан деб зарар қилибсиз-ку?— деди.

— Э, қизиқ экансан, хотин, ахир зарари бўлмаса, фойдаси бўладими,— деб жавоб қайтарибди Афанди. (Афанди латифаларидан)

275- машқ. Прочитайте тексты. Укажите модальные слова и частицы. Переведите на русский язык.

1. Ўзбек халқи маданиятини Наврўз байрамисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу фақат кўнгилочар байрамгина эмас, халқимиз уни катта меҳнат байрами ҳам деб билади. Бу байрамда бободехқоннинг қанчадан-қанча ишлари битиб қолади-ку! Ахир, ҳатто фазогирларни ҳам бободехқоннинг ерга тўккан пешона тери боқади-ку. (А. Рўзиматова)

2. Наврўзи олам ҳозирги кунда ҳам ўз тароватини, нафис жозибасини йўқотгани йўқ. Аксинча, Наврўз янги замонавий маросим, расм-русмлар билан бойиб, тобора гўзаллашиб, халқимизни янада кўпроқ хушнуд этиш учун жумҳуриятимизда эркин, шунга мос вазият вужудга келмоқда. Бу қайта қуриш, демократия, ошкораликнинг мевасидир!

276- машқ. Прочитайте диалог. Перескажите его содержание. Выделите модальные слова и частицы.

Суҳбат

- Рустам, сен бугун кутубхонага борасанми?
Ҳа, албатта. Бугун кутубхонадан техникага доир бир неча китоблар олишим зарур.
- Қандай китоблар? Эҳтимол, сен олмоқчи бўлган китоблар менинг уйимда бордир.
- Бўпти, мен ўқишдан сўнг сеникига ўтаман.
- Дарвоқе, мен кечкурун уйда бўлмайман.
- Қаерга бормоқчисан? Бугун уйда бўлмоқчи эдинг, шекилли?
- Йўқ, мен бугун бир жойга боришим керак.
- Афсус...
- Эртага келақол, хўп. Айтмоқчи, эртага бизникига Шокир ҳам келади. Бир гурунглашамиз.
- Майли, ҳаракат қиламан. Сен менга техникага доир китобларни топиб қўй.
- Албатта, топиб қўяман.
- Ҳайр, соғ бўл!
- Тўхта-чи, эсимдан чиқибди. Сенда олий ўқув юртлари учун «Йўл қурилиши материаллари» номли дарслик ҳам борми?
- Бу китобдан менда иккита. Биттасини сенга совға қилишим мумкин. Бўптими?
- Жуда яхши. Унда, албатта, келаман.

37-§. Тақлид сўзлар — звукоподражательные слова. Звукоподражательными называются слова, передающие звуки, издаваемые человеком или животными, а также звуки и шумы природы.

Звукоподражательные слова делятся на две группы: 1) слова, подражающие разным звукам: *тарс-турс, тақ-туқ, шақ-шуқ, шиқ-шиқ, виш-виш, гумбур-гумбур, дўп-дўп, дук-дук, виз-виз, гув-гув, пиқ-пиқ, ғарч-ғурч* и др.; 2) слова, подражающие разным действиям: *лип (лип-лип), лим-лим, ялт-юлт (ялт-ялт), апил-тапил, чир-чир, қулт-қулт, ҳанг-манг*.

Звукоподражательные слова, в отличие от междометий, могут выполнять функции разных членов предложения. Например: *Тоғ тошни тасир-тусир овози босиб кетди. (С. Анорбоев.) Форнинг ичи артиллериянинг гумбур-гумбурига тўлди. Қирдан ғир-ғир шабада эсади. (О.) Қиз индамай пиқ-пиқ йиғлар эди. Юраги ҳам тўхтовсиз дукур-дукур уради. (С. Анорбоев.)*

277-машқ. Переведите юморески на русский язык. Укажите междометия и частицы.

Қатра хандалар

— Қарзингизни қачон берасиз? Неча йилдан бери сўрайвериб жонимдан тўйдим-ку!

— Сендан пул олаётганда, қачон қарз бериб турасан, деб қистамаган эдим, сен ҳам ҳадеб қистайвермасанг-чи!

* * *

— Вой дадажониси-ей, сиз билан юрсам, магазинларга киргим келаверади!

— Эҳ, нимасини айтасан, хотин! Мен ҳам магазинларни ўйласам, сен билан юргим келмай қолади.

* * *

— Шошманг-шошманг! Сиз шеригингиз билан йўлни кесиб ўтаётган эдингиз, бирдан чап томондан машина келиб, шеригингизни уриб юборди. Хўш, кейин нима бўлди?

— Қизиқмисиз, ўртоқ судья, ҳушимдан кетиб ётган бўлсам, кейин нима бўлганини қаёқдан билай?!

* * *

— Ё ўқишга кирмасанг, ё бирор жойда ишламасанг... Нима қилсам экан-а?

— Бошингизни қотириб ўтирасизми, дада?! Отасининг топиш-тутиши яхши бирорта қизга уйлантириб қўйинг, қутиласиз-қўясиз! (*М. Ҳайдаров*)

СИНТАКСИС

38-§. Синтаксис в переводе с греческого языка означает «соединение», «составление».

Синтаксис, являясь частью грамматики, изучает способы связи слов в словосочетаниях и предложениях, члены предложения, виды предложений по структуре, по интонации и содержанию, а также способы передачи чужой речи.

В предложении, связываясь между собой, слова входят в грамматические отношения. Например: *Талабаларимиз қишки сессияни муваффақиятли яқунладилар.* — Наши студенты успешно завершили зимнюю сессию. Данное предложение состоит из следующих словосочетаний: *Талабаларимиз яқунладилар* — Наши студенты завершили; *сессияни яқунладилар* — завершили сессию, *қишки сессия* — зимняя сессия; *муваффақиятли яқунладилар* — успешно завершили.

Словосочетания состоят из двух слов — главного и зависимого, связанных между собой: *Москвдан* (зависимое) *келди* (главное) — приехал из Москвы.

В узбекском языке имеется два вида синтаксической связи: сочинительная и подчинительная. Имеется три подвида подчинительной связи:

а) *мослашув* (согласование), то есть согласование зависимого слова с главным в лице и числе. *Мен келдим* — я пришел; *мен* — главное слово, местоимение I лица, единственного числа, поэтому зависимое слово (глагол *келдим*) стоит в единственном числе, I лице;

б) *бошқарув* (управление), когда по требованию главного слова зависимое слово изменяет свою форму, то есть употребляется в определенном падеже или с послелогом: *Анордан едим* — ел пранат; *китобни ўқидим* — прочитал книгу;

в) *битишув* (примыкание), то есть когда главное и зависимое слова соединяются по смыслу, семантически. В таких словосочетаниях всегда на первое место ставится зависимое слово, а на второе главное: *катта бино* — большое здание (словосочетание); *Бино — катта.* — Здание — большое (предложение).

В узбекском языке существуют следующие синтаксические способы связи в предложениях:

1) формально-грамматические (притяжательные аффиксы, падежные аффиксы и аффиксы спряжения глагола): *Мен бораман* — я поеду. *Киевга бораман* — поеду в Киев. *Аҳмаднинг китоби* — книга Ахмеда;

2) лексико-грамматический способ связи (с помощью союзов, послелогов и частиц): *Қалам билан ёзмоқ* — писать карандашом, *Москва томон бормоқ* — ехать в сторону Москвы;

3) ўринлашиш воситаси — позиционный способ (с помощью порядка слов): *Карим — бригадир* (предложение). *Бригадир Карим* (словосочетание);

4) оҳанг воситаси — интонационный способ — с помощью паузы, ударения (урғу): *Яхши, болалар дарсга ўз вақтида келишади.* — Хорошо, ребята придут на занятие вовремя. *Яхши болалар дарсга ўз вақтида келишади.* — Хорошие ребята вовремя приходят на занятие (*яхши* — определение).

278- машқ. Қуйидагиларни ўқиб, сўзларнинг қандай боғланганлигини аниқланг. Мослашув, бошқарув ва битишув йўли билан боғланган бирикмаларни устун қилиб кўчиринг.

Об-ҳаво

Погода

Ҳаво жуда яхши

Погода очень хорошая

Ҳаво очиқ

Ясная погода

Ҳаво булут

Пасмурная погода

Шамол

Ветер

Шамол бўляпти

Ветрено

Туман

Туман

Булут

Облако

Туман тарқалмоқда

Туман расходится

Бўрон турди (кўтарилди)

Поднялась буря

Ёмғир ёғаяпти

Дождь идет

Дўл ёғди

Прошел град

Офтоб қиздирмоқда

Солнце печет

Жуда иссиқ

Очень жарко

Бугун температура қанақа?

Сколько сегодня градусов?

Момақалди роқ

Гром (гроза)

Яшин, чақмоқ

Молния

Сел

Ливень

Қуёш (офтоб)

Солнце

Қиров

Иней

279- машқ. Матнни ўқиб ёд олинг. Мослашув йўли билан бириккан сўзларни ажратинг.

Ешингиз нечада?— Мен йигирмага (ўттизга, қирққа, элликка, олтмишга) кирдим. Мен ... нчи йилда туғилганман. Биз тенгдошмиз. Уйланганмисиз? Турмушга чиққанмисиз?— Мен бўйдоқман. (Ҳали турмушга чиқмаганман.) Уйланганман. Тур-

мушга чиққанман. Болаларингиз борми? Уч болам бор: икки ўғил, бир қиз.

280- машқ. Переведите на узбекский язык следующие предложения.

1. Кому вы вчера послали (отправили) письмо?— Мы вчера послали (отправили) письмо Қаримову. 2. Ты не написал письмо Юнусову?— Нет, (я) не написал. 3. Когда ты напишешь ему письмо?— Сегодня вечером напишу. 4. Куда она ушла?— Она ушла в поле. 5. Куда ты пойдешь завтра вечером?— Завтра вечером я пойду в театр. 6. Когда вы приходите на работу?— Мы приходим на работу в 8 часов (утром в 8 часов). 7. Сколько человек уехало вчера на сенокос?— Вчера уехало 18 человек. 8. Сколько человек уедет сегодня?— Сегодня уедет 25 человек. 9. Когда вы закончите работу?— Работу мы закончим вечером.

281- машқ. Ответьте письменно на вопросы, используя словосочетания, данные в скобках, и переведите на узбекский язык.

1. У кого вы научились читать и писать по-русски? (моя первая учительница, мой школьный товарищ). 2. С кем вы ежедневно занимаетесь? (младший брат, моя сестра). 3. О ком вы думаете? (свой отец, дорогая мама). 4. О чем вы мечтаете? (космический полет, ценное изобретение). 5. К кому вы обращаетесь за советом? (свои родители, классный руководитель). 6. Для кого по радио был дан концерт? (труженики сельского хозяйства). 7. За что борются ученики в школе? (образцовая дисциплина, высокая успеваемость).

282- машқ. Прочитайте вслух несколько раз следующие тексты.

1- с у ҳ б а т

- (Сизнинг) қишлоғингизда мактаб борми?
- Ҳа, (бизнинг) қишлоғимизда катта мактаб бор.
- Мактабингизда неча бола ўқийди?
- (Бизнинг) мактабимизда ҳозир 387 бола ўқийди.

2- с у ҳ б а т

- Сизнинг корхонангизда ишчилар кўпми?
- Ҳа, корхонамизда жуда кўп ишчилар ишлайди.
- (Сизнинг) ишчиларингиздан неча киши ўқийди?
- Ҳозир (бизнинг) ишчиларимиздан 276 киши ўқийди.
- Улар қайси мактабда ўқийди (лар)?
- 18- ва 39- кечки мактабларда.
- Нечанчи синфларда?
- 26 киши 7- синфда, 49 киши 8- синфда, 64 киши 9- синфда.
- 79 киши 10- синфда ва 58 киши 11- синфда ўқийди.

39-§. Гап — предложение. Предложение — это синтаксическое единство, обладающее смысловой и интонационной законченностью. Например: *Студент дафтарга ёзпти.* — Студент пишет в тетради.

В узбекском языке предложения можно разделить на несколько групп.

1. По характеру выражаемого в предложении отношения к действительности выделяются предложения утвердительные (бўлишли) и отрицательные (бўлишсиз). Например: *Мен келдим.* — Я пришел (утвердительное); *Мен келмадим.* — Я не приходил (отрицательное).

2. По цели высказывания выделяются предложения повествовательные (дарак гап), вопросительные (сўроқ гап) и побудительные (буйруқ гап). Например: *Бугун ҳаво булут бўлди.* — Сегодня погода была пасмурной. *У мақолани тугатдими?* — Он закончил статью? *Ишни бугун бажариб кел.* — Работу сегодня выполни.

3. В зависимости от количества предикативных единиц в предложении предложения подразделяются на простые и сложные. Например: *Яхши иш мени жуда ажаблантирди.* — Хорошее дело очень удивило меня (простое предложение). *Оқ редисканинг пўчоги арчилади, қизил редиска эса илдизларидаң тозаланади.* — Белая редиска очищается от кожуры, а красная очищается от корней (сложное предложение).

4. В зависимости от наличия или отсутствия второстепенных членов предложения подразделяются на распространённые и нераспространённые: *Қаҳратон қиш келди.* — Наступила суровая зима (распространённое предложение). *Қиш келди.* — Наступила зима (нераспространённое предложение).

5. В зависимости оттого, все ли присутствуют структурно необходимые члены предложения, предложения могут быть полными и неполными: *Сен бугун институтга борасанми?* — Ты сегодня пойдешь в институт? (полное предложение). *Ҳа, бораман.* — Да, пойдю (неполное предложение).

283- машқ. Матнини ўқиб, гапларни турларга ажратинг.

Тошкент метроси

— Тошкент метроси ҳақида нималарни биласиз?

— Тошкент метроси 1972 йилдан қурила бошланди. Беш йилдан кейин Собир Раҳимов бекатидан Марказий хиёбон бекатигача поездлар қатнай бошлади. Ҳозир метронинг икки йўли ишлаб турибди: улардан бирининг узунлиги 16 километр бўлиб, шаҳарнинг жануби-ғарбининг шимоли-шарқи билан боғлайди. Иккинчи йўл Беруний бекатидан В. И. Чкалов бекатигача боради. Эндиликда метронинг Юнусобод йўлида ҳам қурилиш ишлари бошланиб кетган. Бош режага мувофиқ Тошкент метросининг умумий узунлиги олтиш километрдан ортиқ бўлиб, уч йўлдан иборат бўлади, улар шаҳар марказида ўтиш бекатлари орқали ўзаро туташади.

— Айтингчи, Собир Раҳимов бекатидан темир йўл вокзалига қандай борилади?

— Аввало Пахтакор бекатигача бориб, сўнг у ердан Алишер Навоий бекатига ўтилади.

— Максим Горький бекатигача қандай борилади?

— Собир Раҳимов бекатидан Максим Горький бекатигача поезд тўппа-тўғри юради, йўлдан-йўлга ўтишининг ҳожати йўқ.

284- машқ. Переведите на русский язык. Укажите распространенные предложения.

Суҳбат

— (Сизнинг) мактабингиз директори бугун соат нечада келади?

— Соат саккизда.

— Сизнинг мактабингизда устахона борми?

— Ҳа, мактабимизнинг катта янги устахонаси бор.

— Мактаб болалари устахонада соат нечадан иш бошлайди (лар)?

— Соат ўн икки яримдан.

— Бугун мактаб устахонасида нечанчи синф ўқувчилари ишлайди (лар)?

— Бугунми? Ҳозир айтаман. Бугун устахонамизда 8, 9 ҳам 10- синф ўқувчилари ишлайди (лар). Сизга ким керак? Мактабимизнинг директорими ёки устахонамизнинг мудирими?

— Менга мактаб директори керак. Мени мактабингизга юбордилар. Мен тракторчиман. Мактаб устахонасида трактор борми?

— Ҳа, ҳозир иккита тракторимиз бор, лекин тракторчимиз йўқ. Сиз бизга ёрдам берасизми?

— Ҳа, албатта, мен мактаб болаларига ёрдам бераман.

— Жуда яхши! Директоримиз ҳозир келади. Сиз устахона мудир билан ҳам гаплашасизми?

— Албатта. Устахонангизнинг мудир ҳозир мактабдами?

— Йўқ, у киши соат ўн бирдан 15 минут ўтганда ишга келади (лар).

285- машқ. Прочитайте предложения. Определите, к какой группе они относятся (по цели высказывания, по количеству предикативных единиц и т. д.).

1. Мен Самарқанд кўчасида, 48-ўйда тураман.— Я живу на Самаркандской улице, в доме № 48. 2. Бизнинг ҳовлимиз яхши.— Двор у нас хороший. 3. Менинг квартирам ёмон эмас.— У меня квартира неплохая. 4. Квартирамда иккита хона бор.— В моей квартире (есть) две комнаты. 5. Бу хоналардан биттаси катта, иккинчиси кичик.— Из этих комнат одна — большая, (а) другая — маленькая. 6. Мана катта хона.— Вот большая комната. 7. Бу хонанинг ўртасида катта стол турибди.— Посередине этой комнаты стоит большой стол. 8. Стол устида бир неча

китоб(лар) бор.— На столе (есть) несколько книг. 9. Стол та-
гида нима бор?— Что есть под столом? 10. Эшик ёнида шкаф
турибди.— Рядом с дверью стоит шкаф. 11. Шкаф ичида ҳар
хил китоблар сақланади.— В шкафу хранятся разные книги.
12. Кичик стол устида телевизор турибди.— На маленьком сто-
ле стоит телевизор. 13. Стол атрофида тўртта стул бор.— Во-
круг стола стоят четыре стула. 14. Ўнг томонда, икки дераза
орасида, диван турибди.— Справа, между двумя окнами, сто-
ит диван. 15. Чап томонда каравот бор.— Слева (есть) кровать.

286- машқ. Қуйидаги гапларни рус тилига ағдаринг. Тўлиқсиз гапларни
аниқланг.

- Шаҳар билан танишиб чиқасизми?
 - Шаҳар айланиш қанча вақт олади?
 - Вокзалга қандай борилади?
 - Ҳозир биз қаерда турибмиз?
 - Ҳозир биз шаҳар марказида, курант олдида турибмиз.
- Мана бу ер Марказий хиёбон. Ёнида «Ўзбекистон» меҳмонхо-
наси, метро бекати бор.
- Бу қайси кўча?
 - Тошкентнинг зиёратгоҳ жойларини кўрсак дейман.
 - Зилзиладан кейинги қурилишлар шаҳар қиёфасини ба-
тамом ўзгартириб юборди.
 - Мустақиллик майдонига қандай борилади?

287- машқ. Матни ўқиб, ёд олинг, сўроқ гапларнинг тагига чизинг.

Аэропортда

- Фарғонага самолёт қачон учади?— Когда вылетает са-
молет на Фергану?
- Эрта учун билет йўқ, фақат индинга бор.— На завтра
билетов нет, есть на послезавтра.
- Яхши, менга индинга бера қолинг.— Хорошо, дайте мне
на послезавтра.
- Самолёт соат нечада учади?— Во сколько вылетает само-
лет?
- Биз қай вақтда (қачон) етиб борамиз?— Когда (во
сколько) мы прилетим?

288- машқ. Прочитайте вслух несколько раз следующие диалоги.

1- с у ҳ б а т

- Сиз рус тилини ҳам (йам), ўзбек тилини ҳам (йам) яхши
биласизми?
- Рус тилини яхши биламан, лекин ўзбек тилини яхши
билмайман.
- Уртоқларингиз билан ўзбекча гаплашасизми?

— Ҳа, гаплашаман. Улар ҳам мен билан ўзбек тилида гаплашади (лар). Ўзбек тилини яхши билиш учун нима қилиш керак?

— Ўзбек тилида ҳар куни гаплашиш керак. Ўзбекча китобларни ўқиш керак. Бизнинг корхона ёнида кечки мактаб бор. Уша мактабда бир ўқитувчи ишлайди. У рус ўқувчиларига ўзбек тилидан дарс беради. Уша одам Сизга ёрдам бериши мумкин.

— Жуда яхши! Унинг фамилияси нима?

— Фамилияси Жўраев.

— Сизга катта раҳмат! Мен бугун кечқурун албатта, ўша мактабга бораман ва ўша ўқитувчи билан гаплашаман.

2-суҳбат

(Кечки мактабда ўзбек тили дарси)

— Нурмуҳаммад Ҳакимович! Синфдан чиқиш мумкинми?

— Майли, ҳозир чиқишингиз мумкин. Лекин 5—10 дақиқадан кейин қайтиб келишингиз керак, чунки бугун биз ўзбек тилидан контрол иш ўтказамиз. Мен доскага бир неча савол ёзаман. Сизлар шу саволларга ўзбек тилида жавоб ёзишингиз керак.

— Яхши. Мен, албатта, контрол иш ёзаман. Беш дақиқадан кейин қайтиб келаман.

3-суҳбат

(Кечки мактабда ўзбек тили дарси)

— Синфга кириш мумкинми?

— Ҳа, киришингиз мумкин.

— Ўз жойимга ўтиришим мумкинми?

— Албатта, ўтиришингиз мумкин.

— Раҳмат.

— Энди, ўртоқлар, мен сизларга ўзбек тилида саволлар бераман. Сизлар ҳамма саволларимга ўзбекча жавоб беришингиз керак.

— Жавоб берамиз, ҳамма саволларингизга тўғри жавоб беришимиз керак!

— Жуда яхши. Қани, ўртоқ Борисов. Ёшингиз нечада? Жавоб беринг-чи.

— Менинг ёшим 18 да.

— Сиз қаерда ишлайсиз?

— Мен «Тошкент машинасозлик» заводда ишлайман.

— Сиз қайси мактабда ўқийсиз?

— Мен Маннон Уйғур номидаги 22-кечки мактабда ўқийман.

— Яхши! Раҳмат! Ҳамма жавобларингиз тўғри. Жойингизга ўтиринг.

— Ҳртоқлар! Сизлар ҳозир рус тилида гаплашманглар, чунки ўзбек тили дарси бошланади. Биз(лар) ўзбек тили дарсида русча гаплашишимиз керак эмас. Ҳамма ўқувчилар ҳозир ўзбекча гаплашишлари керак.

— Муаллим! Сизнинг саволларингизга рус тилида жавоб беришимиз мумкинми?

— Йўқ, рус тилида жавоб беришингиз мумкин эмас. Мен айгдим-ку. Ўзбек тилида жавоб беринглар.

— Майли, майли... Лекин биз дарсимизни яхши тайёрламадик.

— Нега яхши тайёрламадингиз?

— Кеча кечқурун бизнинг корхонада мажлис бўлди. Дарсга яхши тайёрланиш учун вақтимиз бўлмади.

— Майли, сизларга бугун кўп савол бермайман.

— Йўқ, йўқ, кўп савол беринг. Ҳар хил саволлар беринг. Биз(лар) ўзбек тилида кўп гаплашишимиз керак.

— Яхши, яхши. Қани, Кузнецова, айтинг-чи, ўзбек тилини яхши билиш учун нима қилишингиз керак?

— Ўзбек тилини яхши билиш учун мен ҳар бир дарсга яхши тайёрланишим керак. Ўз ўртоқларим билан ўзбекча гаплашишим керак. Ўзбекча китобларни ўқишим керак. Ўзбек тилида ёзишим керак. Ўзбек тили дарсларида ўзбекча гапиришим керак. Тўғри жавоб бердимми?

— Жуда тўғри жавоб бердингиз! Жойингизга ўтиринг. Қани, Сиз айтинг, Иванова, дарс вақтида синфда русча гаплашишимиз мумкинми, мумкин эмасми?

— Мумкин эмас. Ўзбек тили дарсида биз(лар), албатта, ўзбекча гапиришимиз керак. Саволларингизга ҳам (йам) рус тилида жавоб беришимиз мумкин эмас, чунки ўзбек тилини яхши билиш учун биз(лар) ўзбек тилида кўп гапиришимиз керак.

— Сиз ҳам тўғри жавоб бердингиз. Жойингизга ўтиришингиз мумкин.

40-§. Гапнинг бош бўлаклари — главные члены предложения. Главные члены предложения составляют предикативную основу предложения. Подлежащее (эга) — главный член двусоставного предложения, обозначающий предмет, признак которого назван в сказуемом. Предметное значение подлежащего понимается очень широко, оно может обозначать лицо, одушевленный или неодушевленный предмет, явление в качестве носителя признака, обозначенного сказуемым. Например: *Кимки эшитишни хоҳламаса, кетиши мумкин.* — Кто не желает слушать, прошу уйти. *Сиз бир оз кутиб тура оласизми?* — Вы можете немного подождать?

Подлежащее может быть выражено:

1) существительным: *Баҳор келди.* — Пришла весна;

2) прилагательным: *Оқлар енгилдилар.*— Белые побеждены. *Кучли — бир одамни, ақлли — минг одамни енгар.*— Сильный свалит одного, умный — тысячу;

3) местоимением: *Мен ТошДУда ўқийман.*— Я учусь в ТашГУ;

4) числительным: *Икки карра икки — тўрт.*— Дважды два — четыре. *Ун иккига бўлинади.*— Десять делится на два;

5) отглагольно-именными формами: *Езиш керак.*— Нужно писать. *Ўқигим келди.*— Мне захотелось прочитать.

Сказуемое (кесим)— главный член двусоставного предложения, связанный с подлежащим и выражающий признак предмета. Сказуемое может быть глагольным (фезъл кесим) и именным (от кесим). Например: *Карим келди.*— Карим пришел (глагольное сказуемое). *Карим — талаба.*— Карим — студент (именное сказуемое).

Сказуемое может быть выражено:

Косвенная речь — это передача чужого высказывания простым повествовательным (содда ёйиқ гап) предложением. Например: *Мен ўртоғимдан унинг қайси институтда ўқийётганлигини сўрадим*. — Я спросил у друга, в каком институте он учится. В русском языке косвенная речь передается сложным предложением: Камил сказал, что он любит спорт. (*Камил спортни севишини айтди*.)

323- машқ. Читайте. Выделите прямую речь и объясните употребление знаков препинания.

1. «Ўзингиз ким бўласиз?» — деди Алексей. (*Б. Полевой*.)
2. Кампир кетиш учун эшикка томон бораркан, Алексей: «Раҳмат, бувижон» — деди. (*Б. Полевой*.)
3. «Қойил қилишибди!» — деб кулиб қўйди Коля. (*Ҳ. Н.*)
4. «Хат, хат!» — деб гувиллашди бедапояга югурган болалар. (*Ҳ. Н.*)
5. «Азимжон, кун тифига қолмай йўлга чиқиб оламан», — деди Очил бува машина томон юриб.

324- машқ. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Сўнгра рус тилига таржима қилинг.

1. Шодмон ака кулиб деди Чирчиқ, Бекобод шаҳарларига борсангиз оғзингиз очилиб қолади. (*Й. Ш.*)
2. Энг оғир кунларда ҳам яйловдан кетмаганман, энди ташлаб кетармидим деб жавоб берди Йўлдош бобо (*Й. Ш.*)
3. Пода шов-шуви ичида Полвон отанинг қўрқма, чироғим, Полвоннинг қўлидан мол боласи қочиб қутулган эмас деган овози эшитилди.
4. Онам бувимга қараб деди қўйинг, ўқисин, мулла бўлсин болам. (*О.*)

325- машқ. Кўчирма гапларни ўқинг. Уларни ўзлаштира гапларга айлантинг, сўнг таржима қилинг.

1. «Қўли гуллар чўл қўйинини гулзор этар», — деди бобом.
2. Меҳри опа Шухратжонга шундай деди: «Ўзингдан катта иш буюрса, дарров бажар!»
3. Аҳмад Қудратнинг ёнини олиб деди: «Умрзоқ амаким болаларни яхши кўради». (*Ҳ. Н.*)
4. Марҳамат бир нимани сезгандек деди: «Мен сизларга бир янгиликни айтмоқчи эдим.» (*Ҳ. А.*)
5. Раъно поездга қўл силкиб қичқирди: «Тез қайтиб келинг, ойижон, укам иккимиз сизни соғиниб

қоламиз». (И. Р.) 6. «Қани энди иш бошлайлик»,— деди майор. (Шухрат.)

51- §. Услугият ва унинг предмети — стилистика и его предмет. В самом общем смысле стилистику можно определить как лингвистическую науку о средствах речевой выразительности и о закономерностях функционирования языка, обусловленных наиболее целесообразным использованием языковых единиц в зависимости от содержания высказывания, целей, ситуации и сферы общения.

Иногда стилистику определяют лишь как науку о выразительных средствах языка. Это не вполне верно: при таком понимании игнорируется функциональный аспект стилистики. Стилистическое определение как лингвистической науки может быть расчленено на две части, соответствующие двум основным исторически сложившимся направлениям стилистических исследований:

1) о вне контекстуальных стилистических ресурсах — аспект строевой, структурный;

2) о закономерностях функционирования языка в различных сферах общения — аспект собственно коммуникативный.

Рассмотрим на примерах, как однозначные слова различаются между собой стилистической окраской: 1) *Мактабда юрар миш-миш: Нортойнинг думи бормиш.* (Қ. Муҳаммадий)— В школе ходит слух, будто у Нортоя есть хвост. 2) *Қуёш дамани фир-фир эсан шамол кесар эди.* (О.)— Жар солнца остужал дуящий ветер. В приведенных предложениях вместо обычного слова *овоза* (слух) употреблено *миш-миш* (слух); вместо словосочетания *қуёш тафти* и слова *ҳарорат* использовано слово *дам*. Такое употребление объясняется стилем, оба примера взяты из художественной литературы.

Стилистически окрашенные языковые средства обычно разделяются на две большие группы в соответствии с характером окраски: 1) функционально окрашенные (функционал бўёқли) и 2) экспрессивно окрашенные (экспрессив бўёқли).

Функциональные средства традиционно разделяются прежде всего на книжные (китобий) и разговорные (сўзлашув) средства. В свою очередь книжные средства обычно классифицируются по их принадлежности к тому или иному функциональному стилю: илмий (научному), расмий (деловому), публицистик (публицистическому), бадий (художественному).

Разговорные средства преимущественно используются в разговорно-бытовой сфере, также как и средства просторечные и некоторые нелитературные (вульгаризмы).

Экспрессивные средства представляют собой единицы языка с ярко выраженными эмоционально-экспрессивными оттенками: тантанавор (торжественный), эркалаш (ласкательный), камситиш (унизительный), кесатиш (иронический).

Например: *Кўзимнинг нури кел, тоза гулим кел, кўнгил боғида сайроқи булбулим кел.* — Свет очей моих, приходи, цветок прекрасный, приходи. В этих строках ласкательные словосочетания: *кўзимнинг нури, тоза гулим, кўнгил боғи.*

Топшириқ. Қуйидаги гапларни ўқинг. Китобий ва сўзлашув нутқиға хос элементларни аниқланг. Рус тилиға таржима қилинг.

1. Йўл қурилиши факультети талабалари қишки имтиҳон сессиясига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. 2. Пушкиннинг образлар олами ҳозир ҳам ярқираб турибди. У рус оғзаки тилиға эртақлари, мақол, афсона ва масаллар билан кириб келди. 3. Жужуқларни тиззасида олиб ўтириб деди: Вой-вой, сен ўзинг қанақасан? Зиғирдек бўлиб, шунча машмаша қиласан! 4. Бутун ўзбек халқи улуг шоир Алишер Навоий таваллуд топган кунни кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

Топшириқ. Қуйидаги матни ўзбек тилиға таржима қилинг. Сўнгра ҳиссий-экспрессив лексикаға онд сўзларнинг маъносига, қўлланишиға таъриф беринг.

1. Что же это ты, батенька, промолчал? 2. Она улыбалась голубой детской улыбкой. (*Шолохов.*) 3. В ущелье не проникал еще радостный луч молодого дня. (*Лермонтов*) 4. А у двери — бушлаты, шинели, тулупы. (*Маяковский*) 5. Ну, скушай же еще тарелочку, мой милый. (*Крылов*) 6. Мы все глядели в Наполеоны. (*Пушкин*) 7. Шуршала трава, брячка тарактела и повизгивала. (*Чехов.*)

Топшириқ. Қуйидаги синонимларнинг китобий, сўзлашув услубиға хослигини аниқланг ва ўзбек тилиға ўғиринг.

Рука, лапа; наказание, кара, нагоняй; создатель, творец; захотеть, возжелать; есть, кушать, уплетать; поучительный, дидактический; влажный, промозглый.

326- машқ. Қуйидаги расмий матни рус тилиға ўғиринг ва ёзиш усулини эслаб қолинг.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти касаба уюшмаси қўмитасига институтнинг 2-курс талабаси Қомил Раҳимовдан

А р и з а

Стипендия миқдорининг камлиги ва хусусий хонадонда ижарада яшаётганимни эътиборға олиб, менга моддий ёрдам кўрсатишингизни илтимос қиламан.

1992.16.01.

имзо

Қ. Раҳимов

327- машқ. Қуйидаги сўзлардан публицистик услуб учун хос гаплар тузинг ва уларни ўзбек тилига таржима қилинг.

Благодушничать, кляузничать, деликатничать, по-деловому, по-рабочему, решающий гол, концертный сезон, о трудовых победах, огромный, гигантский, прандиозный, вице-президент, среднегодовой, рапортуют.

328- машқ. Запомните следующие слова. Составьте с ними предложения в книжном стиле.

Тузатаман — ремонтирую, буду ремонтировать, отремонтирую; китоб — книга; дўкон — магазин, ларек, устахона — мастерская, мастерские; бошлайман — начинаю, начну; жавоб бердим — (я) ответил(а), дал(а) ответ; мактаб болалари — школьники; кутубхона — библиотека; сотиб оламан — покупаю, куплю; мудар — заведующий; ёки — или.

329- машқ. Қуйидаги шеърини парчани ўзбек тилига таржима қилинг. Вариантларини солиштириб, қайси бири бадий услуб учун намуна бўла олишини аниқланг.

- I в а р и а н т: Его противник — хладнокровно
Наметил выстрел ...
- II в а р и а н т: Сошлись, противник хладнокровно
Навел удар. Надежды нет ...
- III в а р и а н т: Его убийца хладнокровно
Навел удар ... Спасенья нет.

Топшириқ. Қуйидаги бирикмалар ёрдамида ўзбекча матн тузинг. Қайси услубга хос сўзлар бирикмаси эканлигини аниқланг.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. 2. Касаба уюшмаси. 3. Тузатиш-техника устахонаси. 4. Район ҳокимлиги. 5 Тошкент Давлат дорилфунуни. 6. Самарқанд Давлат дорилфунуни. 7. Қалайлаб ёпиштириш. 8. Қуйма гипс. 9. Ичи ковак блоклар. 10. Харсанг тош. 11. Гайка калити.

Топшириқ. Выучите нижеследующие выражения и определите стилистическую окраску слов.

Кечирим сўраш	Извинение
Кечирасиз ёки узр	Извините (простите)
Кечиршингизни сўрайман ёки афв этинг	Прошу прощения
Кечирасиз, буни мен билмасдан қилибман	Извините, я сделал(а) это по неведению (ненарочно)
Кечикканим учун афв этасиз (кечирасиз)	Простите за опоздание
Кечиринг, сизни хафа қилмоқчи эмасдим	Простите, я не хотел(а) вас обидеть

Кечиринг, сизни безовта қиламан.	Извините, я вас побеспокою
Безовта қилганим учун кечиринг	Простите, что я вас побеспокоил
Марҳамат, ҳечқиси (зарари) йўқ	Пожалуйста, ничего
Марҳамат, аҳамияти йўқ	Пожалуйста, это не важно
Кечирасиз, билмоқчи эдим	Извините, я хотел(а) узнать...
Марҳамат, миннатдорчиликка арзимаёди	Пожалуйста, не стоит благодарности
Марҳамат, арзимаёди	Пожалуйста, не за что

52- §. Функционал услубнинг турлари — виды функциональных стилей. Как специфическое общественное явление язык выполняет ряд функций, иначе говоря, используется с определенными целями. К основным функциям его относят следующие: 1) общение, то есть обмен мыслями (коммуникативная функция); 2) сообщение, то есть оформление мысли и передача ее в виде определенной информации; 3) понудительная, подчиненная стремлению вызвать непосредственную реакцию на сообщение; 4) эстетическая, обращенная к чувственно-образному восприятию речи.

Язык представляет собой основное средство человеческого общения и является орудием мышления. Постоянное применение языка с определенной целью приводит к появлению специализированных средств выражения, а в какой-то мере и к приспособлению всей системы или ее участков к лучшему достижению цели.

Обычно выделяют пять основных функциональных стилей: илмий услуб (научный стиль), сўзлашув услуби (разговорный стиль), расмий услуб (официальный стиль), публицистик услуб (публицистический стиль) и бадий услуб (художественный стиль).

Илмий услуб — научный стиль. Научный стиль обладает специфическими чертами, вытекающими из абстрактности (понятийности) и строгой логичности мышления, отличается обобщенностью и подчеркнутой логичностью изложения. Отвлеченность и обобщенность непременно пронизывают собой каждый научный текст. Это сказывается прежде всего в том, что почти каждое слово выступает здесь как обозначение общего понятия или абстрактного предмета. Сравните: *Бодом февраль ойида гуллайди.* — Миндаль расцветает в феврале. *Қайрағоч — қурилиш материали, шунингдек мебель корхоналари учун қимматли хом ашё.* — Карагач является строительным материалом, а также ценным сырьем для мебельных предприятий. *Табиий битумлар қаттиқ, ёпишқоқ ва суюқ ҳолда бўлиши мумкин.* — Натуральные битумы бывают твердыми, липкими и жидкими.

330- машқ. Қуйдаги матни рус тилига ўтиринг. Техникага оид атама-ларнинг маъносини тушунтиринг ва ёд олинг.

Мутахассислар улуғ аллома обсерваториясини ўрганаётиб бир нарсага эътибор қилдилар. Улуғбек ер юзида биринчи бўлиб йилнинг 365—366 кунлигини ҳам аниқлаган. Ҳисоблашда у бор-йўғи ўн минутга адашган, холос. Бундай аниқ хулосага эга бўлиш учун бугунги кунда замонавий қурилмалардан, шу жумладан квадрантдан фойдаланишга тўғри келарди. Бу ўлчов асбоби билан ҳар қандай қурилмаларнинг ерга нисбатан қай ҳолатда турганлиги аниқланади. Агар машҳур алломада шундай ўлчов бирлиги бўлмаганда у обсерваториядаги плиталарни ерга нисбатан аниқ бир ҳисоб билан териб чиқолмасди. Демак, унда албатта шундай ўлчов асбоби бўлган. Ҳозир у қаердадир ётган бўлиши ҳам мумкин. Лекин у қаерда экан-а? («Еш куч»)

331- машқ. Уқнинг. «Пахта» мавзусидаги парчани таржима қилинг. Қайси парчанинг илмий услубга хослигини аниқланг. Илмий услубга хос белгиларни айтиб беринг.

I. Пахта кўп йиллик ўсимлик бўлиб, унинг ёввойи ва маданий турлари бор. Бизнинг олимларимиз пахтанинг 35 турини аниқладилар. Пахта иссиқликни севадиган тропик ўсимлик... Пахтанинг йирик кўсагининг диаметри 4,5 см гача бўлади. Чигит икки қават пўстлоқ ва ядродан иборат. Чигитнинг униб чиқиши учун оптимал температура 25 дан 30 даражагача иссиқ бўлиб, чигит бу температурада 4—5 кундан кейин ўсиб чиқади.

II. Пахтачилик — боболаримиздан қолган касб. Пахта — бизнинг фахримиз. Пахта — республикамизнинг бойликларидан бири. Пахтадан миллион-миллион метр газлама, тонна-тонна ўсимлик ёғи ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар олинади.

53- §. Сўзлашув услуби — разговорно-бытовой стиль. Под разговорно-бытовым или просто разговорным стилем понимают обычно особенности и колорит устно-разговорной речи носителей литературного языка.

Признаками разговорно-бытового стиля являются: неофициальность и непринужденность общения; непосредственность, неподготовленность речи, а потому автоматизм; обычность общения.

Особенности разговорной речи связаны прежде всего с ее экспрессивностью и оценочностью. Активны здесь суффиксы субъективной оценки со значениями ласкательности, неодобрения, увеличительности и др.: *ойишжон* — мамочка, *офтобим* — солнышко, *қўзичоғим* — ягненок, *тўрткўз* — очкастый, *қопогон* — кусачий и т. д.

Особенно характерен синтаксис разговорной речи. Именно здесь нагляднее всего проявляется ее эллиптичность, а также эмоциональность и экспрессивность: *Бўлди! Етар! Жим бўл!*—

Ну, полно! Хватит! Молчи! Чойми?— Менга ярим пиёла. — Чаю?— Мне полчашечки.

332- машқ. Қуйидаги диалогни ўзбек тилига ўгириб, уни ўзингиз давом эттиринг. Сўхбатда учраган сўзлашув услубига хос белгиларни айтиб беринг.

- Где тут старые книги продают?
- За углом.
- Недалеко?
- Прямо, метров сто, там вывеска «Букинист».
- Спасибо!

333- машқ. Қуйидаги гапларни услубий таҳлил қилинг ва рус тилига ағдаринг.

1. Кеча консультация бўлди, математикадан. 2. Қуйди ёмғир. 3. Қўзим, тезроқ юр, файратли бўл, латта бўлма. 4. Улар жуда иноқ: ораларидан қил ўтмайди. 5. Ким-ким келди? 6. Юриб-юриб бир шаҳри азимга етдим. 7. Бу китоб — роман-ов.

334- машқ. Уқинг. Сўзлашув услубига хос сўзларни аниқланг. Рус тилига таржима қилинг.

1. Файратли бўл, лапашанг, шалвираган бўлма! 2. У жуда каллали йигит, илмга берилган: нуқул китоб ўқийди... 3. Мунча латтасан, тўғри киравермайсанми? Бунақада оғзингдагини ҳам олдириб қўясан, бола! 4. Тек тур, тек тур, жим бўл! Яланг футбол ҳақида жаврайсан. 5. Шафтолини нега кесяпсан? Ҳали қилади, мевадан қолгани йўқ. 6. Бу қоп оғир, уни сен тугул, аканг ҳам кўтара олмайди. 7. Тушдан сўнг улар то кечгача идорада ўтиришди. Бўлим бошлиқларини, оқсоқолларни чақиршиди.

Топшириқ. Қуйидаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг. Сўзлар ўртасидаги услубий фарқни аниқланг. Улар ёрдамида гаплар тузинг.

Гуманный, гуманитарный; деловитый, деловой, дельный; идеальный, идеалистический; типовой, типичный, типический; титульный, титулованный, титулярный.

335- машқ. Қуйидаги матнни рус тилига ўгиринг. (Хат жанри ҳам сўзлашув услубида ёзилади). Сўзлашув услубининг ўзига хос белгиларини айтиб беринг.

Соғинчли салом хат,
Соғинсангиз ёзинг хат.

Салом, дўстим Лолахон! Аҳволларингиз, соғлиқларингиз яхшими? Уйнаб-кулиб юрибсизми? Янги ишлар билан табрикласак бўладими? Еки ҳали ҳам ишга кирмай, ялло қилиб юрибсизми? Мендан сўрасангиз, раҳмат, ишим ҳам, соғлиқла-

рим ҳам яхши. Ўғлим, қизларим ўқиб юришибди. Невара билан бўлиб, уйда ўтириб қолдим.

Кафедрада қандай янгилıklar дейсизми, айтгандек, мен ҳам сизга ўхшаб кафедрадан кетяпман. Нутқ маданияти кафедраси очиляпти, шу кафедрага ўтяпман. Қалай, дурустми?

Шу билан қисқача хатимни тугатаман. Дийдор кўришгунча хайр. Соғ бўлинг. Сизни жуда соғинган дугонангиз *Пўлатой*.

54-§. Публицистик услуб — публицистический стиль. В публицистическом стиле функция воздействия языка проявляется сильнее, чем в других стилях. Этому способствует бурное развитие периодической печати, радио, телевидения. Язык газеты должен быть доступным, общепонятным, действенным.

В языке публицистики чередуются экспрессивные языковые средства с максимально стандартизованными. Экспрессивные средства — образ, метафора, деформированный фразеологизм и др. — подчинены задаче по-новому сообщить информацию.

Стремлением к достижению выразительности речи продиктованы широкоупотребительные в газете метафорические перефразы, которые нередко переходят в стандарт: *маиший хизмат* — бытовые услуги, *хўжалик ҳисобига ўтиш* — переход на хозрасчет.

Информационная функция осуществляется через логикопонятную сторону речи, отличающуюся в известной степени нейтральностью, точностью и объективностью выражения. Она проявляется в публицистике прежде всего в использовании научной, официально-деловой, общественно-политической терминологии, активном использовании аббревиатур и словосложений терминологического характера.

336-машқ. Қуйидаги газета хабарини таржима қилинг. Публицистик услубнинг ўзига хос белгиларини санаб беринг.

Корхона ишга тушди

Хонқа районида цемент заводи ишга тушди. Бу ерда металлургия саноати чиқиндиларидан тақчил қурилиш материаллари тайёрланади.

Тошкент политехника илмгоҳи билан Илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси, Хоразм вилоят бошқарувининг ҳамдўстлиги туфайли шундай цемент олинди. Шунингдек, мазкур цементни тайёрлаш технологияси ҳам ишлаб чиқилди.

Металлургия комбинатлари илгари ташлаб юборадиган тошқоллардан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Янги корхона мукамал янчиш ва майдалаш ускуналари, бошқа механизмлар билан жиҳозланган.

337-машқ. Қуйидаги матнни ўзбек тилига таржима қилинг. Газета тилига хос сўз ва бирикмаларнинг тагига чизинг.

Қўқон маърифатпарвар эиблиларининг баркамол вакили, профессор Улуғ Турсун бутун олимлик йўли бор-йўғи: ўрта мактаб — олий ўқув юрти — аспирантурадан иборат бўлган ёки илм масканига унинг орқа эшигидан кирган фан номзоди эмас, балки садоқат васиқасини Ватан урушининг қонли жанг майдонидан олиб қайтган, сўнгра Ўзбекистон Давлат дорилфунунида қилични қаламга алмаштириб, қайноқ илмий фаолиятини ўзининг эски «коржомаси» (шинели) билан бошлаган бардам, етук, донишманд олим эди.

Шунинг учун жумҳуриятимизда фанни ташкил қилиш ва ривожлантириш, маҳаллий ёшлар орасида кўплаб юқори ма-лакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги улкан хизматлари учун унга профессор ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган юксак ва фахрли илмий унвонлар берилди. 1969 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт инсти-тутининг илмий кенгаши олим тайёрлаган докторлик ишини қизғин маъқуллади. (*Ғ. Саломов*).

338- машқ. Қуйидаги матнни ўқинг, публицистик услубга хос сўзларни ажратиб олиб, рус тилига таржима қилинг.

«Камалак» нашриёти яқинда китобхонларга ажойиб бир туҳфа ҳада этди. Нуруллаҳон ҳожи Абдуллаҳон Қўқондийнинг «Муборак ҳаж сафари» китоби ўқувчилар қўлига бориб етди.

Муборак ҳаж сафари таассуротлари асосида ёзилган ушбу рисола сўз бошисида у «одоб билан битилган китоб» деб баҳо-ланади ва қуйидагилар таъкидланади: «Муаллиф саудиялик ватандошларимиз исломий қадриятларни, ўзбекона одоб-ахлоқ-ни эъозлаб, авайлаб келаётганлигини таъсирли баён қилган. Шунингдек, китобни мутолаа қилган киши Байтуллоҳ ҳақида, ҳаж арконлари хусусида, Расулуллоҳ дафн қилинган ҳужраи саодатни зиёрат этиш қондалари борасида мухтасар маълумотларга эга бўлади. Жамиятимиз покланиш жараёнини бош-дан кечираётган умидбахш кунларда инсонларни дину диёнат-га даъват этиб битилган бу сафарноманинг китобхонларга тақдим этилаётганлиги, иншооллоҳ, қутлуғ ва саодатли бўл-гай».

— Мазкур сафарномада бизнинг ҳаёт тарзимиз, турмуши-миз, урф-одатларимиз, тилимиз, мамлакатда тутган ўрнимиз кенг кўламда ёритиб берилганлиги диққатга сазовордир,—деб ёзади Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи юртдошимиз Шайх Нўъмон Тошкандий. (*Газетадан*)

339- машқ. Қуйидаги газета хабарини ўзбекчага ўғиринг. Қайси нутқ услубида ёзилганлигини аниқланг.

Талъатбек Рустамбек ўғли

Ўзбек адабиётшунослиги оғир жудоликка учради. Шарқ ва Ғарб адабиётининг жуда катта билимдони, моҳир мураб-

бий, илм-фаннинг жонкуяр фидойиси, Тошкент Давлат дорил-фунуни чет эл адабиёти кафедрасининг мудир Талъатбек Рустамбек ўгли орамиздан бевақт кетди.

Талъатбек Рустамбек ўгли 1934 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Аввал ТошДУнинг ўзбек филологияси бўлимида, сўнгра аспирантурада таҳсил кўрди. Ўзбек танқидчилиги тарихининг муҳим масалалари бўйича диссертация ёқлаб фан номзоди илмий даражасини олди.

Талъатбек Рустамбек ўгли бир қанча вақт ТошДУнинг филология факультетида деканлик қилди, узоқ йиллар мобайнида Чет эл адабиёти кафедрасига мудир бўлди. Қобул дорил-фунунида ўзбек адабиёти профессори лавозимида ишлади. Унинг эълон қилинган ўнлаб илмий, адабий-танқидий тадқиқотлари, мақолалари, ўзбек радиосидаги чиқишлари жамоатчилик эътиборини қозонди.

Талъатбек Рустамбек ўгли Солиҳов ёрқин салоҳиятли мураббий — устоз эди. У 30 йиллик педагогик фаолияти давомида юзлаб шогирдлар етиштирди. Мунтазам суратда ёш истеъодларга ҳомийлик қилди. У том маънода адабиёт фидойиси, олижаноб, хокисор мунавварларимиздан эди. Ҳали кўп йиллар Талъатбек Рустамбек ўглининг адабиёт оламидаги ўрни сезилиб туради. Уни соғинамиз. Хотираси юраклардан ҳеч қачон ўчмайди. Оллоҳ раҳмат қилсин ва рози бўлсин. Бир гуруҳ дўстлари. (Газетадан.)

55-§. Расмий иш услуби — официально-деловой стиль. Этот стиль языка обычно характеризуется как стиль наиболее устойчивый. В нем сравнительно ограниченный набор языковых средств, обычно «штампованных», употребляемых чаще в заявлениях, анкетах, рапортах, приказах, актах и др. Лексика, фразеология, синтаксис подчинены единой стандартной форме. Поэтому обычно в таких документах, как производственные, управленческие, судебные, встречаются устойчивые словосочетания номенклатурного или терминологического характера. Например: *шунга кўра, шу асосда, биз қуйида қўл қўювчилар, ойлик маош миқдорида* и др.

К таким «штампованным» конструкциям относятся канцелярские выражения типа: *сизнинг № ... ли жавобингизга кўра... Биз, ушбу актни тузувчилар... Ойлик маош миқдорида..., ...га кўра берилсин. ... сўм маош билан мудирлик лавозимида тайинлансин.*

Окраска языковых средств, употребляющихся в деловых документах, специфична.

Текст документов, как правило, пишется от первого или третьего лица. От первого лица (руководителя) пишутся приказы (буйруқлар), указы (фармонлар), показания (кўрсатмалар).

340- машқ. Қуйидаги матни синчиклаб ўқинг. У расмий баённинг қайси турида ёзилганлигини аниқланг.

Тошкент шаҳар халқ таълими
бош бошқармаси бошлиғи ...га
Тошкент шаҳар Сағбон кўча-
сидаги 44- уйда яшовчи
О. Р. Раҳимовадан

А р и з а

Мени Шайхонтохур ёки Собир Раҳимов районларида жой-
лашган мактаблардан бирига жўғрофия ўқитувчиси қилиб
юборишингизни сўрайман. 1992 й. 03. 08.

имзо О. Раҳимова

Топшириқ. Қуйидаги расмий таклифномани ўқинг ва маъносини тушун-
тиринг, сўнгра русча вариантини ёзиб келинг.

Тошкент Давлат дорилфуну-
нининг профессори О. Шара-
фиддиновга

Ўрнатли Озод Шарафиддиновчи!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси адабиёт инс-
титутининг илмий кенгаши Сизга институтнинг адабиёт наза-
рияси бўлимида тайёрланган «Ўзбек адабий танқиди тарихи»
номли ишни тақриз учун йўллайди.

Апрель ойида бўладиган илмий кенгашнинг шу иш муҳо-
камасига бағишланган йиғилишида тақризчи сифатида ишти-
рок этишингиз сўралади.

Илмий кенгаш йиғилишининг муддати ҳақида сизга ало-
ҳида хабар қилинади.

Илмий кенгаш
ранси

(имзо)

56-§. Бадний услуб — художественный стиль. Художествен-
ный стиль в целом отличается от других функциональных сти-
лей тем, что, если те, как правило, характеризуются какой-ли-
бо одной общей стилиевой окраской, то в художественном сти-
ле — многообразии используемых языковых средств.

В художественном стиле употребляются литературные, диа-
лектные, архаические, профессиональные, а иногда и научные
слова и термины.

В художественной литературе широко используются вы-
ражения с переносным значением, повторы.

Язык художественной литературы опирается на все богатст-
ва национального языка. Выбор слов в художественном произ-
ведении подчинен иным целям, чем в других видах речи, поэ-

тому признаки «правильности» словоупотребления могут получать здесь особое истолкование.

Языковое богатство художественной литературы не следует понимать как ничем не ограниченную свободу в использовании ресурсов языка. Ограничения в художественном стиле определяются индивидуальными вкусами писателя.

В художественном стиле синонимы, антонимы и омонимы занимают особое место, так как они являются важными элементами обогащения художественной речи. Например: *Унинг кўзи учди.* — У него дергается глаз (веко). *Уғли уч ёшда* — Сыну три года. *Тўлқин қайиқни аста тебратди.* — Тулкин осторожно качнул лодку. *У ҳаваскор артистлар ҳақида қалам тебратди.* — Он написал о самодеятельных артистах.

Все средства, в том числе нейтральные, призваны служить здесь выражению системы образов, поэтической мысли художника.

341- машқ. Уқинг, бадний услубга хос сўзларнинг тагига чизинг.

1. Ҳаётнинг чеҳрасида атиргул япроқчасидек тоза, нафис, тиниқ бир жилмайиш пайдо бўлди. (*М.Исм.*) 2. Жувон хушбичим бурунчасини жийриб, чинни товуши билан жаранглаб кулди. (*М.Исм.*) 3. «Шунча қилган меҳнатларим шамолга учди, зое кетди. Меҳнатимнинг қадрига етмадингиз»,— деди афсусланиб судхўрга бечора коранда. (*Эртақдан*) 4. Аллақайси чизмакаш шу нухаларни чизибди. (*F. F.*) 5. Атроф жим-жит, дала осмони тиниқ, мусаффо. 6. Почтачининг бурни кўтарилиб қолибди. (*И.Р.*) 7. «Сал мақтасанг, димоғлари кўтарилиб кетади»,— деди чол.

342- машқ. Қуйидаги сўзларни таржима қилинг. Синонимлар иштирок этган гаплар тузинг.

Бол — асал; аёвсиз — беомон; ваъдалашмоқ — аҳдлашмоқ; тузук — яхши; вақт — пайт, маҳал; жойламоқ — ўрнатмоқ; унамоқ — кўнмоқ; ноаниқ — мужмал.

343- машқ. Қуйидаги маттни синчиклаб ўқинг. Қайси нутқ услубида ёзилганлигини аниқланг. Таржима қилинг.

Навбатдаги нохуш хабар Шералини жиддий ўйлантриб қўйди. Академияда Шералининг ишини режадан чиқариб ташлашти.

Шерали хонасини қулфлади-ю, директор қабулига чопди. Кабинет эшигини шиддат билан тортди. Берк. Ҳайрон бўлиб, котиба қизга қараган эди, у маъюс кўзларини деразадан узмай:

— Ҳафиз Мирзамуҳамедовични боя касалхонага олиб кетишди,— деди синиқ овозда.

— Нечук? Эрталаб соппа-соғ эдилар-ку!

— Ҳа, эрталаб соппа-соғ эдилар, хатто ишга келганларида,

худди сизнинг ўрнингизда туриб, Эшбой Норбоевичга: «Чолга ўхшайсизлар-а? Бундоқ мендан ўрнак олсаларинг бўлмайди-ми?»— деб ҳазиллашган эдилар.

344- машқ. Уқинг. Берилган антонимлар ёрдамида бадний услубда гап тузинг.

Рост, хурсанд, кенг, ёлгон, орқага, озгин, йиғлаш, яқин, охир, ёруғ, тун, тузмоқ, ингичка, совуқ, семиз, йўқ, олдинга, кулиш, ўнг, паст, секин, олди, бузмоқ, хафа, тор, йўғон, иссиқ, қуйи, кеча, кириш, чап, баланд, тез, узоқ, бош, юқори, бор, кундуз, чиқиш, қоронғу, кун.

345- машқ. Уқинг. Нейтрал ва таъсирчан бўёқли сўзларни ажратиб, бу маъноларнинг қандай восита орқали ифодаланганлигини аниқланг.

1. Бошларида саллалари оқ сават, тағларида кўрпачалар уч қават. (*Муқимий*.) 2. Ҳо ўзимнинг попочимдан айланай, — деди она тиззасида ўтирган Лесяни қучоқлаб. (*Р.Ф.*) 3. Бизнинг хўжалигимиз Сирдарёнинг ёқасига жойлашган. Бу дарё узоқлардан оқиб келади. У жуда тиниқ оқади, кишининг кўзига оқмаётгандек кўринади. Кечқурун қип-қизил осмон дарёда акс этиб турганда, майин шамол эсиб, сувнинг юзи жимирлаб мавжланиб турганда, бу кўринишдан кўзингни узолмайсан. Тинч оқар дарё! Унинг тўлқинлари қирғоқларга шиддат билан урилмайди, қирғоқларини сийпаб ўтади. Дарё ёқасининг ҳавоси жуда тоза, соф. Биз ҳар куни дарё бўйига чиқамиз. Ёзининг иссиқ кунлари дарёнинг четида чўмиламиз.

346- машқ. Қуйидаги шеърий парчани ифодали ўқинг. Образли сўзларни аниқланг.

Жаҳон чеҳра —
 рангу рўйи
 ўзингсан,
Ақл дарё — унинг суви
 ўзингсан.
Гул баргида шабнамдайн
 тоза бўл,
Бу боқчанинг рангу рўйи
 ўзингсан.

(*Паҳлавон Маҳмуд*)

Топшириқ. Кўчиринг, қайси услубга хослигини ва нима учун шундай қўлланганлигини айтиб беринг.

1. Оқ қоғоз — оппоқ қоғоз; оқ каптар, оқ сут; қора сатин, қора кўмир — қоп-қора кўмир; қора илон — қоп-қора илон.
2. Қўй ва қўзилар қишлоvdан қайтди.—Болаларим—қўзиларим.
3. Шундай бахтли ёшлик кимни қувонтирмайди?!— Бундай бахтли ёшлик ҳаммамизни қувонтиради. 4. Кўкан ўзи менинг

билан хўб оғайни.—(F. F.)— Мен билан ким мусобақа ўйнайди? 5. Сенинг ўзинг — сен ўзинг. 6. Осмонлардан гулдираб самолёт учиб ўтди. (X.O.) 7. Осмон тиниқ, артилган шиша. (У.)

347- машқ. Қуйидаги матрни ўқинг. Бадний тасвир воситаларини топиб, тагига чизинг ва рус тилига таржима қилинг.

Мулланинг зори

Эй худойим, банданга аввал ҳурмат бор эди,
Бир вақтлар салламга ҳам қадр, иззат бор эди.
Қайда борсам, халқ кутиб, ҳурмат ила қутлар эди,
Ер юзи жаннат эди, давлат ва неъмат бор эди.
...Тавбаким, катталар ҳам ёшлар йўлига киришиб.
Ўзгаришди, биз учун раҳм ва шафқат йўқ энди.
Ой, нечук овлар эдим балиқчаларни лойқадан,
Эй худойим, қайда шул кун, ул чоғда ҳиммат бор эди.

(А. Тўқай)

КОНТРОЛ ИШЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

ДИКТАНТЛАР УЧУН

Бир оила фарзандларидек

Тошкентдаги фурнитура-пластмасса буюмлари заводда турли миллатга мансуб кишилар ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Шоир айтганидек, дўстлик ва қардошликда ҳикмат кўп! Буни корхона жамоаси ўзининг кундалик иш жараёнларида яққол ҳис этиб турибди.

Қаердаки аҳиллик, меҳр-оқибат бўлса, ўша ерда эришиладиган ютуқлар салмоғи ҳам ошиб бораверади. Ушбу заводда ҳам узоқ йиллардан бери меҳнат қилаётган ишчилар кўпчиликини ташкил этади. Шулардан бири ушбу суратда акс эттирилган ўзбек Йўлдош Эгамбердиев ва рус Михаил Дорошкиндир. Бу икки илғор ишчининг бу ердаги иш стажы салкам саксон йилни ташкил этади. Уларнинг бир оила фарзандларидек, елкама-елка туриб фидокорона меҳнат қилаётганликлари сабабли завод қўлга киритаётган ютуқлар салмоғи тобора ошиб борапти.

Ҳа, бу ерда дўстликни қадрлаётганлар ҳақида ҳар қанча илиқ гапларни айтиш мумкин.

Истеъдод қирралари

Ҳурматли Маҳкам Маҳмудович!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви Сизнинг ярим асрлик ҳаёт, илмий ижодий фаолиятингизнинг эса чорак асрлик тўйи билан самимий муборакбод этади.

Сиз ТошДУ журналистика бўлимида ўқишни битиргач, дастлаб вилоят рўзномасида махсус мухбир, «Ўзбекистон» нашриётида муҳаррир, «Ўзбекистон овози» рўзномасида бўлим мудири, «Гулистон» ойномасида бўлим мудири ва масъул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишладингиз. «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасида меҳнат қилдингиз, ҳозир «Сирли олам» жаридасида фаолият кўрсатаясиз.

Сиз 1960 йилдан буён адабий-танқидий мақола ва тақрирларингиз билан вақтли матбуотда фаол қатнашиб келмоқдасиз. Айни чоғда адабиётшунослигимизнинг муҳим назарий масалалари тадқиқига бағишланган илмий ишингиз, «Талант ва ижод фалсафаси», «Абадий лаҳзалар» номли адабий-танқидий китобларингиз, тарихий ва фантастик асарларингиз жамланган «Мангу куй излаб», «Я — не я» насрий китобларингиз адабиётимиз мухлисларига яхши таниш.

Сиз моҳир таржимон сифатида ҳам фаол ишлаб турибсиз. Ўзбек китобхонлари Оскар Уайльд, Жорж Санд, Чингиз Айтматов, Э. Топелиус, Степан Цвейг, Вашингтон Ирвинг новеллалари, Бальзакнинг «Сағри тери» романи ва бошқа жаҳон адабиёти дурдоналарини Сизнинг таржимангизда ўқиганлар.

Ҳурматли Маҳкам Маҳмудович!

Сизни айни ижодий балоғат ёшингиз билан яна бир карра табриклаймиз. Муваффақият ёр бўлсин Сизга!

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқаруви

Хожатбарор Таиса опа

Бизнинг 17-Иттифоқ маҳалламизни байналмилал маҳалла деб атасак янглишмаймиз. Сабаби, турли миллат вакиллари шу маҳаллада дўстона, бир оила фарзандларидек аҳиллик билан яшамоқда. Маҳалламизга бир неча йиллардан бери хат ташувчи аёл — Таиса Васильевна Кузина ҳалол хизмат қилиб келади. Телеграммалар, хатлар, рўзнома ва ойномалар ҳамда қарияларимизнинг нафақалари у киши орқали ўз вақтида эгаларига етказиб берилмоқда.

143-алоқа бўлими маҳалламиздан анча узоқ (Қорасув даҳасида) жойлашган бўлиб, кўпчилик қарияларимизнинг у ерга етиб боришлари жуда қийин. Шунинг учун олган Таиса Васильевна қариялар нафақасини алоқа бўлимида расмийлаштириб, уйларига етказиб беради.

Ун саккиз йилдирки, алоқа бўлимида ҳалол хизмат қилиб келмоқда. У ўзининг камтарин меҳнати эвазига алоқа бўлими маъмурияти томонидан бир неча ташаккурнома ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилган.

Ҳабибий юбилейи

Зокиржон Холмуҳаммад ўгли Ҳабибийнинг 100 йиллик тўйи жумҳуриятимизда кенг нишонланди. Юбилей тантаналари шoirнинг она юрти — Андижон вилоятининг Пахтаобод шаҳрида бошланди. Шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғида Ҳабибийнинг уй-музеи очилди. Унинг очилишида ёзувчилар, зиёлилар иштирок этишди. Шоир Муҳаммад Али Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номидан музейга Навоий бюстини совға қилди. Уй-музей олдида Ҳабибийга бюст ўрнатилди.

Бюстни шоирни кўрган, у билан ҳамсуҳбат бўлган кексалар очишди.

Уша куни кечқурун Ҳабибий ҳаёти ва ижодига бағишланган бадий-муסיқавий тантана бўлиб ўтди. Унда Хитойнинг Шинжон вилоятидан келган меҳмон Эмин Турсун, адиллар Ҳайдар Муҳаммад, Рустам Раҳмон ва бошқалар сўзга чиқдилар. Ҳабибий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

Ҳабибийнинг 100 йиллигига бағишланган тантаналар Андижон вилоят театрида ҳам бўлиб ўтди. Кечада шоир ва ёзувчилар Нормурод Нарзуллаев, Тоҳир Малик, Олимжон Холдор ва бошқалар сўзга чиқиб, ғазалхон шоирнинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида гапирдилар.

Тошкентнинг олиниси

1864 йил кузида Черняев Тошкентни олиш учун уриниб кўради, лекин ололмади. 1865 йилнинг баҳорида Черняев Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан ишғол қилади. У дарё сувини Тошкентга юбормай қўяди. Натижада шаҳар аҳолиси оғир аҳволга тушади, шунга қарамай аҳоли шаҳар мудофаасини мустаҳкамлайди. Қўқондан лашкарбоши Алимқул мадад бергани келади. Халқ ва қўшин бирлашиб душманга ҳужум уюштириб, истилочиларни чекинишга мажбур этади. 1865 йил 9 майда қаттиқ жанг бўлиб, Алимқул яраланади ва ҳалок бўлади. Бу ҳол ҳимоячиларга салбий таъсир кўрсатади. Сувсизлик ва ташналик уларнинг тинқасини қуритади. 1865 йил 14 июнида Черняев шаҳар ичкарасига ўз қўшини билан киради. Ҳар бир маҳалла ва кўча жанг майдонига айланади. Ниҳоят, 1865 йил 17 июлда тошкентликлар душман ҳужумига бардош беролмай таслим бўлишга мажбур бўладилар.

1866 йилда чор ҳукумати қўшинлари Жиззахни олди, 1867 йили чор ҳукумати босиб олган жойларда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Бу мансабга генерал К. П. Кауфман тайинланди. Тошкент генерал-губернаторлик маркази бўлиб қолди.

Донолар шахмат ҳақида

Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асаридаги ҳикоялардан бири шундай парча учрайди:

Ҳажга пиёда кетаётган одамлар орасига низо тушди. Ростини айтсам, биз жуда жиддий баҳслашар, бир-биримизнинг юз-кўзимизга аямай мушт туширар эдик. Шунда кажавада зиёратга кетаётган бир кишининг ўз ҳамроҳига айтган гапини эшитдим: «Ажабо, шатранж пиёдаси хоналардан ўтиб бошдаги маррага етса, аввалгидан кўра ҳам яхшироқ фарзин бўлади, бу ҳажга кетаётган пиёдалар эса саҳрони кесиб ўтгандан кейин аввалгидан беш баттарроқ бўладилар!»

Мавлоно Лутфийни «Маликул-калом», яъни «Сўз подшоси» деб улуғлайдилар. Лутфийнинг бадийят хазинасида шахматга онд нафис, теран мисралар кўп:

Шатранжи латофатни ўтар нечаким ул ой,
Руҳ тарк бериб, чарх қуёши била ўйнар.

Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам ўз асарларида шахмат усулларидан моҳирона фойдаланган:

Чекма бу вайрона ичра ганж учун қайғу-алам,
Нақдинг ўлди умр ганжи, ерга кўмгил они ҳам,
Бу жаҳоннинг боқма кишту коригаким, оқибат —
Мот бўлур бил кишт ила шатранж — умринг шоҳи ҳам.

Инсоний ишқ-муҳаббат кечинмаларини, ҳис-туйғуларини куйлаб, ажойиб назмий дурдоналар яратган, Шарқнинг буюк лирик шоири Фузулий севги оламида ўзини «Мударрис илми жунун», яъни ошиқлик илмининг муаллими деб ҳисоблайди. Шоир шахмат доналарининг юриш-туриш қондасидан фойдаланиб, Мажнун замон тақозоси билан мендан олдин дунёга келган бўлса ҳам, у ишқ оламининг пиёдасидир, мен эса шоҳиман, дейди. Фузулий бу ерда шахмат тахтасини ишқ майдонига ўхшатган бўлса, «Лайли ва Мажнун» достонида уни «жанг майдони» деб таърифлайди.

Дарҳақиқат, шахмат тахтасининг ҳар бир катагига сирли бир олам яширинганки, у кишини мушоҳада тарозисида тортилган фикрлар, жўшқин ҳислар гирдобига, кураш майдонига етаклайди. Инсон қалби доимо янгилик учун интилади. Шахматда доимо янги-янги қарашлар, талқинлар, ғоялар кураши ҳукмрон. Кўҳна ва ҳамиша навқирон шахмат шу боисдан ҳам энг улуғ зотларнинг қутлуғ ҳаётига йўлдош бўлган, забардаст сўз санъаткорларининг назаридан жой олган. Унинг жозиба кучи ҳам шунда.

(М. Муҳитдинов)

Кичкина қизчага ўрнатилган катта ёдгорлик

1945 йил 6 август соат 8 дан 15 дақиқа ўтганда Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устида атом бомбаси портлади. Бомбадан шикастланган кишилар махсус госпиталга олиб келинди. Булар нур касалига дучор бўлган эдилар. Улар орасида кичик қизча Садако ҳам бор эди. У ўзининг оғир касаллигини, уни ўлим кутаётганлигини билмас эди. У ҳам бошқалар сингари тиббий ёрдам олар ва бошқа касаллар каби ҳаёт учун курашар эди.

У бир вақтлар турнанинг минг йил яшашини ва одамларга бахт келтиришини эшитган эди. Агар бола мингта қоғоз турна ясаса, унинг узоқ умр кўриши ҳақидаги афсонани билар эди. Садако ҳам узоқ яшаш умидида қоғоз турналар ясашга киришди. Аммо унинг аҳволи кун сайин оғирлашди ва у фақат 966 та турна ясади.

Бироқ Хиросима ва Нагасаки яшамоқда. Шаҳарнинг марказидаги Тинчлик боғида Садако Сасакининг ҳайкали ўрнатилган. У қўлларини осмон томон чўзиб: «Хиросима ва Нагасаки фожиасининг такрорланишига йўл қўймангиз!»— деяётганга ўхшайди. Бу ерга минглаб катталар ва болалар келиб турадилар ва: «Йўл қўймаймиз!»— деб қасам ичадилар.

МУНДАРИЖА

Муаллифлардан	3	13-§. Атама сўзлар	73
Муқаддима	4	14-§. Байналмилал сўзлар	75
Фонетика			
1-§. Фонетика	6	15-§. Синонимлар	82
2-§. Фонема-ҳарфлар	6	16-§. Антонимлар	85
3-§. Фонема тушунчаси	6	17-§. Шаклдош сўзлар	87
4-§. Товуш ва ҳарф	7	18-§. Келиб чиқишига кўра ўзбек тилининг лексик қатлами	89
5-§. Товуш ва фонема	7	19-§. Туб туркий сўзлар	90
6-§. Утли товушлар	8	20-§. Умумтуркий сўзлар	92
7-§. И фонемаси	8	21-§. Ўзбекча сўзлар	93
8-§. Э фонемаси	10	22-§. Ўзлашма қатлам	94
9-§. А фонемаси	11	23-§. Форс-тожик ўзлашма сўзлари	100
10-§. У фонемаси	13	24-§. Русча ўзлашма сўзлар	106
11-§. У фонемаси	16	Грамматика	
12-§. О фонемаси	18	1-§. Морфология	111
13-§. Я, е, ё, ю графемалари	21	2-§. Сўз таркиби	111
14-§. Ундош фонемалар	24	3-§. От	112
15-§. Фарқланувчи ундош фонемалар	25	4-§. Атоқли ва турдош отлар	113
16-§. Ургу	30	5-§. Аниқ ва мавҳум отлар	115
17-§. Тўғри ёзув—орфография	35	6-§. Жамловчи отлар	116
18-§. Баъзи ундошлар талаффузи	35	7-§. Сон категорияси	117
Лексика			
1-§. Лексика	50	8-§. Эгалик категорияси	120
2-§. Лексикология	52	9-§. Келишик категорияси	121
3-§. Дублетлар	52	10-§. Отларнинг турланиши	122
4-§. Дублетларнинг турлари	53	11-§. Бош келишик	122
5-§. Кўп маънолик — полисемия	55	12-§. Қаратқич келишиги	124
6-§. Маъно кўчиши — метафора	58	13-§. Тушум келишиги	126
7-§. Метонимия	60	14-§. Жўналиш келишиги	128
8-§. Синекдоха	62	15-§. Урин-пайт келишиги	129
9-§. Маиший ва уй-рўзғор буюмлари номлари	63	16-§. Чиқиш келишиги	131
10-§. Техникага оид сўзлар	63	17-§. Отларнинг ясалиши	132
11-§. Ҳарбийга оид сўзлар	66	18-§. Сифат	136
12-§. Илм-фанга оид сўзлар	67	19-§. Сифат даражалари	138
		20-§. Сон	140
		21-§. Олмош	145
		22-§. Феъл	150
		23-§. Феъл даражалари	155
		24-§. Замон категорияси	157
		25-§. Келаси замон	158

26-§. Утган замон	159	43-§. Ҳол	204
27-§. Майл категорияси	164	44-§. Уюшққ булакли гаплар	207
28-§. Сифатдош	168	45-§. Тўлиқ ва тўлиқсиз гап-	
29-§. Равишдош	169	лар	209
30-§. Ҳаракат номи	171	46-§. Гапнинг ажратилган ик-	
31-§. Равиш	172	кинчи даражали бўлак-	
32-§. Кўмакчилар	177	лари	210
33-§. Боғловчилар	180	47-§. Ундалма	213
34-§. Юкламалар	182	48-§. Қирш сўзлар	213
35-Модал сўзлар	188	49-§. Қўшма гап	215
36-§. Ундовлар	190	50-§. Кўчирма ва ўзлаштира-	
37-§. Тақлид сўзлар	192	гаплар	219
		51-§. Услубият ва унинг пред-	
		мети	222
		52-§. Функционал услубнинг	
		турлари	225
		53-§. Сўзлашув услуби	226
		54-§. Публицистик услуб	228
		55-§. Расмий иш услуби	230
		56-§. Бадий услуб	231
		Контрол ишлар учун материал-	
		лар	234

Синтаксис

38-§. Синтаксис	193
39-§. Гап	196
40-§. Гапнинг бош бўлаклари	200
41-§. Иккинчи даражали бў-	
лаклар	203
42-§. Тўлдирувчи	203

УЗОҚОВ ҲАЙДАРАЛИ, МИРЗАҚАРИМОВА УЛМАС,
САИДОВА РИХСИЕР

ЎЗБЕК ТИЛИ АМАЛИЕТИ

Практика узбекского языка

Нофилологик олий ўқув юртларининг рус гуруҳлари I—II курс
талабалари учун дарслик

Тошкент «Ўқитувчи» 1993

Таҳририят мудири С. Мўминов
Муҳаррирлар: М. Аҳмедов, А. Шегай
Бадий муҳаррир Б. Жўраев
Тех. муҳаррир Т. Скиба
Кичик муҳаррир М. Ҳошимова
Мусаҳҳиҳа Л. Мирзаҳмедова, В. Тараненко

ИБ № 6060

Теришга берилди 24.02.93. Боснига рухсат этилди 29.05.93. Формати 60 × 90/16. Кегли 10, шпонсия. Литературная гарнитураси. Тип. қоғози. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 15. Шартли кр. -отт. 15.25. Нашр. л. 15.5. 7000 нусхада. Буюртма № 2585.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 13—118—92.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мағбуот қўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. 1993.